ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:

ШАРИФХАНОВ ИХТИЁР АЛЯКБАРХОНОВИЧ

КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИНИ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Мутахассислик: 5А340903 – “Иқтисодий таҳлил”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

Д И С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: _____ доц. Н.Ф.Ишонқулов
(имзо)

Магистратура директори: _____ доц. Ҳ.Аҳмедов
(имзо)

ТОШКЕНТ -2014

Диссертация Тошкент Молия институти “Молиявий таҳлил” кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар: **_____ доц. Н.Ф.Ишонқулов**
(имзо)

Расмий оппонент: **_____ доц. А.Авлоқулов**
(имзо)

Кафедра мудири: **_____ доц. Б.Ж.Ҳакимов**
(имзо)

Магистратура бўлими бошлиғи: **_____ доц. Ҳ.Аҳмедов**
(имзо)

МУНДАРИЖА

КИРИШ **4**

1-БОБ. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРНИ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Корхона иқтисодий ҳолатини комплекс таҳлил қилишнинг моҳияти ва аҳамияти **12**

1.2. Комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари.....**22**

1.3. Комплекс иқтисодий таҳлилга маълумотларни тайёрлаш ҳамда ички имкониятларни баҳолаш **33**

2-БОБ. КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИНИ БОШҚАРИШДА КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

2.1. Корхонани самарали бошқаришда маркетинг фаолиятини комплекс иқтисодий таҳлил қилиш **37**

2.2. Корхона моддий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда комплекс иқтисодий таҳлил **46**

2.3. Корхонанинг меҳнат ресурслари потенциали бошқарилишини комплекс таҳлили **58**

3-БОБ. КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ КОМПЛЕКС ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Комплекс таҳлил ва ишлаб чиқаришнинг ташкилий – техника даражасини баҳолаш **70**

3.2. Корхонанинг тўловга лаёқатлилиги, молиявий барқарорлиги ва ишбилармонлик фаоллигини баҳолашнинг комплекс иқтисодий таҳлили **79**

3.3. Корхона фаолиятининг даромадлари, ҳаражатлари ва молиявий натижаларини комплекс таҳлили **101**

ХУЛОСА **118**

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ **123**

КИРИШ

Тадқиқот иши мавзусининг долзарблиги. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ республикамизнинг олдида турган долзарб вазифалардан бири бу бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудиторлик фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг олдида турган муаммолаларни бартараф этиш вазифаси қўйилди. Бу ҳолат эса албатта, мазкур тизимда бошқарувни мукаммаллаштириш ҳамда унинг учун энг зарур бўлган иқтисодий маълумотлар билан таъминловчи ва уларни баҳоловчи бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлилга нисбатан қўйиладиган талабларни кучайтиришга олиб келади. Бу ўз навбатида, бухгалтерия ҳисобида туб ўзгаришларни талаб қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида иқтисодиётни дастлабки ислоҳ қилишнинг ғоят муҳим йўналишларини белгилаб берувчи асосий устувор йўналишлар белгилаб олинди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистонда ислоҳ қилиш – мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш билан белгиланади. Мазкур масалаларни тўғри мушоҳада қилган ҳолда Президентимиз И.Каримов шундай деган эди: - «Олдимизда турган биринчи ва асосий вазифа - бу изчил иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мукаммаллаштириш ва илғор технологиялар билан қайта қуроллантиришнинг бош шарти бўлган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш муаммосидир».[1] деб таъкидлаган. Бу, Республика иқтисодиётида фаолият юритаётган барча соҳа корхоналарининг фойда кўриш мақсадида, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариши ёки хизмат кўрсатишини талаб этади.

Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимизда давлат бошчилигида олиб борилган кучли ижтимоий-қтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ, бугунги кунда дунёдаги аксарият етакчи давлатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кескин салбий таъсир кўрсатаётган бир даврда мазкур

[1] И.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1995 й.

инқирознинг мамлакатимизга бўлган салбий оқибатлари кескин бўлмади. Бунда асосий ролни давлат бош ислоҳотчи сифатида келажакни ўйланган сиёсати самараси бўлди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимизга салбий таъсирини камайтириш бўйича Президентимиз қуйидаги фикрларини баён этганлар: “Иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик ва молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашуви жараёни тобора чуқурлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, жаҳон молиявий инқирози, аввало, унинг оқибатлари бизга ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳеч қандай зарурияти бўлмаса керак, деб ўйлайман. Бундай таъсир, авваламбор, умуман дунё бозоридаги талаб ва нархларнинг кескин тушиб кетишида ва табиийки, мамлакатимиз экспорт қиладиган маҳсулотларнинг муҳим турларига нисбатан ҳамда экспортга йўналтирилган етакчи тармоқлар ва улар билан боғлиқ турдош корхоналар фаолиятида намоён бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида бутун иқтисодиётимизнинг мутаносиб ва самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш, ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш йўлида кўплаб муаммоларни туғдирмоқда[2].

Лекин, юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, халқимизнннг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига 2008 ва 2009 йилларда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришдик.

Бу борада мамлакатимиз Президенти 2009 йил якунларига бағишланган йиғилишда қуйидаги мулоҳазаларини таъкидлаб ўтдилар: “2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси – бу ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини,

[2] И.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: “Ўзбекистон”, 2009 йил 24-б

самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир”[3].

Шу жиҳатдан олганда, корхоналарнинг барқарор фаолият юритишида, ишлаб чиқариш жараёнининг барча элементлари, шу жумладан иқтисодий таҳлил мукаммал ишлаши керак. Иқтисодиёт секторида бозор муносабатларини чуқурлаштириш ушбу соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштиришни тақозо этади. Шу сабабли, корхоналарнинг иқтисодий ҳолатини комплекс таҳлил қилишни ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юқори суръатлар билан ўсишини таъминлаб беради. Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш ва назорат қилиш, уларнинг молиявий ҳисоби ва ҳисоботлари таҳлилининг мақсадли шаклини ишлаб чиқиш ҳамда қарор топтириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ушбу ҳолатни ҳисобга оладиган бўлсак, корхоналарда комплекс иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этиш ҳамда уларда фойдаланиладиган манбалар билан таъминланганликни такомиллаштирилиб борилиши бозор иқтисодиётининг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхоналарнинг фаолиятини тартибга солишда ва унинг назоратини олиб боришда комплекс иқтисодий таҳлилнинг ўрни катта ҳисобланади, шу нуқтаи назардан комплекс иқтисодий таҳлилни тўғри ташкил этилиши ва ахборот манбаларидан самарали фойдаланилиши таҳлил самарадорлигини оширади ҳамда корхоналарни оқилона бошқариш имкониятини беради. Мазкур ҳолатларни эътиборга олган ҳолда корхоналарда комплекс иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этишни ва унда фойдаланиладиган ахборот манбаларини ўрганишни такомиллаштириш мазкур магистрлик диссертацияси иши долзарблигини белгилаб беради.

---

[3] И.Каримов “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. Т.: “Ўзбекистон”, 2010 йил 17-б

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналар иқтисодий ҳолатини баҳолашда комплекс таҳлилни ташкил этиш ва унда фойдаланиладиган ахборот манбаларини такомиллаштириш масалалари хорижий ҳамда МДҲ мамлакатларининг иқтисодчи олимлари томонидан ҳам бир қадар ўрганиб келинган. Бундай иқтисодчи олимлардан Х. Хелферт, Б. Нидлз, А. Аренс, К.Лоббек, П.Камышанов, Н.Бернстайн, М.Ефимова, В.Савицкая, Е.Козлова, Н.Парашютин, М.Баканов, А.Шеремет ва бошқалар корхоналарда комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил қилишнинг маълум бир томонларини ўрганиб, ушбу жараёнларни ривожлантиришга муносиб ҳиссаларини қўшган ва қўшмоқдалар.

Республикамизнинг етакчи иқтисодчи олимларидан М.Шарифхўжаев, А.Абдукаримов, Э.Акрамов, М.Пардаев, А.Ваҳобов, А.Сотиволдиев, Ё.Абдуллаев, М.Тўлахўжаева, Б.Ҳасанов, А.Т.Иброҳимов, А.А.Каримов, М.Рахимов, А.К.Ибрагимов, Б.Қ.Хамдамов, Ш.Файзиев, Б.Ж.Хакимов, Н.Ф.Ишонқулов ва бошқаларнинг илмий фаолиятларида ҳам корхоналарда комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари маълум даражада ўрганилган.

Корхоналарнинг комплекс иқтисодий таҳлилини ўзига хос хусусиятлари мавжуд эканлиги уларда иқтисодий таҳлилни ташкил этишни такомиллаштиришни ўта зарурлиги, комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ва унда фойдаланиладиган ахборот манбаларининг етарли даражада ўрганилмаганлиги танланган мавзунинг нақадар долзарб эканлигидан далолат беради ва бу йўналишда магистрлик диссертацияларини амалга ошириш лозимлигини келтириб чиқаради.

Магистрлик диссертация ишининг мақсади иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Республикамизнинг иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда комплекс иқтисодий таҳлилни тўғри ташкил этишни йўлга қўйиш ва такомиллаштириш, комплекс таҳлилда

фойдаланиладиган ахборот манбалари таҳлили бўйича назарий, амалий ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш лозимлиги билан белгиланади.

Қўйилган асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда **магистрлик диссертацияси олдига** қуйидаги вазифалар қўйилди:

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхоналарда комплекс иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этишнинг аҳамияти ва заруриятини ўрганиш ҳамда баҳолаш;
- Ўзбекистон Республикасида комплекс иқтисодий таҳлилни шакллантириш ва ривожлантирилишига баҳо бериш;
- Корхоналарнинг фаолиятини комплекс иқтисодий таҳлил этишнинг назарий ва услубий жиҳатларига баҳо бериш;
- Автоматик бошқариш системаси шароитида комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ва таҳлил натижаларини умумлаштириш, корхоналар амалиётига тадбиқ этиишни кўрсатиб бериш;
- Комплекс иқтисодий таҳлил жараёнида фойдаланиладиган ахборот манбалари ва уларнинг туркумланишига баҳо бериш;
- Бухгалтерия баланси комплекс иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган энг асосий ахборот манбаи эканлиги ва уни таҳлил этишни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш;
- Корхоналар иқтисодий ҳолатини баҳолашда комплекс иқтисодий таҳлил қилишнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;
- Корхоналарда комплекс иқтисодий таҳлил ишларини ривожлантириш истиқболларини белгилаб бериш ва хакозо.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадиган бўлсак, бугунги кунда корхоналарда комплекс иқтисодий таҳлилни тўғри ташкил этилиши долзарб масала ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, мен магистрлик диссертация ишимни ***“Корхона иқтисодий ҳолатини комплекс таҳлил қилишнинг ўзига хос жиҳатлари”*** мавзусида ёзишни олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Татқиқотнинг предмети ва объекти. Тадқиқот ишининг объекти бўлиб Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «FAROVON» масъулияти

чекланган жамиятининг молия-хўжалик фаолиятида комплекс иқтисодий таҳлил ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

Корхоналарда комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ташкилий, ҳуқуқий ва услубий асослар ҳамда жараёнлар тадқиқотнинг предметини ташкил қилади.

Татқиқот ишининг назарий ва услубий асослари. Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, Инқирозга қарши чоралар дастури, Президент И.Каримов асарлари, мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари тадқиқот ишининг назарий асослари бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари иқтисодиётнинг турли соҳаларига, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасига тегишли Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент И.Каримов Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат Мулк қўмитаси, Солиқ қўмитаси, Статистика қўмитаси, Миллий олимпия қўмитасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда йўриқномаларини, шунингдек, комплекс иқтисодий таҳлил бўйича таниқли иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари тадқиқотнинг назарий ва услубий асосларини ташкил этади.

Илмий изланиш давомида услубий асос сифатида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлилнинг бир қатор метод ва услубларидан кенг фойдаланилди. Яъни илмий изланишда диалектик метод, тизимли ёндошув, қиёсий баҳолаш ва таққослаш, кузатув, назарий ва амалий ўрганиш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Татқиқотнинг илмий янгилиги. Илмий иш мавзуси бўйича назарий ва амалий тажрибаларни ўрганган ҳолда сектор хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги натижаларга эришилди:

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхоналарда комплекс иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этишнинг аҳамияти ва зарурияти ўрганилди ҳамда баҳоланди;

– Ўзбекистон Республикасида комплекс иқтисодий таҳлилни шакллантириш ва ривожлантирилишига баҳо берилди;
– Корхоналарнинг фаолиятини комплекс иқтисодий таҳлил этишнинг назарий ва услубий жиҳатларига баҳо берилди;
– Автоматик бошқариш системаси шароитида комплекс иқтисодий таҳлил ташкил этилди ва таҳлил натижалари умумлаштирилди, корхоналар амалиётига тадбиқ этиш кўрсатиб берилди;
– Комплекс иқтисодий таҳлил жараёнида фойдаланиладиган ахборот манбалари ва уларнинг туркумланишига баҳо берилди;
– Бухгалтерия баланси комплекс иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган энг асосий ахборот манбаи эканлиги ва уни таҳлил этишни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилди;
– Корхоналар иқтисодий ҳолатини баҳолашда комплекс иқтисодий таҳлил қилишнинг ўзига хос жиҳатлари аниқланди ва баҳо берилди;
– Корхоналарда комплекс иқтисодий таҳлил ишларини ривожлантириш истиқболлари белгилаб берилди.

Диссертациянинг амалий аҳамияти. Диссертацияда келтирилган таклифлар ва тавсияларни амалиётда қўллаш республикамизда фаолият кўрсатаётган корхоналарда, шу билан бирга Миллий Олимпия қўмитасида комплекс иқтисодий таҳлил ишларини такомиллаштириш имконини беради. Илмий ишда билдирилган таклиф ва тавсиялар аудиторларга иқтисодий таҳлил ишларини ташкил қилиш бўйича ҳамда мавзуга оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Татқиқот натижаларини синовдан ўтказиш. Диссертация Тошкент молия институти Магистратура бўлими “Молиявий таҳлил” кафедрасида бажарилган.

Диссертациянинг асосий ғоялари ва мазмуни Тошкент молия институтида ўтказилган илмий-амалий анжуманда маъруза тарзида баён қилинган.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши унинг мақсади ва вазифалари билан белгиланади. Диссертация иши таркибий тузилишига кўра кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир. Магистрлик диссертациясининг асосий мазмун ва моҳияти тегишли параграфларда тўлалигича ёритиб берилган.

1-БОБ. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРНИ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Корхона иқтисодий ҳолатини комплекс таҳлил қилишнинг моҳияти ва аҳамияти

Табиат ва жамиятдаги ҳодисалар сингари иқтисодий ҳодисаларнинг ҳам таркибий қисмларини билмай туриб, яъни таҳлил қилмай туриб, уларни илмий жиҳатдан ўрганиб бўлмайди.

Анализ ибораси «analisys» сўзидан олинган бўлиб, «бўламан», «ҳал этаман» деган маънони билдиради. Бинобарин, таҳлил мураккаб ҳодиса ва предметларни таркибий қисмларга бўлиш, ажратиб қўйиш асосида кўрсаткичларни таққослаш ва ўрганиш демакдир. Маълумки, корхоналарда иқтисодий самарадорликни ошириш, фаолиятнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича муваффақиятларни ўрганиш ва уни такомиллаштиришнинг қулай йўлларини белгилаш - иқтисодий таҳлилни ташкил қилишнинг зарурий шартларидан биридир.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таҳлилнинг роли кескин ошади, чунки бошқаришда олдинги маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечилиб янги, эркин иқтисодий механизмлар орқали бошқариш тизими шаклланади. Олдинги таҳлил асосан, режа кўрсаткичларини асослашга, унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган эди. Бугунги кунда эса, ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолиятини мустақил равишда бошқаради. Бу ўз навбатида таҳлилнинг ролини оширади. Иқтисодий таҳлил орқали ҳар бир субъектда мавжуд бўлган ички ва ташқи имкониятлар аниқланади, уларни амалиётга сафарбар қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Иқтисодий таҳлил орқали ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти аниқланади. Бунда, таҳлил учун манба бўлиб, йиғма статистик маълумот асос бўла олади. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишдан мақсад корхона ва бирлашмаларнинг иш фаолиятига объектив баҳо бериш ва хўжалик юритишнинг самарадорлигини

янада оширишдан иборатдир. Бундай таҳлил натижалари корхонанинг хўжалик фаолиятини доимо назорат қилиб туришни, унга раҳбарлик қилишда хатога йўл қўймасликнинг олдини олишга хизмат қилади. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш қуйидаги тамойилларга амал қилган ҳолда амалга оширилади:

- Илмий асосланганлик тамойили;
- Объективлик тамойили;
- Тизимли ва комплекслик тамойили;
- Оперативлик тамойили;
- Умумийлик тамойили.

Иқтисодий таҳлилнинг вазифаси - ушбу бандларда келтирилган вазифалар билан чекланмайди. Корхона фаолияти шу даражада серқирраки, таҳлил жараёнида унинг ҳамма жиҳатларини ўрганиш лозим. Шундай экан, таҳлил вазифаси ҳам кўп қирралидир.

Таҳлил жараёнида барча камчиликлар аниқланади. Бошқарув қарорларини қабул қилишда эса аниқланган камчиликларга келгусида йўл қўймаслик чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Шу тариқа камчиликлар бартараф қилиниб, хўжалик фаолиятининг узлуксиз равишда такомиллашуви ва самарадорлиги ошиб бориши таъминланади.

Иқтисодий таҳлилининг асосий вазифаси - бу корхоналар фаолиятида фойда миқдорини кўпайтиришнинг тўғри ва оптимал йўлларини аниқлаб беришдир. Агар корхона фаолиятида фойда миқдорининг ошишига нарх-навонинг кўтарилиши ёки атроф муҳитга зарар етказиш эвазига эришилса, буни ҳеч қачон корхона муваффақияти деб бўлмайди.

Бозор муносабатлари соҳасида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ўз тасарруфидаги барча ресурслар – молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади. Аммо, кўпгина корхона ва ташкилотлар иқтисодий мустақиллиқ ҳамда ички ва ташқи бозорда битимлар

тузиш ҳуқуқини қўлга киритганларидан сўнг хўжалик юритишнинг янги шароитларига тайёр эмасликлари аён бўлиб қолди.

Бозор иқтисодиёти соҳасида бошқарув субъектларига фақат ахборотга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу ахборот билан ишлаш, тўғри хулосалар чиқариш ва улардан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиш зарур бўлади. Самарали бошқаришда энг муҳими ахборот ва ундан фойдалана билишдир.

Иқтисодий ахборотлар билан ишлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири уни таҳлил қилишдир. Таҳлил давомида хўжалик фаолиятини ўрганишда ҳамда хулосалар чиқаришда асос бўладиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Бугунги кунда аниқ бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш асосан ишлаб чиқариш, инвестиция ва молиявий фаолиятларга тегишли ахборот манбаларини ҳар томонлама ўрганиш ва уларга ишлов бериш орқали амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолиятини таҳлил этиш учун фойдаланиладиган ахборот манбалари 2 қисмга бўлинади:

- корхонани ички бошқарув манбалари;
- ташқи фойдаланувчилар манбалари

Корхона фаолиятини йўналиши бугунги кунда тобора кенгайиб операцион таҳлил, инвестиция таҳлили, инновация таҳлили, молиявий таҳлил каби турлари тобора кенгайиб бормоқда. Демак, хўжалик фаолиятини комплекс иқтисодий таҳлили - комплекс иқтисодий таҳлилдир. У корхона фаолиятининг барча томонлари ва бўлинмаларини бир-бири билан узвий боғликда, яъни ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари тайёрлов, ишлаб чиқариш ва маҳсулот муомалаларини ўз ичига олади.

Комплекс иқтисодий таҳлилни ўтказишнинг концепцияси ва ташкилий - услубий асослари хусусида назарий - услубни; унинг моҳияти ва мазмуни; таҳлил ўтказиш босқичлари ва йўнилишлари бўйича аниқ билимга эга бўлиш керак. Хўжалик фаолиятини комплекс иқтисодий таҳлилини услубий ва ташкилий жиҳатдан шаклланишида хорижий иқтисодчи олимлар С.К. Татур,

А.Д. Шеремет, С.Б. Барнгольц, Н.Г. Чумаченко, В.В. Ковалев, Л.Т. Гиляровская, Г.В. Савицкая, О.Ф. Ефимова, Б. Нидлз, Э. Хендриксен, Р. Энтони, Ўзбекистонлик олимлардан А.М. Айрумов, Э.А. Акрамов, А.Т. Абдукаримов, С.К. Кодирхонов ва бошқаларнинг қўшган ҳиссалари юқоридир. Хўжалик субъектларини реал бозор муносабатлари шароитида самарали фаолият юритиши учун комплекс иқтисодий таҳлил ўтказишнинг бугунги кундаги назарий – услубий ва ташкилий – методик томонлари муаммоларни асосли равишда очиб бериш ва уларни амалиётда қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда комплекс иқтисодий таҳлилнинг моҳияти, унинг мазмуни ва қандай мақсадларда ундан фойдаланиш хусусида аниқ ва барқарор тушунча; уни ўтказиш шакли ва усули; резервларни жамлаш тартиби тўғрисидаги мулоҳазаларга аниқлик етишмайди.

Хорижий олимлар комплекс иқтисодий таҳлилнинг мазмуни тўғрисида аниқ бир позицияга эга эмаслар; уни кўпинча ички хўжалик ва бошқарув таҳлили; тадқиқот ўтказишнинг предмети – корхона ишлаб чиқариш фаолияти ташкил этади деб таърифланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, барча хўжалик субъектларини фаолияти серқирра бўлиб ишлаб чиқариш фаолиятидан ташқари улар савдо, молиявий, инвестиция, ташқи иқтисодий фаолият, инновация, маркетинг фаолиятлари билан ҳам шуғилланадилар.

Молия – хўжалик фаолиятини таҳлили ишлаб чиқаришни бошқариш элементи, фаолиятни бошқариш босқичидир. У бошқарув тизимида бир қанча функцияларни бажаради. Иқтисодий таҳлил орқали хўжалик жараёнларининг моҳияти англанади ва унга баҳо берилади, ишлаб чиқаришнинг резервлари аниқланади ва режалаштириш ва бошқарувнинг илмий жиҳатдан асосланган қарорлари тайёрланади. Бошқарув тизимидаги комплекс иқтисодий таҳлилнинг кўп қиррали функцияси унинг мақсад ва вазифаларида намоён бўлади. Бошқарув мақсадидаги хўжалик фаолиятини

комплек иқтисодий таҳлил этишнинг методик жиҳатдан ташкилий босқичлари қуйидагилардан иборат;

- комплекс иқтисодий таҳлилнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- қўйилган мақсадларга эришиш учун кўрсаткичлар йиғиндисини асослилигини ҳар томонлама таҳлил этиш;
- комплекс иқтисодий таҳлил ўтказиш босқичларини белгилаш;
- комплекс иқтисодий таҳлил ўтказиш муддатларини белгилаш;
- таҳлилни ташкил этиш босқичларини ишлаб чиқиш ва хизмат бўлимлари бўйича вазифаларни тақсимланиши;
- таҳлил натижаларини расмийлаштириш ва уларни баҳолаш;
- аналитик ишнинг меҳнат сиғимини баҳолаш, таҳлил натижасининг самарасини жамлаш.

Корхона иқтисодий ҳолатини комплекс таҳлил қилишнинг мақсад ва вазифаси аввало корхонани ички хўжалик муоммоларини ечишга яъни фаолият натижавийлиги, ҳамда унинг иқтисодий потенциалини ташкил этувчи ресурслар, капиталдан фойдаланишга даромад, фойда компания қийматини, акционерларнинг акциядан оладиган даромадларини оширишга қаратилган.

Бошқарув таҳлилининг асосий мақсади ресурслар, баланс активи, компанияни рентабеллик билан ишлаши ва корхона молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Корхона иқтисодий ҳолатини комплекс таҳлил қилишнинг айрим ўзига хос хусусиятлари:

- таҳлил натижалари корхонаниг ўз мақсадлари ва манфаатларига хизмат қилади;
- таҳлил ўтказишда барча турдаги манбалардан, шу жумладан ишлаб чиқариш ҳисоби маълумотларидан ҳам кенг фойдаланилади;
- таҳлил ўтказишни давлат бошқарув органлари томонидан чекланмаганлиги;

- таҳлил комплекс тарзда корхона фаолиятининг барча томонлари бир-бири билан узвий боғланган ҳолда амалга оширилади;

- таҳлил натижалари сир сақланади.

Хўжалик фаолиятини комплекс иқтисодий таҳлилининг асосий вазифалари:

1) кўрсаткичларни базис давридан фарқланишига ижобий ва салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиш;

2) хўжалик фаолияти самарадорлигини объектив равишда баҳолаш;

3) бизнес-режани илмий жиҳатдан асосланганлиги, унинг бажарилишини назорат қилиш;

4) маҳсулот ҳажмини ошириш, унинг таннархини пасайтириш бўйича фойдаланилмаган ички хўжалик резервларини аниқлаш, ўтказилган синов натижаларини атрофлича ўрганиш ва уларни умумлаштириш.

Хўжалик фаолиятининг комплекс иқтисодий таҳлилини асосий йўналишлари:

1) операцион фаолиятнинг комплекс иқтисодий таҳлили(ОФКИТ);

2) молиявий фаолиятнинг комплекс иқтисодий таҳлили(МФКИТ);

3) инвестиция фаолиятининг комплекс иқтисодий таҳлили(ИФКИТ);

4) инновация фаолиятининг комплекс иқтисодий таҳлили(ИНФКИТ)

ОФКИТ корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти, яъни жорий ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга: ресурсларни харид этиш ва маҳсулот (иш, ҳизмат)ларни сотишга қаратилган.

МФКИТ – молиялаштириш масалалари, корхонанинг молиявий (жорий ва истиқболли) ҳолати ва унинг барча молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга қаратилган.

ИФКИТ – қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестицияларга бўлган эҳтиёж, уларни мақсадли, даромад келтириши ва хавфсизлигини объектив равишда баҳолашга қаратилган.

ИНФКИТ - инновация лойиҳаларини мақсадли, улардан амалий фаолиятда самарали фойдаланишига баҳо беришдан иборат.

КХФКИТ нинг махсус усуллари орқали хўжалик фаолияти натижаларини комплекс баҳолаш мақсадида эксперт - аналитик томонидан танланган (Кj) дастлабки базис даври кўрсаткичларини ўсиш суръатлари коэффициенти баҳоланади, тадқиқот ўтказилаётган хўжалик жараёнлари сифат жиҳатдан моҳияти тўлиқ очиб берилади. Комплекс баҳолаш қуйидаги формулалар асосида аниқланади:

$$К_j = \sum w; \qquad (1)$$

$$К_j = \frac{\sum w}{n}; \qquad (2)$$

$$К_j = w_1 * w_2 .... w_n = П_p w \qquad (3)$$

$$K_j = \sqrt[n]{Прw}; \qquad (4)$$

$$К_j \text{ (масофа усули)} = ; \sqrt{\sum_{j=1}^{n} КЗ(w_{ii} - w_{i\,\min})^2}; \qquad (5)$$

бунда $К_j$ –корхонанинг ҳар бир бўлими, жами кўрсаткичларини комплекс баҳолаш;

i - бўлим фаолиятини комплекс баҳолашда эксперт томонидан олинган ҳар бир кўрсаткич номи;

w_{ii} - комплекс баҳолашдаги ўсиш (пасайиш) суръатлари коэффициенти;

КЗ – комплекс баҳолашдаги тўртта кўрсаткичнинг ҳар коэффицентнинг натижаси;

$w_{j\,max}$ – бўлинманинг i – кўрсаткичини максимал ифодаси;

$П_{pw}$- кўрсаткичларни ўсиш коэффициентларини кўпайтмаси;

n – комплекс баҳолаш коэффициентини ҳисоблашдаги кўрсаткичлар сони

1-жадвал

Корхона филиаллари фоалиятини ўртача геометрик ва масофа усуллари орқали комплекс баҳолаш

	Кўрсаткичлар	Корхона филиаллари			max	Кўрсаткичлар коэффициен-тини ўрни
		N_1	N_2	N_3		
	А	1	2	3		5
	Мехнат унумдорлигини ўсиш коэффициенти	1,05	1,03	1,04	1,05	2
	Фонд қайтимини ўсиш коэффициенти	1,03	1,06	1,05	1,06	1,5
	Материал қайтимини ўсиш коэффициенти	1,04	1,02	1,01	1,04	2,5
	Маҳсулот сотишдан кўрилган рентабелликни ўсиш коэффициенти	1,02	1,08	1,06	1,08	3
	“Ўртача геометрик” усул бўйича комплекс баҳолаш $K_j = \sqrt[n]{Прw}$	1,035	1,097	1,040	-	-
	Рейтинг бўйича эгаллаган ўрин	3	2	1	-	-
	Филиаллар фаолияти натижаларини “масофа” усули орқали комплекс баҳолаш $К_j$ (масофа усули) = $К_j = \sqrt{\sum_{j=1}^{n} КЗ(w_{ii} - w_{i\max})^2}$;	0,0406	0,1060	0,0264	-	-
	Рейтинг бўйича эгаллаган ўрин	2	1	3	-	-

Кj ни (“масофа усули”) орқали аниқланиши

Филиал 1

$$K_{j1} = \sqrt{2(1{,}05-1{,}05)^2 + (1{,}03-1{,}06)^2 + 2{,}5(1{,}04-1{,}04)^2 + 3(1{,}02-1{,}08)^2} =$$
$$= \sqrt{0 + 0{,}00135 + 0 + 0{,}0003} = \sqrt{0{,}00165} = 0{,}0406$$

Филиал 2

$$K_{j2} = \sqrt{2(1{,}03-1{,}05)^2 + 1{,}5(1{,}06-1{,}06)^2 + 2{,}5(1{,}02-1{,}04)^2 + 3(1{,}08-1{,}03)^2} =$$
$$= \sqrt{0{,}0035 + 0 + 0{,}001 + 0{,}00138 + 0{,}0075} = \sqrt{0{,}01123} = 0{,}1060$$

Филиал 3

$$K_{j3} = \sqrt{2(1{,}04-1{,}05)^2 + 1{,}5(1{,}05-1{,}06)^2 + 2{,}5(1{,}01-1{,}04)^2 + 3(1{,}06-1{,}08)^2} =$$
$$= \sqrt{0{,}0002 + 0 + 0{,}00015 + 0{,}000225 + 0{,}00012} = \sqrt{0{,}000695} = 0{,}0264$$

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, корхона филиаллари фаолиятини икки усулда комплекс баҳолаш натижалари бир хил эмас. Чунки “ўртача геометрик” ва “масофа” усуллари мазмунан бир – биридан фарқ этади. Биринчи усул орқали корхона фаолиятини комплекс баҳолаш натижалари филиал 2 да юқори K_j -1,097; иккинчи усул – “масофа” усули натижасига кўра филиал 2, K_j=0,1060 юқори натижага эга.

Чуқур ва аниқ, объектив таҳлилий хулосаларга бир қанча турдаги ахборот манбаларига ишлов бериш орқали эришилади. Иқтисодий таҳлил учун ички ахборот манбалари муҳим аҳамиятга эга. Улар таркибига қуйидагилар киради:

- таъсис ҳужжатлари;
- асосий воситалар ва айланма маблағлар таркиби, улар қиймати, хўжалик операциялари ҳамда корхонанинг даромад ва харажатларини ўзида ифода этувчи дастлабки ҳужжатлар;
- техник – лойиҳаларга оид ҳужжатлар

- инвесторлар, мол етказиб берувчилар, ҳаридорлар, қарздорлар, эмитентлар ўртасида бўладиган муносабатларни ифодаловчи юридик хужжатлар;

- бухгалтерия ҳисобининг аналитик маълумотлари;

- тезкор ва статистик ҳисоб маълумотлари;

- бухгалтерия ҳисоботи;

- назорат органларининг далолатномалари, аудитор ва солиқ инспекциялари томонидан ўтказилган текширув хулосалари, тижорат банкларининг далолатномаси;

- меъёрий ҳужжатлар;

- бизнес-режа ва ҳ.к.

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш учун қуйидаги ташқи манбалардан ҳам фойдаланилади:

- давлатнинг иқтисодий соҳадаги сиёсатини ифодаловчи сиёсий характердаги манбалар, масалан, тижорат фаолияти билан шуғулланувчиларни солиқ юкини пасайтириш орқали рағбатлантириш ёки айрим турдаги фаолиятларни чеклашларни келтириш мумкин;

- айрим турдаги товарлар, хизматларга бўлган талаб ва эҳтиёжлар, кредит ставкалари фоизи, чет эл валюта курсини ўзгариши, айрим компания ва тижорат банклари рейтинги тўғрисидаги маълумотлар;

- мол етказиб берувчилар, харидорлар, инвесторлар, кредиторларнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар;

- раҳбар ловозимдаги юридик шахсларнинг ишбилармонлик ва шахсий сифат кўрсаткичларини ифодаловчи маълумотлар;

- газета, журнал, биржа бюллетенлари, телевидение ва радио, интернет маълумотлари ва ҳ.к.

Таҳлил манбалари гуруҳларга ажратилади, ҳисоботларда акс этган маълумотлар ҳар томонлама чуқур текширувдан ўтказилиб, сўнг маълумотларга аналитик ишловлар берилади.

1.2. Комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ҳар бир ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш натижавийлигини ошириш мақсадида комплекс тарзда иқтисодий таҳлилни ташкил этиш лозим. Комплекс таҳлилни амалга ошириш метадологияси адабиётларда етарлича ёритилмаган.

Методология фан предметини ўргатиш усули, унда қўлланиладиган ёндашувлар, усуллар мажмуаси демакдир.

Комплекс таҳлил деб хўжалик фаолиятини бўлакларга бўлиб бир-бирига боғлиқ ҳолда батафсил ўрганишдир. Ушбу таҳлил тури тизимли ёндашиш билан амалга оширилади.

Шу маънода комплекс иқтисодий таҳлилнинг мазмунини корхона фаолиятини кенг қамровли тарзда ўрганиш асосида, уларнинг ҳар бир бўлагини ўзаро боғлиқликда, алоқадорликда кўриб чиқиб мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишнинг чора - тадбирларини белгилаб бериш мақсадидаги, корхона фаолияти натижавийлигини яхшилашга қаратилган ички имкониятларини аниқлаш ташкил этади.

Комплекс иқтисодий таҳлил асосий қисм ва йўналиши бўйича қуйидаги блокларга бўлинади:

- харид этиш;
- омборларга жойлаштириш;
- ишлаб чиқариш;
- сотиш ҳажми;
- транспорт воситаларини ҳаракати;
- таварни истеъмолчига етказиш;
- молиявий менежмент;
- лойиҳа бошқаруви;
- инвестиция бошқаруви;
- инновация бошқаруви;

- ҳолдинг бошқаруви;
- объектларни таҳлили;
- ресурсларни таркиби, ҳолати, ҳаракати ва улардан самарали фойдаланиш таҳлили;
- ресурс турлари ва маҳсулот хиллари бўйича ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини таҳлили;
- ташқи муҳитни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг молиявий натижалари ва молиявий ҳолатини таҳлили;
- комплекс таҳлил тижорат ташкилотлари ва унинг бўлинмалари тузилишини назорат қилиш воситаси сифатида;
- корхона мулки ва молиявий имкониятларидан самарали фойдаланишни комплекс баҳолаш;
- капитал рентабеллиги;
- иқтисодий ривожланиш интенсификацияси;
- ишлаб чиқариш ресурсларидан интенсив фойдаланиш туфайли эришилган нисбий иқтисод.
- соф актив қиймати ва ҳ.к.

Корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик жараёнлари (таъминот, ишлаб чиқариш, реализация) жамланганда унинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ташкил этади. Улар аниқ сон жиҳатга эга бўлиши керак.

Бу жараёнларни миқдор ва сифат жиҳатларини таснифлаш аналитик кўрсаткичлар тизими (системаси) орқали амалга оширилади.

Аналитик кўрсаткичларда корхонанинг ишлаб чиқариш, молия, хўжалик жараёнларини иқтисодий самарадорлик даражаси, ҳажми ва унинг айрим йўналишлари акс этади.

Аналитик кўрсаткичлар бизнес режа, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари, бошқа ахборот манбаларидан олинади. Кўрсаткичларнинг мазмуни миқдорини ифодаловчи кўрсаткичлардан фарқланади.

Кўрсаткичлар мазмуни ўрганилаётган жараёнларнинг иқтисодий моҳиятини, **кўрсаткичлар миқдори** эса уларни ўлчовини ифодалайди.

Масалан, маҳсулотни истеъмолчиларга ортиб жўнатилгандан келган тушум **кўрсаткичлар мазмунини**, миқдор кўрсаткичи эса тушум суммаси унинг динамикаси, режанинг бажарилишидир.

Аналитик кўрсаткичлар қуйидагича туркумланади:

1) мазмуни бўйича;
2) ифодаланиш усули бўйича;
3) фойдаланиш доираси бўйича;
4) ишлатилиш ҳусусияти бўйича

1. Кўрсаткичлар мазмуни бўйича икки гуруҳга бўлинади.

1.1. **Миқдор кўрсаткичлари.** Хўжалик жараёнлари ва уларнинг ўзгаришларини сон жиҳатини ифодалайди .Масалан, ходимлар сони, машина ва ускуналар сони ва ҳ.к.

1.2. **Сифат кўрсаткичлари**. Бу кўрсаткичлар хўжалик жараёнларидаги ўзгаришларнинг муҳим ҳусусиятлари ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини ифодалайди. Масалан, рентабеллик, маҳсулот таннархи, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари сифат кўрсаткичлари таркибига киради.

Миқдор ва сифат кўрсаткичлари бир - биридан айриқ ажралган ҳолда ўрганилмайди. Ҳар икки кўрсаткич бир-бири билан узвий боғланган ҳолда ишнинг натижасига таъсир этади. Масалан, маҳсулот ҳажми ишчилар сони (миқдор кўрсаткич) ва бир ишчининг ўртача маҳсулот ҳажми (сифат кўрсаткич)ларини кўпайтмасидан ҳосил бўлади.

2. Кўрсаткичлар ифодаланиш усули буйича ҳам икки гуруҳга бўлинади.

2.1. **Мутлоқ кўрсаткичлар.** Бу кўрсаткичлар иштирокида ишлаб чиқариш, молиявий ва хўжалик фаолиятларининг ҳажми, структураси ва сифат хусусиятлари ифодаланади. Қайси ўлчов бирлигида ифодаланишига қараб натурал, меҳнат, қиймат шаклларига бўлинади. Маҳсулот ҳажми натура шакли (тонна, кг, метр, дона) да меҳнат (норма- соат), пул кўринишида ифодаланиши мумкин.

2.2. **Нисбий кўрсаткичлар.** Бу кўрсаткичлар бир-бири билан узвий боғлиққа эга икки мутлоқ кўрсаткичларнинг нисбати орқали аниқланган

нисбий кўрсаткич ўрганилаётган ҳодисалар структураси, уларнинг самарадорлиги ва вақт жиҳатдан интенсивлигини аниқлаш учун зарурдир. Нисбий кўрсаткичлар фоиз, коэффициент, индекс шаклларида қўлланилади.

3. Фойдаланиш доираси бўйича кўрсаткичлар қўйидагича тақсимга эга.

3.1. Барча тармоқларда фойдаланиладиган умумий кўрсаткичлар. Масалан иш ҳақи фонди, бир ҳодимга туғри келадиган ўртача маҳсулот, соф фойда, хусусий капитал рентабеллик даражаси ва ҳ.к.

3.2. Айрим тармоқлар саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва ҳ.к. ларда қўлланиладиган якка, ҳусусий кўрсаткичлар. Маҳсулот сифати, унинг чидамлиги-саноат, доннинг намлилиги, сутнинг ёғлиқлик даражаси қишлоқ хўжалигига таъалуқлидир.

4. Ишлатилиш бўйича кўрсаткичлар қуйидагича ифодаланади.

4.1. Хўжалик жараёнларини таснифловчи кўрсаткичлар. Улар корхона хўжалик жараёнларини тузилиши, бизнес режаларни бажарилиши, жараёнлар динамикаси орқали эришилган натижаларни ифодалайди.

4.2. Эришилган натижаларга таъсир этувчи омиллар. Ишлаб чиқариш, молиявий ва хўжалик жараёнларидаги ўзгариш сабаблари аналитик кўрсаткичлар орқали ифодаланади. Масалан, сотишдан келган тушум индекси **(I_v),** сотиш ҳажми **(I_g)** ҳамда сотиладиган маҳсулот баҳо **(I_p)** ларини кўпайтмасидан ҳосил бўлади. Бунда,

I_v – натижа

I_g – омил

I_p – омил

Юқоридаги формулани қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$\frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_0} = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0} \times \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0}$$

Барча аналитик кўрсаткичлар бир-бири билан узвий боғликка эга, фақат улардан системали тартибда фойдаланилган тақдирдагина комплекс иқтисодий таҳлил олдига қўйган мақсадга эришиши мумкин.

Комплекс иқтисодий таҳлилга оид адабиётларда иқтисодий кўрсаткичларни туркумлаш, уларни шаклланиши ва бир-бири билан боғлиқлигини ифодалувчи турлича чизмалар мавжуд.

Бу чизмалардан энг асосийси А.Д. Шеремет, Р.С. Сайфулин, Е.Н. Негашев томонидан ёзилиб нашр этилган “Комплексный экономический анализ деятельности предприятия” (вопросы методологии).-М.: “Экономика”, 1974, 26 бет диққатга сазовордир.

Иқтисодий кўрсаткичлар 2 гуруҳ кўрсаткичларидан иборат. Гуруҳлар ўзагини ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, яъни техника ва техналогияси, технологик жараёнлар, меҳнатни техник ва энергия билан қуролланиши, ишлаб чиқариш жараёнини давомийлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражаларини ўз ичига олади (1-гуруҳ)

Ишлаб чиқариш ресурслари-меҳнат воситалари (2-гуруҳ), меҳнат предметлари (3-гуруҳ), меҳнат ресурслари (4-гуруҳ) дан самарали фойдаланиш ишлаб чиқаришни техник, ташкилий жиҳатларига боғлиқ. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (5-гуруҳ), маҳсулот таннархи (6-гуруҳ), узоқ муддатли активлар ва жорий (айланма) активлари(7-гуруҳ) ишлаб чиқариш русурсларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига боғлиқ.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва унинг таннархи асосида фойда ва маҳсулот рентабеллиги (8-гуруҳ) даражаси аниқланади.

Узоқ муддатли активлар ва жорий активларни шаклланиши учун йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва капитал миқдорларини таққослаш орқали сарф этилган капитал (9-гуруҳ) самарадорлиги аниқланади. Юқорида қайд этилган 9-гуруҳ кўрсаткичлари молиявий натижаларга таъсир этади. Фойда асосида капитал рентабеллик (10-гуруҳ) даражаси аниқланади.

Баланс активи ва унинг ташкил топиш манбалари асосида хўжалик субъектининг молиявий ҳолати (11-гуруҳ)га баҳо берилади.



1-чизма. *Иқтисодий кўрсаткичларни шаклланиши*

Аналитик ишларни муваффақиятли амалга ошириш уни ташкил этиш даражасига боғлиқ.

Корхонадаги ички аналитик ишлар маълум мақсад, вазифа бўйича тизимли ўтказилиши керак. Бундай таҳлил ишлаб чиқариш ва молиявий, жорий, тезкор ва истиқболли, комплекс ва айрим мавзулар бўйича таҳлил, ҳамда рақобатдаги корхоналарнинг ташқи таҳлил маълумотлари йиғиндисини ўз ичига олади.

Иқтисодий таҳлил хўжалик субъектларида кимлар томонидан амалга оширилади?

- йирик фирма - ихтисослашган бўлинмаларда директорнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари раҳбарлигидаги бухгалтерлар, иқтисодчи, менежментлар гуруҳи;

- ўрта фирмаларда – гуруҳ ёки молиявий масалалар бўйича мутахассис;

- кичик фирмаларда – бош бухгалтер иқтисодий таҳлилни амалга оширади.

Комплекс иқтисодий таҳлилни ўтказиш босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Мақсадли аниқ кўрсатма ва таҳлил объектини белгилаш;
2. Дастлаб объект билан умумий танишув ва таҳлил режасини қайта ишлаб чиқиш: ахборот манбаларини аниқлаш, таҳлил этиш услубини танлаш;
3. Таҳлил манбаларини йиғиш ва уларнинг ишончлилигини, сифатини текшириш;
4. Таҳлил манбаларини ўрганиш, аниқ таҳлил услуби орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
5. Таҳлил натижаларини умумлаштириш, хулосалаштириш;
6. Ички резервларни аниқлаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, келгусида бундай камчиликларга йўл қўймасликка қаратилган бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш.

Комплекс иқтисодий таҳлилнинг I,II босқичларида – таҳлилнинг мақсади, вазифаси, таҳлил объекти аниқланиши, таҳлил мазмуни, таҳлилни ўтказувчи гуруҳлар(ижрочилар) таркиби, таҳлил муддати, таҳлил этиш услублари акс этиши лозим.

Йиғилган ахборот манбалари ишончли, сифатли бўлиши керак. Маълумотларга ишлов беришдан олдин ахборот манбалари юзаки ва мазмун жиҳатдан текширувлардан ўтказилади.

Четдан инвесторларни жалб этиш мақсадида ҳисобот маълумотларини бўрттириб кўрсатиш жозибасига ҳамон чек қўйилмаган. Инвесторни жалб қилиш учун, табиийки, ўзининг фақат “Яхши тамонларинигина кўрсатиш” истаги, аниқроқ қилиб айтганда: ҳали олинмаган даромадларни акс эттириш, уларни қайтадан баҳолаш йўли билан активлар қийматини кўпиртириб кўрсатиш, бинобарин, ўз капиталининг миқдорларини кўпайтириш ва шу

кабиларга хохиш пайдо бўлади. Бошқача айтганда, қасддан (ёки қасддан бўлмаган ҳолда) фойдаланувчини чалғитиш, у ўз манфаатларига жавоб бера олувчи иқтисодий қарорни ундан келиб чиққан ҳолда қабул қила олмайдиган ахборотни тақдим этиш ҳавфи юзага келади. Маълумки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда мулк ҳуқуқи қаттиқ қўриқланади ва мулкдорни ҳимоя қилиш учун ҳалқаро амалиёт ҳисобга олишнинг корхоналарга уларнинг ҳақиқий аҳволини бўрттириб кўрсатишларини тақиқлайди ҳамда корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланувчиларга уларни тўлиқ талқин қилишларида ёрдам берадиган қоидаларни ишлаб чиққан. Шунга мувофиқ бухгалтерияга оид ахборот муайян талабларга жавоб бериши (фойдаланувчи учун тушунарли, ишончли, ахамиятли ва турли даврлар учун таққосланадиган бўлиши) ва маълум қоидалар асосида тузилиши керак.

Ушбу қоидалар турли мамлакатларда турлича номланади, бироқ уларнинг энг кўп тарқалган номи – бухгалтерия ҳисобининг умумэътироф этилган тамойиллари (Generalli Accepted Accounting Principles - GAAP)дир. Бизнинг республикамизда ушбу қоидалар – бухгалтерия ҳисоби тамойиллари – Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида (БХМС) акс эттирилган.

Таҳлил натижаларини умумлаштириш, яъни хулосалаштириш босқичида ўрганилаётган иқтисодий жараёнларга якун ясалади. Бу босқичда қўшимча қуйидаги ишлар ҳам амалга оширилиши лозим:

- хўжалик фаолияти натижаларини ўзгариш сабабларини аниқлаш;
- ички имкониятларни аниқлаш ва жамлаш;
- аниқланган резервлардан фойдаланиш тадбирларини белгилаш.

1.3. Комплекс иқтисодий таҳлилга маълумотларни тайёрлаш ҳамда ички имкониятларни баҳолаш

Чуқур ва аниқ, объектив таҳлилий хулосаларга бир қанча турдаги ахборот манбаларига ишлов бериш орқали эришилади. Корхона иқтисодий ҳолатини комплекс таҳлил қилиш учун ички ахборот манбалари муҳим аҳамиятга эга. Улар таркибига қуйидагилар киради:

- таъсис ҳужжатлари;
- асосий воситалар ва айланма маблағлар таркиби, улар қиймати, хўжалик операциялари ҳамда корхонанинг даромад ва харажатларини ўзида ифода этувчи дастлабки ҳужжатлар;
- техник – лойихаларга оид ҳужжатлар
- инвесторлар, мол етказиб берувчилар, ҳаридорлар, қарздорлар, эмитентлар ўртасида бўладиган муносабатларни ифодаловчи юридик хужжатлар;
- бухгалтерия ҳисобининг аналитик маълумотлари;
- тезкор ва статистик ҳисоб маълумотлари;
- бухгалтерия ҳисоботи;
- назорат органларининг далолатномалари, аудитор ва солиқ инспекциялари томонидан ўтказилган текширув хулосалари, тижорат банкларининг далолатномаси;
- меъёрий ҳужжатлар;
- бизнес-режа ва ҳ.к.

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш учун қуйидаги ташқи манбалардан ҳам фойдаланилади:

- давлатнинг иқтисодий соҳадаги сиёсатини ифодаловчи сиёсий характердаги манбалар, масалан, тижорат фаолияти билан шуғулланувчиларни солиқ юкини пасайтириш орқали рағбатлантириш ёки айрим турдаги фаолиятларни чеклашларни келтириш мумкин;

- айрим турдаги товарлар, хизматларга бўлган талаб ва эҳтиёжлар, кредит ставкалари фоизи, чет эл валюта курсини ўзгариши, айрим компания ва тижорат банклари рейтинги тўғрисидаги маълумотлар;

- мол етказиб берувчилар, харидорлар, инвесторлар, кредиторларнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар;

- раҳбар ловозимдаги юридик шахсларнинг ишбилармонлик ва шахсий сифат кўрсаткичларини ифодаловчи маълумотлар;

- газета, журнал, биржа бюллетенлари, телевидение ва радио, интернет маълумотлари ва ҳ.к.

Таҳлил манбалари гуруҳларга ажратилади, ҳисоботларда акс этган маълумотлар ҳар томонлама чуқур теширувдан ўтказилиб, сўнг маълумотларга аналитик ишловлар берилади.

Одатда корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш даврида маълумотлар манбаи йиғилади. Ушбу маълумотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида маълумотлар тўғрилиги текширилади. Таҳлил учун йиғилган маълумотларни текшириш икки усулда олиб борилади:

1. **Юзаки текшириш;**
2. **Мазмун жиҳатидан текшириш.**

Юзаки текширишда ҳисоботга барча маълумотларни киритилганлиги, уларнинг арифметик йиғиндиси, Молия вазирлиги ҳамда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳисобот шаклларига риоя қилинганлиги, ҳисобот шаклларининг бир-бири билан боғлиқлиги, ҳисоботни топшириш муддати, мансабдорларнинг имзоси текширилади.

Мазмун жиҳатидан текшириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

♦ Инвентаризация натижалари ҳисоботда ўз аксини топиши;

♦ Корхона ҳисобот маълумотларидаги бюджетга тўловлар ва бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириш суммасини молия ташкилоти маълумотларига мос келиши;

♦ Фойда ва зарарлар счётига ўтказилган кўрсаткичларни текшириш

(устав капиталининг ўзгариши, табиий офатдан кўрилган зарар, асосий воситаларни тугатилиши ва ҳакозолар).

Корхоналар фаолиятини комплекс таҳлил қилиш давомида кўплаб манбалардан фойдаланишга тўғри келади. Таҳлилда қўлланиладиган манбаларни қуйидаги босқичларга ажратишимиз мумкин бўлади:

- Режа маълумотлари манбалари;
- Ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари манбалари;
- Қўшимча маълумотлар манбаи.

Режа маълумотлари манбалари таркибига бизнес режа кўрсаткичлари, белгиланган лимитлар, белгиланган норма ва нормативлар, шартнома кўрсаткичлари киради.

Ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари манбаларига бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари, статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари, оператив ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари киради. Таҳлилнинг асосий маълумотлар манбаи бу бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари бўлиб, улар корхона хўжалик фаолиятининг барча жараёнларини ўз ичига олади. Бунда маблағлар ҳаракати, уларнинг манбалари, уларнинг хўжалик алоқалари акс этади.

Бухгалтерия балансида маблағлар, уларни манбаларининг жойлашиши ва ҳосил бўлиш манбаларига қараб ифодаланади.

Статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари таҳлил учун асосий манба бўлиб ҳисобланади. Бу ҳисоботда ҳодиса ва жараёнларнинг жами кўрсатилади, уларни миқдор жиҳатдан характерлайдиган муайян иқтисодий қонунларни аниқлайдиган тарзда акс эттирилади.

Оператив ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларига ва статистик ҳисобот маълумотларига нисбатан зарур информацияни бир мунча тезроқ олишга имкон беради.

Комплекс иқтисодий таҳлилни янада чуқурроқ амалга ошириш учун ҳисоб маълумотларига таъалуқли бўлмаган, яъни қўшимча маълумотлардан фойдаланиш лозим бўлади. Бундай маълумотлар таркибига банк, молия,

солиқ инспекторлари томонидан тузилган далолатнома, инспекторларни тақдим этган маълумотлари, аудитор хулосалари, радио ва телевидения маълумотлари, оммавий ахборот воситалари манбалари, ишчи ва хизматчилар билан бўлган мулоқот натижалари киради.

Корхоналарни тўғри ва оқилона бошқариш учун турли-туман маълумотлар тизимидан фойдаланиш зарурки, улар орқали тўғри бошқарув қарорлари қабул қилиниши мумкин. Маълумотлар дейилганда иқтисодий ҳодисалар, воқеалар ва хўжалик жараёнларини тегишли манбалар орқали акс эттириш, уларни қайта ҳисоблаш ва ўрганиш, ҳамда қизиқувчи ташкилотларга узатиш тушунилади.

Таҳлил учун керакли бўлган маълумотларни мазмунига қараб қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- Иқтисодий маълумотлар;
- Ҳуқуқий- меъёрий маълумотлар;
- Илмий- техникавий маълумотлар;
- Табиий- экологик маълумотлар;
- Бошқа маълумотлар.

Иқтисодий маълумотлар таркибига корхоналарнинг бизнес режа маълумотлари, бошқарув ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари, молиявий ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари, статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари, солиқ ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари, турли хил иқтисодий ахборот манбаалари, технологик маълумотлар, оператив-техник, меъёрий ва ҳисоб ҳужжатлари ташкил этади. Бу манбаалар таҳлилда энг кўп фойдаланилади, яъни одатда таҳлилда фойдаланиладиган ахборот манбаларининг 80-85 фоизини ташкил этади.

Ҳуқуқий-меъёрий маълумотларга таркибига эса Республикамизда амал қилаётган барча қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва норматив актларда расмийлаштирилган ахборотлардан фойдаланиш тушинилади. Яъни меъёрий-ҳуқуқий маълумотларга Ўзбекистон Республикасининг конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон

Республикасининг Кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, турли вазирликлар ва идораларнинг тегишли норматив хужжатлоари ва буйруқлари, фирма ва компанияларнинг ички буйруқлари ва меъёрий хужжатларини киритиш мумкин. Одатда мазкур турдаги маълумотлар таҳлилда фойдаланилаётган маълумотларнинг 10-15 фоизини ташкил этади.

Илмий-технологик маълумотлар базаси, энг янги тараққиёт, жаҳондаги ўзгаришлар, фан ва техника ютуқларини ўзида мужассам этган ахборотлардир. Бу ахборотлар таҳлил учун муҳим аҳамият касб этади.

Табиий- экологик маълумотлар, табиат, ер, иқлим ва бошқа экологик омилларни мужассамлаштирган ахборотларни иқтисодий таҳлилда муҳим манбаа сифатида ўрганилади.

Бошқа манбааларга эса, иқтисодий, ҳуқуқий, илмий-техникавий, табий-экологик манбааларда акс этмаган маълумотлар тушунилиб, бунга оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлардаги, радио ва телевидениядаги келтирилган ахборотлардан фойдаланиш таҳлил учун муҳимдир.

Комплекс автоматлашган шароитда таҳлил учун керакли маълумотлардан фойдаланиш хусусиятлари маълум даражада имкониятларни очиб беради:

1. Бошланғич ҳужжатлар - ҳисоб, статистика норматив маълумотлар ЭҲМнинг хотирасига қўйилиб фақат бир хил манбаа, яъни машина хотирасига олинади;
2. Таҳлил учун керакли турли мураккаб ҳисоблашлар маълум секундларда бажарилади;
3. Таъсир этувчи омилларни машиналар аниқ кўрсатиб беради;
4. Таҳлил учун керакли маълумотлар ва таҳлил натижалари ўрнатилган шаклда-машинаграмма, табелограммаларда ифодаланади;
5. Турли хил иқтисодий маълумотлар машиналар учун бир хил

шифр ва кодларда киритилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра ишни автоматлаштирилган тарзда олиб борилиши анча иқтисодий самарадорликка олиб келар экан.

Одатда таҳлил маълумотлари ва уларни натижалари уни ким ва нима мақсадда ўтказилганлигига қараб турли шаклда умумлаштирилиши мумкин. Корхона ва ташкилотларни хўжалик фаолияти таҳлилининг натижалари аналитик мавзулар ёки хўжаликни йиллик ҳисоботига илова қилинадиган баённома кўринишида ифода этилади.

Комплекс таҳлил натижаларини умумлаштириш ва якунлаш қайси турдаги таҳлилни ўтказганлигимизга қараб бажарилади. Масалан, корхоналарнинг йиллик ҳисоботи асосида ўтказилган жорий таҳлилнинг якуни, умумий хулосалар ёзиш ва юқори ташкилотларга тушунтириш хати тузиш орқали якунланади. Айрим турдаги бошқа таҳлил турларининг натижалари эса мутахассисларни маърузаси, корхона раҳбарининг буйруғи, жамоанинг мажлис баёни, тафтиш комиссиясининг далолатномалари орқали умумлаштирилиши мумкин.

Комплекс таҳлил натижаларини умумлаштирганда албатта эришилган натижалар, йўл қўйилган камчиликлар ҳамда ютуқлар аниқ рақамларда ва фактлар билан кўрсатилган бўлиши талаб этилади. Шунингдек, йўл қўйилган камчиликларни тузатиш чора-тадбирлари, яъни, таклифлар ҳам кўрсатилади.

Комплекс иқтисодий таҳлил натижаларини расмийлаштириш ва умумлаштиришга корхонанинг умум мажлис материаллари, турли хил диаграмма, жадвал ва графиклар тузиб меҳнаткаш оммага кўрсатма сифатида осиб қўйиш, ойнома ва рўзнома сахифаларида маълумотларни чоп этиш, ахборот доскаларидаги кўрсаткичларни эълон қилиб бориш ҳам ҳисобланади.

Аналитик ёзув корхона ва ташкилотларни хўжалик фаолияти якунлари бўйича йиллик ёки чораклик ҳисоботига тушунтириш хатлари, юқори ташкилотларни уларга бўйсинувчи ташкилотлар хулосалари каби бўлади.

Тушунтириш хати режани бажарилиши ҳақидаги умумий характеристикада ва кўрсаткичларни аввалги даврларга нисбатан ўзгарганлик маълумотларидан бошланади. Сўнгра натижанинг режадан тафовути сабаблари, айрим омилларнинг ўзаро боғланиши ва уларнинг хўжалик фаолияти кўрсаткичлари ифодаланади.

Аналитик ҳисоб – китоблар аналитик жадваллар кўринишида расмийлаштирилади. Уларни ҳар бирига хулосалар ва кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини ечиб берувчи матнли иловалар берилади.

Баённомани хотима қисмида хулосалар, аниқланган камчиликларни тузатиш йўл-йўриқлари, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга доир резервлардан фойдаланиш юзасидан конкрет (аниқ) таклифлар баён қилинади. Баённома тушунарли, илмий асосланган, ихчам, аналитик жадваллар билан боғланган бўлиши керак бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай таҳлил корхона раҳбарининг харидорларни умумий йиғилишидаги маърузаси учун зарур бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектларни комплекс иқтисодий таҳлил қилишдан олинадиган натижа уни ахборот ва методик қўлланмалар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Таҳлилни ахборот билан таъминлашда бош ролини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи эгаллайди, сабаби, бу манбаларда хўжалик фаолияти ва унинг натижалари ўз аксини топган. Бирламчи ва жамланган ҳисоб регисторидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўла-тўкис таҳлил қилиш режани бажарилишига, хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилади.

2-БОБ. КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИНИ БОШҚАРИШДА КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

2.1. Корхонани самарали бошқаришда маркетинг фаолиятини комплекс иқтисодий таҳлил қилиш

Ресурслардан самарали фойдаланиш ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун корхона бозордаги ҳолатни чуқур таҳлил этиши лозим. Шу мақсадда комлекс маркетинг тадқиқоти олиб борилади. Маркетинг орқали доимий равишда янги хизмат турлари таклиф этилади, улар бозорини кенгайиши туфайли корхона юқори даражадаги фойдага эришади. Маркетинг орқали корхона хўжалик фаолияти тартибга солинади. Шу туфайли корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасини таҳлили маркетинг фаолиятини таҳлил этишдан бошланмоғи лозим.

Комлекс маркетинг таҳлили-маркетинг тадқиқоти тизимининг асосий қисми бўлиб, манбаларни йиғиш, уларни рўйхатга олиш, бозордаги товарлар, иш ва хизматларга тегишли маълумотларга ишлов бериш орқали самарали маркетинг хулосалари қилинади.

Маркетинг тадқиқоти жараёнидаги комплекс иқтисодий таҳлил объекти бўлиб, бизнингча **биринчидан**, реал бозор жараёни истеъмолчилар ва рақобатчилар билан биргаликда, **иккинчидан**, маҳсулот турларини ишлаб чиқаришдаги корхонанинг аниқ иқтисодий ва ишлаб чиқариш имкониятлари ҳисобга олиниши керак.

Ҳар икки бир-бири билан боғлиқ объектларни чуқур ўрганиш орқали бозордаги ҳолат ва корхона имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда оптимал вариантдаги ассортимент дастури яратилади. Бу дастурни амалга ошириш орқали корхона маҳсулотини рақобатга бардошлиги, барқарорлиги таъминланади. Комлекс маркетинг таҳлилининг асосий вазифалари:

- корхона хизматига бўлган талаб ва эҳтиёжни баҳолаш, таҳлил этиш; ишлаб чиқариш дастури реал асосга эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш;

- маҳсулот ва хизматларга бўлган талабларга таъсир этувчи асосий омилларни таҳлил этиш;
- талаб этилмаган хизмат турларини аниқлаш;
- баҳо сиёсати ва ассортимент турларини таҳлил этиш;
- маҳсулотни рақобатбардошлигини баҳолаш ва таҳлил этиш;
- маркетинг фаолиятининг тактика ва стратегиясини ишлаб чиқиш.

Комплекс маркетинг таҳлилининг ахборот тизими ички манба, ташқи манба, маркетинг тадқиқотларидан иборат. Таҳлил этиш жараёнида бу бўлимларнинг ҳар бири мустақил ахборот тизими сифатида иштирок этади. Ички ахборот манбалари таркибига корхонанинг бухгалтерия ва статистика ҳисоботларининг тезкор ва жорий ишлаб чиқариш ва илмий-техника манбалари киради. Ташқи манбалар тизимига корхонанинг ташқи фаолияти, бозор ва унинг инфратузилмаси, ҳаридор ва мол етказиб берувчилар ҳолати, рақобатчилар ҳаракати, бозор механизмини тартибга солиш бўйича давлатнинг кўрган чора-тадбирлари ва бошқалар киради. Бу манбалар вақтли ва махсус нашр, статистик тўплам, тижорат ташкилотларининг олиб борган изланишларини шархларида акс этади. Бундай манбалар қаторини ташкил этилган кўргазма ва анжуман манбалари, ишбилармонлар ушрашуви ва уларнинг олиб борган музокаралари бўйича тузилган протоколлар янада тўлдиради. Таҳлилнинг ахборот манбалари сифатида корхонанинг бизнес-режаси (маркетинг режаси)дан ҳам фойдаланилади.

Маркетинг – инсоннинг айирбошлаш воситасида талаб ва эҳтиёжни қондиришга қаратилган фаолиятидир. Маркетинг таркибига бозорни ўрганиш, истеъмолчи буюртмасига кўра маҳсулотлар ассортиментини режалаштириш, бозорни эгаллаш, реклама, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти киради.

2-чизма. Корхонани комлекс маркетинг таҳлилининг тизими

Бозор муносабатлари шароитида корхонани бошқариш маркетингни ишлаб чиқаришнинг асоси қилиб қўяди, чунки, хўжалик қарорларини қабул қилиш асосида ишлаб чиқариш имкониятлари эмас, балки бозор талаблари, ҳаридор эҳтиёжлари ётади. Пировард натижада корхонанинг кўлами, корхонани ташкилий бошқариш таркиби, бошқарув тамойил ва усуллари, хизмат кўрсатиш йўналишларини бозор белгилайди. Бозор талаб ва таклифдан иборат.

<u>Талаб</u> – бу энг аввало бирон-бир неъматлар ёки хизматларга бўлган эҳтиёжларни бозорда намоён бўлиши ва уларни пул воситасида таъминланишидир.

<u>Таклиф</u> – бу муайян пайтда бозорда бўлган ёки унга етказиб берилиши мумкин бўлган товарлар массаси сифатида белгиланади.

Талаб, аввало, ресурсларга ва истеъмол товарлари, товарлашган хизматларга бўлган талаб сифатида юзага келади, биринчиси ишлаб чиқариш истеъмолини, иккинчиси эса шахсий истеъмолни қондиришга қаратилгандир.

Кишилик жамияти ривожланар экан, фан ва техника тараққиёти илдам қадамлар билан янгиланаётган шароитда инсониятнинг товар ва моддий қийматликларга бўлган эҳтиёжи-талаби узлуксиз ўзгариб, ортиб боради.

Талаб ўзгариши (эластиклиги) мавжуд бўлиб, бу :

- баҳо ўзгариши ва ҳолати;
- ҳаридорлар сони ва уларнинг диди, истаги;
- истеъмолчиларни ҳарид этиш имконияти;
- инфляция эҳтимоли ва бошқалар

Юқоридаги талабни белгиловчи омиллардан товар баҳоси ва истеъмолчиларнинг ҳарид этиш имконияти муҳим ўрин тутади. Таклиф, бозор товар билан тўла таъминлангандан кейин ўзгармасдан бир меъёрда бўлиши ҳам мумкин, бунда баҳо ошиб бориши билан бозорга чиқариладиган товар кўпайишининг зарурати бўлмай қолади. Шунда ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўзгармай, таклиф ҳам баҳога боғлиқ бўлмаган ҳолда барқарорлашиши мумкин.

Таклифнинг ўзгарувчанлиги, умуман талаб ўзгарувчанлигига ўхшаб, товар баҳосининг ўзгариши, таклифнинг ўзгариш даражасини аниқлаш учун таклиф ўзгарувчанлиги кўрсаткичи (К) қўлланилади. Унга кўра,

$$K = \frac{\textit{Таклиф этилган товар микдори ўзгариши}(\%)}{\textit{Бахоларнинг ўзгариши}(\%)}$$

Агар, К>1 бўлса, таклиф ўзгарувчан;

К=1 бўлса, ноўзгарувчан;

К<1 бўлса мутлоқ ноўзгарувчан бўлади.

Сотиш ҳажми, ўртача баҳо даражаси, сотишдан келадиган тушум ва ундан кўриладиган фойда ички ва ташқи бозорга боғлиқ.

2-жадвал

Маҳсулотни бозорда сотилишини таҳлили

Кўрсаткичлар	Ички бозор			Ташқи бозор		
	2006	2007	2008	2006	2007	2008
	“А” маҳсулоти					
Сотиш ҳажми, минг т.	260	320	328	50	49	42
1 т.маҳсулот таннархи, минг сўм	5,5	5,8	6,1	5,7	6,0	6,5
1 т. маҳсулот баҳоси, минг сўм	7,0	7,3	7,5	7,8	7,9	8,0
Маҳсулот рентабеллиги, %	27,3	25,9	22,9	36,8	31,7	23,0
Сотишдан кўрилган фойда, млн сўм	390	480	459	105	93	63
	“Б” маҳсулоти					
Сотиш ҳажми, минг т.	75	143	287	400	350	309
1 т.маҳсулот таннархи, минг сўм	4,3	4,5	4,9	4,4	4,6	5,0
1 т. Маҳсулот баҳоси, минг сўм	5,4	5,7	5,9	6,0	5,9	5,9
Маҳсулот рентабеллиги, %	25,6	26,7	20,4	36,4	28,3	18,0
Сотишдан кўрилган фойда, млн сўм	82	172	287	640	455	278
	“В” маҳсулоти					
Сотиш ҳажми, минг т.	386	392	400	380	385	406
1 т.маҳсулот таннархи, минг сўм	4,4	4,4	4,5	4,4	4,4	4,5
1 т. Маҳсулот баҳоси, минг сўм	4,5	4,6	4,7	4,7	4,7	4,8
Маҳсулот рентабеллиги, %	2,3	4,5	4,4	6,8	6,8	6,7
Сотишдан кўрилган фойда, млн сўм	39	78	80	114	115	122

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики “А” ҳамда “Б” маҳсулотларига талаб ички бозорда кейинги икки йил ичида ортган. Бу маҳсулотларига бўлган талаб ташқи бозорда қисқарган, рентабеллик даражалари пасайган. “В” маҳсулотга талаб ўзгармаган 2006 йилда экспорт маҳсулот даромадлиги ички бозордагига нисбатан юқори бўлган.

«Б» турдаги маҳсулотнинг ташқи бозордаги нархини пасайиши, таннархини ортиши туфайли рентабеллик даражаси 2006 йилдаги 36,4 фоиздан 2008 йилга келиб 18 фоизга қадар пасайган. Шу давр ичида «А» маҳсулотнинг рентабеллиги 36,8 фоиздан 23 фоизга қадар тушиб кетган. Бунга асосий сабаб экспорт қилинган маҳсулот таннархини кескин ортишидир.

Маҳсулотни бозор (ички, ташқи)да эгаллаган улуши, даромад даражасига қараб тўрт категорияга бўлиш мумкин :

- **«юлдуз»** категорияли товарлар – корхона фойдасининг асосини ташкил этадиган ҳамда иқтисодий ўсишга олиб келадиган;
- **«соғин сигирлар»** категорияли товарлар – оғир иқтисодий даврларнинг вужудга келишини олдини оладиган, инвестицияга мухтож бўлмаган, фойда келтираётган, бошқа категорияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни молиялаштиришга ишлатиладиган;
- **«оғир бола»** категорияли товарлар – бу янги турдаги товарлар бўлиб, рекламага муҳтож бўлган, бозорга олиб чиқилиши керак бўлган, вақтинчалик фойда келтирмаётган, аммо, келажакда «юлдуз» товар бўлиши мумкин бўлган;
- **«ўлик юк» ёки «омадсиз»** категорияли товарлар – бугунги кун талабига жавоб бермайдиган, иқтисодий ўсишга имконият бермайдиган, фойда келтирмайдиган.

Корхона маҳсулотини гуруҳларга ажратиб ўрганиш орқали тўғри, аниқ стратегия ишлаб чиқилади. Стратегияни амалга ошириш орқали «оғир бола» категориясига мансуб товарларни молиялаштириш орқали уларни «соғин сигирлар», «юлдуз» категорияларига етказиш йўллари белгиланади.

Иқтисодиётда рақобат турли функционал структуралар ўртасида ягона мақсад сари рақобатлашув тушунилади. Комлекс рақобат таҳлили икки асосий йўналишни ўз ичига олади:

1) корхонани рақобатда тутган ўрнини таҳлили;
2) корхонани рақобатга бардошлигини таҳлили

Комплекс маркетинг таҳлилининг асосий йўналишини корхонанинг рақобатда тутган ўрни муҳим рол ўйнайди. Корхонанинг рақобат бардошлиги қисқа муддатдаги капитал маблағ сарфи эвазига режадагига нисбатан кам бўлмаган миқдордаги фойдага эришиш тушунилади.



3-ч*изма. Корхонани комлекс рақобат таҳлилининг тизими*

Корхонани рақобатга бардошлигини таъминлаш учун рақобат қилиш қобилиятини ошириш, рақобатбардошлик стратегиясини ривожлантириш лозим. Бу кўрсаткичлар корхонани бозордаги фаолиятини самарали юритиш, бозордани улушини сақлаш ёки уни ошириш, келгусида етарли даражадаги рентабелликка, молиявий барқарорликка эришиш каби кўрсаткичлар йиғиндисидан иборат. Бундай ҳолатга эришиш учун товар қуйидаги ҳусусиятларга эга бўлиши талаб этилади.

- техник параметрлар (товар ҳусусияти, уни қўлланиши ва тавсия этилиши);
- эстетик параметрлар (товарларнинг ташқи кўриниши);
- эргономик параметрлар (товарнинг инсон организмига зарарсизлиги);
- меъёрий параметрлар (товарнинг амалдаги меъёрларга ва стандартларга мос келиши);
- иқтисодий параметрлар (товар баҳоси, кўрсатиладиган сервис хизмати).

Ҳаридорларнинг хатти-ҳаракатидан шуни англаш мумкинки, товарларни таққослашда, унинг ишлатиш самарадорлиги (С), сотиб олиш ҳаражатлари (Х)га нисбатан юқори бўлса, шу маҳсулотни ҳарид этадилар. Товар рақобатдошлиги (Р) қуйидагича аниқланади:

$$P = \frac{C}{X}$$

Товар рақобатбардошлигини баҳолаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўринбосар товарларни топиш ва уни таҳлил қилиш;
2. Ўхшаш маҳсулотларнинг солиштирилиши орқали асосий кўрсаткичларини белгилаш (аниқлаш);
3. Ўз маҳсулотидаги интеграл (умумий) рақобатбардошлик кўрсаткичларини аниқлаш;.

Жаҳон бозори амалиётида рақобатнинг қуйидаги шартлари мавжуд:

– кучлар тенг ва стратегиялар ўхшаш бўлса, бозорда мувозанат узоқ сақланмайди, улар орасида келишмовчиликлар сусаймайди;
– сизнинг рақибингиз ҳамма нарсадан хабардор деб билинг;
– рақибингизнинг –ғашини келтирувчи ҳаракатлар қилманг;
– сизнинг ҳаракатингиз имконингиз даражасида эканлигига рақибингизни ишонтиринг.

Рақобат кўрсаткичлари корхонанинг бозорда тутган улушига кўп жиҳатдан боғлиқ:

а) илғор – 40%

б) илғорга даъвогар – 30%

в) давомчилари – 20%

г) бозорда унча омади келмаган – 10%

Маҳсулотнинг рақобатлашув қобилиятини пасайиш сабабларини корхонанинг (муҳандислари, иқтисодчи, мастер, техник назорат, моддий-техника таъминоти, сотиш бўлимлари) ходимлари синчиклаб ўрганадилар:

– маҳсулот конструкцияси (модели, тузилиши);
– тайёрлов технологиясини;
– материаллар ва бутловчи буюмларнинг сифати ва баҳоси;
– корхона ишлаб чиқаришининг ҳолати ва бошқалар.

Маҳсулот турлари параметрларини ўзгариш сабабларини комплекс таҳлилида эталон сифатида қабул қилинган ўртача бозор ёки тармоқ параметрлари билан таққослаш орқали аниқланади. Йўл қўйилган камчиликлар туфайли маҳсулот рақобатбардошлигининг пасайишини бартараф этиш тадбирий чоралари қуйидаги мазмунга эга:

- ўзгартириш киритиладиган ва модернизация қилинадиган маҳсулот номи;
- маҳсулот ишлаб чиқаришидаги камчиликларни йўқотиш бўйича бажариладиган иш турлари;
- камчиликларни йўқотиш билан боғлиқ иш турларини муддати, унга жавобгар шахсларнинг исми, шарифи;
- зарур материал, асбоб-ускуналар рўйхати ва миқдори;
- бажарилган иш турлари ва моддий ресурсларнинг суммаси;
- ишни тугатиш муддати;
- камчиликларни бартараф этишга қаратилган ишлар самарадорлигига оид маълумотлар.

Маҳсулот рақобат бардошлиги кўп жиҳатдан сифат кўрсаткичларига боғлиқ. Сифат занжири сифатнинг уч хил тушунчасини акс эттиради.



4-чизма. Сифат занжири

Биринчи босқичда маҳсулот, хизматлар сифати техникавий шартларга мувофиқ бўлиши керак. Иккинчи босқичда конструкция, инструкция сифати

баҳоланади, яъни сифат фирма техникавий шартларига жавоб бериши, аммо конструкция юқори ёки паст сифатли бўлиши мумкин. Учинчи босқичда сифат истеъмолчи талабига мувофиқ даражада бўлади. Сифатнинг бу жиҳати унинг функционал жиҳати деб аталади.

2.2. Корхона моддий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда комплекс иқтисодий таҳлил

Корхонани тўлиқ ҳажмда ҳомашё ва ассортиментдаги бошқа материаллар билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланиш туфайли маҳсулот ҳажми, фойда ва рентабеллиги ортади, маҳсулот таннархи пасаяди. Бунинг акси бўлган ҳолларда эса ишлаб чиқариш издан чиқади, маромдан четлашилади, айрим ҳолларда ишлаб чиқариш тўхтаб қолади. Хомашё, ёқилғи, энергия ва бошқа меҳнат предметларига бўлган талаб мустақил равишда корхона томонидан режалаштирилади. Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги қонунининг 22-1 моддасида бу хусусда шундай дейилади: “Корхона бозор талабларини, эҳтимол тутилган шерикларнинг имкониятларини ўрганиш, нарх-навонинг ўзгариши тўғрисидаги ахборот асосида ўз ишлаб чиқаришининг таъминотини, бозорларда (товарлар, хизматлар, молия бозорларида) монополияга қарши қонунларнинг талабларини назарда тутган ҳолда бевосита ёки воситачи орқали олди- сотдини, маҳсулот сотишни ва ўз ишлаб чиқаришининг таъминотини мустақил амалга оширади.”

Мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган жиддий таркибий ўзгаришлар ташқи иқтисодий кўрсаткичларда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда. 2008 йилда ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга, товарлар ва хизматлар экспорти эса 28,7 фоизга ортди.

Экспорт таркибида тайёр маҳсулот ҳажми кейинги йилларда юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда. Булар қаторига, авваламбор, машина ва асбоб ускуналар, нефть - кимё маҳсулотлари, минерал ўғитлар , пахта толасидан тайёрланган ип – калава ва газлама , трикотаж ва озиқ – овқат товарлари, кабель - ўтказгич маҳсулотлари, қурилиш материаллари киради. Экспорт корхона фаолиятининг энг муҳим йўналишига, бутун иқтисодиётимизнинг ривожланиш натижаларини баҳолаш мезонига айланди. Экспорт, маҳсулот сифати, материаллардан фойдаланишда иқтисодга эришиш, янги техникани ишлаб чиқаришга жалб этишга боғлиқ. Республикада ишлаб чиқаришни техник жихатдан мунтазам модернизация қилиб бориш учун самарали рағбатлантириш тизими яратилган. Унга мувофиқ келтирилган янги техникадан ундириладиган мулк солиғи бекор қилинди. Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики хусусий секторда техникадан унумли фойдаланиш эвазига моддий ресурслардан иқтисодий самарага эришилмоқда. Чунки уларда мулкка эгалик қилиш ҳисси юқоридир. Моддий ресурслар билан корхонани таъминланиши, заҳира ҳолати, улардан самарали фойдаланиш, ички имкониятларини аниқлашда комплекс иқтисодий таҳлилнинг роли каттадир.

Комплекс иқтисодий таҳлилнинг бу борадаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- корхонанинг моддий ресурслар билан таъминланиш даражасини аниқлаш;
- шартномадаги материал ресурсларини етказиб бериш муддатларига риоя қилишини назорат қилиш;
- транспорт –тайёрлов ҳаражатларини ҳисоблаш;
- моддий ресурслардан самарали фойдаланиш йўлларини белгилаш;
- захира ва ҳаражатларни самарали бошқарилишини ўрганиш.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ва маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш учун корхона хомашё, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслар билан етарли миқдорда таъмин этилиши керак. Материалларни белгиланган

миқдорда, ассортиментда келиб тушмаслиги, муддатларини узайиши ишлаб чиқаришни тўлиқ қувват билан ишлашини таъмин этмайди. Шу билан бирга ортиқча хомашё захираларига эга бўлиш, маблағлар айланишини секинлаштиради, нақд пул маблағларини етишмаслигига олиб келади.

Демак, комплекс иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, ишлаб чиқаришни нормал ташкил этиш учун корхонани оптимал миқдордаги моддий-техника ресурсларига бўлган талабни аниқлашдан иборатдир. Моддий техника ресурсларига бўлган эҳтиёж икки манба ҳисобига қондирилади.

1. Ташқи таъминот;
2. Ички таъминот.

Ташқи таъминот деганда ҳомашё биржалари, кўргазмалари орқали тузилган шартномалар асосида хомашё, ёқилғи ва бошқа ресурсларни келиб тушиши тушунилади.

Ички таъминот, таъминот режасининг бажарилиши ички ресурслардан унумли фойдаланиш, чиқиндиларни камайтириш, иқтисод режимига риоя қилиш эвазига амалга оширилади.

Республика иқтисодиётини шаклланишида лизинг кредитларини роли каттадир. Лизинг кредитларидан фойдаланиш учун дастлаб лизинг компаниялари ёки лизингни амалга оширувчи субъектлари билан лизинг кредитлари бўйича шартномалар тузилади. Бунда уч томон қатнашиши мумкин.

Лизинг кредитини амалга оширувчи молиявий маблағга эга бўлганлиги учун моддий – техника ресурсларини ижарага берувчилардан олиб уларни фойдаланувчиларга етказиб бериш билан шуғулланиши мумкин. Айрим ҳолларда эса моддий техника ресурсларини тўғридан – тўғри ижарага берувчилар уларни ижарага олувчиларга етказиб беришлари мумкин. Бу масалалар шартномаларда батафсил ўз аксини топиши зарур.

Таҳлил давомида корхонани моддий ресурслар билан таъминланиш коэффициенти аниқланади

$$К_Т = \frac{М_х}{М_р};$$

бунда $М_х$,$М_р$- материалларни хақиқий тушуми ва материалларга бўлган талаб (шартнома).

Моддий ресурларнинг меъёр заҳираси жорий ва мухофаза (ҳар эҳтимолга қарши) захираларидан иборат.

$$З_{меъёр} = З_{жорий} + З_{мухофаза}$$

Жорий заҳира етказиб бериш интервали (Инт) кунда ва материалларни бир кунлик сарфлари ($С_{кун}$) кўпайтмасидан ҳосил бўлади.

$$З_{жорий} = Инт * С_{кун}$$

Муҳофаза заҳиралари ишлаб чиқаришни узлуксиз давом этишини кафолатловчи, моддий ресурлар таъминотидаги узилишлар рўй берган ҳоллар учун зарурдир.

Моддий - техника таъминотини комплекс таҳлил этишда талабни шартнома бўйича қопланиши ва бажарилиши аниқланади.

3-жадвал

«FAROVON» масъулияти чекланган жамиятининг моддий ресурслар таъминоти режасининг бажарилишини таҳлили

Материаллар тури	Материал-ларга бўлган талаб, тонна	Талабни қоплаш манбаи		Шартнома тузилди, тонна	Талабни шартнома бўйича қопланиши, %	Материал-ларни келиб тушиши, тонна	Шартнома бажарилиши, %
		ички	ташқи				
А	25000	500	24500	23300	95,1	21902	94,0
Б	47000	50	4650	4420	95,0	4190	94,8

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, “А” хомашё турига тузилган ташқи шартнома 95,1 (23300:24500х100) фоизга, “Б” тури бўйича 95,0 фоизга бажарилган холос. Корхонани ички ва ташқи манбалар бўйича хомашёга бўлган талаби “А” хомашёси бўйича 95,2 ($\frac{500+23300}{2500}$) фоизга, “Б” хомашёси

бўйича эса 95,1 ($\frac{50+4420}{4700}$) фоизга таъминланган. Материалларни етказиб бериш режаси 10,4 фоизга бажарилмаган.

($\frac{(21902+500)*100}{25000}$)=89,6 фоиз; 100-89,6=10,4

Заҳира ҳолатини таҳлил этиш учун белгиланган меъёр билан заҳирани кундалик сарфи таққосланиб хомашё, ёқилғи ва бошқа ресурсларни ортиқчалиги ёки етишмаслиги аниқланади.

4-жадвал

«FAROVON» масъулияти чекланган жамиятининг моддий ресурслар заҳира ҳолатини таҳлили

Материаллар	Бир кунлик материаллар сарфи, тонна	Ҳақиқатдаги мавжуд заҳира		Заҳира меъёри		Максимал меъёрдан фарқи	
		тонна	кун	максимал	минимал	кун	тонна
А	400	3200	8	12	10	-4	-1600

3200:400=8 кун; 12-8=4 кунга заҳира етишмайди; -4х400=-1600 тонна

Комплекс иқтисодий таҳлилда оптимал ҳажмдаги буюртма ва заҳираларни аниқлаш муҳим ўрин тутади. Заҳираларни бошқариш энг зарур ва масъулиятли ҳисобланади. Корхонанинг барча якуний натижалари заҳираларни оптималлаштиришга боғлиқ. Заҳираларни самарали бошқариш сармояларни айланишини тезлаштиради ва унинг даромадлилигини оширади, заҳираларни сақлаш ҳаражатларини камайтиради, хўжалик айланмаидан сармояларни бўшашини таъминлайди. Жорий заҳираларни оптималлаштиришда хорижий мамлакатларда бир қанча моделлардан фойдаланилади. Улардан кенг тарқалгани иқтисодий жиҳатдан асосланган буюртма модели (EOQ - model)дир. Бу моделнинг асосий мақсади заҳираларни ҳарид этиш ва уни сақлаш билан боғлиқ ҳаражатларни мумкин қадар қисқартиришдан иборат. Ҳаражатлар икки гуруҳга бўлиб ўрганилади:

1) товарларни ташиш ҳаражатлари;
2) товарларни омборларда сақлаш ҳаражатлари;

Товарларни омборларда сақлаш ҳаражатлари ($Z_{сак}$) қуйидагича аниқланади:

$$Z_{сак} = \frac{РПП}{2} * C_{сак},$$

РПП – келиб тушган бир партиядаги товарни ўртача миқдори;

$C_{сак}$ - товар бирлигини сақлаш ҳаражати. Бу формула орқали хулоса қилиш мумкинки, товар бирлигини сақлаш ҳаражати ўзгармаган ҳолда жами товар маҳсулотини омборда сақлаш ҳаражатлари бир партиядаги товарни ўртача миқдорини камайтириш ҳисобига пасайтиришга эришиш мумкин. Математик формула тарзида EOQ қуйидагича ифодаланади:

$$EOQ = \sqrt{\frac{2 * VПП * Цр.3}{C_{сак}}},$$

бунда EOQ – товарларни етказиб беришнинг ўртача миқдори;

VПП – хомашё ва материалларга бир йиллик талаб;

Цр.3 – бир бирлик буюртмани жойлаштириш қиймати.

Ишлаб чиқариш заҳирасини ($ПЗ_{опт}$) ўртача оптимал миқдори қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$ПЗ_{опт} = \frac{EOQ}{2}$$

Ривожланган мамлакатларда заҳиралар ҳаракатини назорат қилиш тизимида ABC – анализ, XVZ – анализ ва логистика кенг тарқалган.

ABC – анализ бошқарув муаммолари ечимини аниқлашга қаратилган.

Бу назорат тури ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулот етказиб берувчилар, маҳсулот гуруҳлари ва уларни сотиш бозори, истеъмолчиларнинг категориялари бўйича бошқарув қарорларини ишлаб чиқади. Заҳиралар ҳаракатини назорат қилиш тизимида барча заҳиралар уч гуруҳга бўлиб ўрганилади.

А – категориясига тегишли заҳиралар баҳоси қиммат бўлган буюрт-малар бўлиб уларни назорат қилиш доимий тусга эга.

В – категория таркибига операцион жараённинг узлуксизлигини таъминлашда муҳим бўлмаган товар – моддий қийматликлар киради. Бу гуруҳдаги заҳиралар ҳар ойда бир маротаба назорат қилинади.

С – категория таркибига арзон қийматликка эга бўлган товар мод-дий қийматликлар киради. Молиявий натижаларни шаклланишида бу гуруҳдаги заҳиралар муҳим рол ўйнамайди. Ҳар кварталда бир маротаба заҳира ҳаражати назорат қилинади.

XVZ – анализда материаллар ишлатилиши бўйича структурага бўлинади.

X – гуруҳига доимий ишлатиладиган материаллар, V – гуруҳига мавсумий, Z – гуруҳига доимий характерга эга бўлмаган материаллар киради.

Заҳираларни бошқаришда асосий ролни логистика ўйнайди. У товарлар ҳаракатини “мол етказиб берувчи – корхона – истеъмолчи” циклларини мувофиқлаштиради, истеъмолчига материаллар, маҳсулотларни ўз муддатида, сифатли етказиб берилишини кафолатлайди. Бунинг натижасида омборда товарларни сақлаш муддатлари қисқариши туфайли заҳиралар айланиши тезлашади, корхона фаолияти самарадорлиги ортади.

Материаллардан самарали фойдаланишни умумий ва якка кўрсаткичлар тизими ифодалайди.

Умумий кўрсаткичлар қаторига материаллар ҳаражатини ҳар сўми-га тўғри келадиган фойда миқдори, материал қайтими, материал си-ғими, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиш суръати ва мате-риаллар ҳаражати коэффициентларини киритиш мумкин.

Материаллар ҳаражатини ҳар сўмига тўғри келадиган фойда, сотишдан кўрилган фойдани ($Ф$) материаллар ҳаражати (M_x) га бўлиш орқали аниқланади. ($\frac{Ф}{M_x}$).

Материал қайтими ($M_к$) ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини (Q) материаллар ҳаражатига бўлиш орқали аниқланади.

$$M_к = \frac{Q}{M_x}$$

Материал сиғими (M_c) материал қайтимининг акси бўлиб, матер-иаллар ҳаражатини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига бўлинади.

$$M_c = \frac{M_x}{Q}$$

Ишлаб чиқариш ҳажми билан материаллар ҳаражатини ўсиш суръатларини нисбатини аниқлаш учун ишлаб чиқариш ҳажми ин-дексини материаллар ҳаражати индексига бўлиш лозим. Бу кўрсат-кич нисбатан материал қайтими динамикасини ифодалайди.

Материаллар ҳаражати коэффициенти (K_{MX}) – ҳақиқий сарфланган материаллар ҳаражати (X_{MX}) ни режадаги материаллар ҳаражатини ҳақиқий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми (Vi) индекси кўпайтмаси-дан ҳосил бўлган кўрсаткичга бўлиш орқали аниқланади.

$$K_{MX} = \frac{X_{MX}}{M_{X_p} * Vi}$$

Бу коээфицент “1” дан катта бўлса, ортиқча материаллар сарфига йўл қўйилганликни, “1” дан кичик бўлса , материаллардан иқтисод қилишга эришилганликни ифодалайди. Материал сиғимини якка (алоҳида) кўрсаткичлари материалларнинг айрим турларидан сама-рали фойдаланишни ифодалайди.Улар қаторига ёқилғи сиғими, материал сиғими, хомашё сиғими каби кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Маҳсулот таннархидаги материаллар ҳаражатини улуши қиймат ва натура шаклларида аниқланади. Масалан, “А” маҳсулотини ишлаб чиқариш учун хомашё, ёқилғи, энергия ва бошқа материаллар ҳара-жати 600 сўмни, унинг улгуржи баҳоси 1000сўмни ташкил этса, бунда материаллар ҳаражатини улуши 60 фоиз (600:1000*100) ни ташкил этади.

Материал қайтими ҳамда материал сиғими аввало ишлаб чиқа-риш ҳажми ва материал ҳаражатларига боғлиқ. Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, унинг структураси ва маҳсулот сотиш баҳосининг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмининг қиймат шаклига таъсир этади.



5-чизма. Материал сиғимининг омилли таҳлилининг тузилиши

Материал ҳаражатларига ҳам айнан шу омиллар, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, унинг структураси, маҳсулот бирлиги учун материаллар сарфи, материаллар баҳоси таъсир этади. Материаллар сиғимига таъсир этувчи омилларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$M_{ё} = \frac{M_x}{Q} = \frac{\sum(VQ_M * M_C * M_{MC} * M_б)}{\sum(VQ_M * M_C * M_б)}$$

бунда $M_{ё}$ - маҳсулот материал сиғими;

M_x - материаллар ҳаражати;

Q – ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати;

VQ_M - жами ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори;

M_C - маҳсулот структураси;

M_{MC} - маҳсулот материал сарфи;

$M_б$ - материал баҳоси;

Материаллардан самарали фойдаланишни ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири – материал ҳаражатларининг ҳар сўмига тўғри келадиган фойда ҳисобланади. Бу кўрсаткичдан юқори даражага эришиш корхона фаолиятининг ижобий томонини ифодалайди. Материаллардан фойдаланишни комплекс таҳлилида материал ҳаражатларини ҳар сўмига тўғри келадиган фойда кўрсаткичининг динамикаси ўрганилади, рақобатдаги корхона маълумотлари билан таққосланиб ишга солинмаган ички имкониятлари аниқланади. Материал ҳаражатларини ҳар сўмига тўғри келадиган фойда миқдорини базис давридан фарқланишига омиллар таъсири қуйидагича ифодаланади:

$$\frac{Ф}{M_X} = \frac{Ф}{C_T} * \frac{C_T}{VQ_M} * \frac{VQ_M}{M_X} = R_C * У_C * M_K$$

бунда $Ф$ - сотишдан кўрилган фойда;

M_X - материаллар ҳаражати;

C_T - сотишдан келган соф тушум;

VQ_M - ишлаб чиқариш ҳажми;

R_C - сотишдан кўрилган рентабеллик, %;

$У_C$ - ишлаб чиқариш ҳажмида сотишдан келган тушум ҳиссаси, %

M_K - материал қайтими

5-жадвал

«FAROVON» масъулияти чекланган жамиятининг материаллардан фойдаланишни таҳлили

Т №	Кўрсаткичлар	Шартли белги	Ҳисобот йили		Бизнес-режадан фарқи (+,-)
			бизнес-режа	ҳақиқатда	
	А	1	2	3	4
1	Сотишдан кўрилган фойда	$Ф$	75200	87640	+12440
2	Сотишдан келган тушум	C_T	200500	280300	+79800
3	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми	VQ_M	220388	254550	+34162
4	Материал ҳаражатлари	M_X	143252	166730	+23478
5	Сотишдан қурилган рентабеллик даражаси, % (1қ:2қ)х100	R_C	37,50	31,26	-6,24
6	Жами ишлаб чиқаришда сотишдан келган тушум ҳиссаси, % (2қ:3қ)х100	$У_C$	0,909	1,101	+0,192
7	Материал қайтими, сўм (3қ:4қ)	M_K	1,54	1,52	-0,02
8	1 сўм материал ҳаражатига тўғри келадиган фойда, тийин (5қ:6қх7қ)		52,49	52,31	-0,18

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики корхонада ҳисобот йилида материал ҳаражатларини ҳар сўмига тўғри келадиган фойда 52,31 тийинни ташкил этиб бизнес-режа кўрсаткичига нисбатан қуйидаги омиллар ўзгаришининг таъсирида 0,18 тийинга пасайган.

а) сотишдан кўрилган рентабеллик

$$(P_C^1 - P_C^0) * У_C^0 * M_K^0$$

(-6,24)*0,909*1,54=-8,73

б) жами ишлаб чиқаришда сотувдан келган тушум ҳиссаси

$$R_C^1 * (У_C^1 - У_C^0) * M_K^0$$

31,26*(0,192)*1,54=+9,24

в) материал қайтими

$$R_C^1 * У_C^1 * (M_K^1 - M_K^0)$$

31,26*0,101*(-0,02)=-0,69

текшириш: -0,18=-8,73+9,24-0,69

-0,18=-0,18

Умумий материал сиғимини пасайтириш имкониятларини аниқлаш мақсадида сарф этилаётган материалларнинг турлари бўйича ҳам сиғимини аниқлаш лозим.

6-жадвал

Материал турлари сиғимини таҳлили

Кўрсаткичлар	**Режа**	**Ҳақиқатда**	**Режадан фарқи (+,-)**
Маҳсулот ҳажми солиштирма улгуржи баҳода, минг сўм	220388	254550	+34162
Материаллар ҳаражати, минг сўм	143252	166730	+23478
Шу жумладан: хомашё ва материаллар	45179	52946	+7767
Яримфабрикатлар	84629	96474	+11845
Ёқилғи	7934	8909	+975
Нергия	2865	5092	+2227
бошқа материаллар	2645	3309	+464
Умумий материал сиғими, тийин	65,0	65,5	+0,5
Шу жумладан: хомашё сиғим	20,5	20,8	+0,3
яримфабрикат сиғим	38,4	37,9	-0,5
ёқилғи сиғим	3,6	3,5	-0,1
энергия сиғим	1,3	2,0	+0,7
бошқа материаллар сиғим	1,2	1,3	+0,1

Умумий материал сиғими режага нисбатан 0,5 тийинга хомашё, энергия ва бошқа материаллар сиғимини 0,3; 0,7; 0,1 тийинга орти-ши туфайли рўй берган. Бу турдаги материаллар сиғимини пасай-тириш эвазига умумий материал сиғими 1,1 тийинга (0,3+0,7+0,1) қисқариши мумкин. Ярим фабрикат, ёқилғилар бўйича сиғим ре-жага нисбатан 0,6 тийинга пасайган.

Маҳсулот таннархидаги материал ҳаражатларини улушини аниқ-лаш учун маълумотлар маҳсулот калькуляциясидан олинади. А-400 маҳсулот тури бўйича улуш сиғимини динамикаси ва режасининг бажарилишини қуйидаги маълумотлар асосида таҳлил этамиз.

7-жадвал

Маҳсулот улуш сиғимини таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили		Ҳисобот йилининг ҳақиқийси	
		Режа	Ҳақиқатда	Ўтган йилга нисбатан,%	Режага нисбатан, %
Хомашё ва асосий материаллар	4790	4730	4700	Х	Х
Четдан келтирилган яримфабрикатлар	10500	10500	10900	Х	Х
Маҳсулот баҳоси	44319	44532	44706	Х	Х
Маҳсулотнинг улуш сиғими, сўм	0,345	0,342	0,349	101,0	102,0

А-400 маҳсулот турининг улуш сиғими 0,349 ($\frac{4700+10900}{44706}$) сўмни ташкил этиб ўтган йилга нисбатан 1,1; ҳисобот йилининг режасига нисбатан эса 2,0 фоизга ортган.

2.3. Корхонанинг меҳнат ресурслари потенциали бошқарилишини комплекс таҳлили

Меҳнат ресурслари – мамлакат аҳолисининг турли мулк шаклидаги корхоналарда ишлаш учун жисмоний ва маънавий қобилиятларини, умумтаълим ва ҳунар билимларини ўзида жамлаган қисми; мамлакат иқтисодий потенциалининг энг муҳим элементидир.

Республикамизда кейинги йилларда ялпи ички маҳсулот, шу жумладан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда. Буни бевосита турли ўзгаришлар билан боғлаш мумкин. Масалан, турли мулк шакллари ва мазмунининг ўзгариши, бошқарув тизимидаги ўзгаришлар, эркин иқтисодий фоалиятнинг чекланмаганлиги, ташқи иқтисодий фаолиятга кенг йўл очилиши ва ҳоказо. Мамлакатимиздаги демографик вазиятнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, айниқса меҳнатга қобилиятли ёшларнинг сони тез ўсиб бормоқда. Шу боис ишчи кучларини иш билан таъминлаш, ишсизлик масаласини ҳал этиш

мамлакатимиздаги энг долзарб иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан биридир. Бу вазифани ҳал этишнинг энг самарали йўналишларидан бири Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “Кичик ва ўрта корхоналар сонини кўпайтириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат. Юқорида зикр этилган соҳалар, биринчи галда, биз учун энг ўткир бўлиб турган аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишда ўзига хос локомотив вазифасини бажарадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида биз танлаган сиёсатнинг мутлақо тўғри ва узоқни кўзлаган ҳолда олиб борилаётганини такрор ва такрор исботламоқда”[4]

Ушбу соха мамлакатимизда энг йирик меҳнат бозори, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омили, миллионлаб одамлар учун даромад манбаи ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 2010 йилда – 50-52 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғини тегишли равишда 45 ва 49 фоизга, 2010 йилда янги ташкил этилаётган иш ўринларини касаначилик асосида 250 мингтага етказиш кўзда тутилган. Мамлакатимизда ишчи кучи бандлиги самарадорлигини таъминлаш учун давлатни бандлик сиёсатининг қуйидаги йўналишларини кучайтириш мақсадга мувофиқдир:

- оилавий бизнес ва кичик хусусий корхоналарни ривожлантиришни жадаллаштиришни таъминлаш;

- мазкур мақсадларда микрокредитлаш тизимини рағбатлантириш;

- йирик саноат корхоналари ва нисбатан кичикроқ бўлган ишлаб чиқариш корхоналари билан касаначиликни кенгайтириш асосидаги кооперацияни ривожлантириш имкониятларидан кенг қамровли фойдаланиш;

- маҳаллий хомашёни пухта қайта ишлашга ва тайёр рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган енгил ва озиқ – овқат, қайта

[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлиштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазифалар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.”Тошкент оқшоми” газетаси 2008й. (2 февраль)

ишлаш саноатининг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини жадал ривожлантириш;

- хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалигига таъалуқли бўлмаган бандлик соҳаларини кенгайтириш масалаларини ҳал этишга эътиборни кучайтириш;

- ишсизларни касбий ўқитиш ва жамоат ишлари тизимларини такомиллаштириш билан шуғулланадиган хизматлар ишини фаоллаштириш.

Республикамиз аҳолисининг талайгина қисмини ёшлар ташкил этади. Ёш мутахассис ва кадрларни тайёрлаш, уларга замонавий билимлар бериш, уларнинг ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун барча шарт – шароитларни яратиб беришга катта эътибор қаратилмоқда. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек “..ҳаётга кириб бораётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш, унинг олдида кенг йўл очиб бериш, бунинг учун барча имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат. ... ишонаманки, биз бу йўлда ўз мақсадимизга албатта етамиз”.

Меҳнат ресурсларини комплекс иқтисодий таҳлили орқали корхонани ҳодимлар билан таъминланиши ва улардан фойдаланиши, уларнинг таркиби, тузилиши, касбий маҳорати, ҳодимлар малакасини ошириш, иш вақтидан фойдаланиш кўрсаткичларига баҳо берилади. Меҳнат ресурслари улардан фойдаланишни таҳлил этишдан мақсад, меҳнат унумдорлигини ошириш резервлари ҳисобига маҳсулот ҳажмини ўсишини, иш вақтидан тўлиқ фойдаланиш ва бошқа омиллар эвазига маҳсулот таннархини пасайтиришдан иборат.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, унинг таннархи ва молиявий натижалари корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига боғлиқ. Ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши ходимлар сони ўзгармаган ёки қисқарган ҳолда меҳнат унумдорлигини ўсиши ҳисобига эришиш лозим.

Корхонанинг барча бўғинларида меҳнат қиладиган ходимлар икки гуруҳга бўлинади:

1. Ишлаб чиқариш ходимлари;

2. Ноишлаб чиқариш ходимлари.

Ишлаб чиқариш ходимлари яъни асосий ишлаб чиқариш ходимлари таркибига маҳсулот ишлаб чиқариш ва саноат характеридаги ишларни бажариш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва корхонани бошқаришдаги ходимлар киради.

Ноишлаб чиқариш ходимлари қаторига транспорт, уй – жой коммунал хўжалиги, маданий – маърифий соҳаларидаги ходимлар киради.

Ишчи кучи таҳлили корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланишини аниқлашдан бошланади.

Ишчилар сони ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқликка эга. Маҳсулот ҳажми нафақат меҳнат унумдорлик даражасига, балки, ишчилар сонини режага нисбатан ортиқча ёки етишмаслигига ҳам боғлиқ.

Аммо, ишчилар сони янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, автоматлаштириш ҳисобига қисқариши мумкин. Таҳлил этиш давомида ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги структуравий ўзгаришларнинг сабаблари аниқланади. Структурани ўтган йил, ҳисобот йилининг режасидан фарқланиши ишлаб чиқариш ҳажми, унинг ассортименти, тармоқ хусусияти ва ихтисослашувига боғлиқ.

8-жадвал

«FAROVON» масъулияти чекланган жамиятининг меҳнат ресурсларининг структура ва динамикасини таҳлили

Ходимлар категорияси	Ўтган йил	Ҳисобот йили				Фарқи (+,-)	
		бизнес режа		ҳақиқатда		ўтган йилдан	бизнес – режадан
		сони	%	сони	%		
А	1	2	3	4	5	6	7
Ишчилар	649	624	79,6	601	79,2	-48	-23
Хизматчилар	172	120	15,3	118	15,5	-54	-2
Раҳбар ходим ва мутахассислар	53	40	5,1	40	5,3	-13	-
Қоровуллик хизмат ходимлари	-	-	-	-	-	-	-
Жами ишлаб чиқариш ходимлари	874	784	100	759	100	-115	-25

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, корхона меҳнат ресурслари билан етарлича таъмин этилмаган. Бизнес-режага нисбатан ходимлар сони 25 кишига, ўтган йилга нисбатан эса 115 кишига қисқарган. Бундай ўзгаришлар ходимлар таркибидаги структуравий ўзгаришларга олиб келган. Жумладан, ишчилар сонини жами ишлаб чиқариш ходимлари таркибида тутган улуши бизнес-режадаги 79,6 фоиздан ҳақиқатда 79,2 фоизга қадар пасайган. Қолган категориядаги ходимлар улуши бизнес – режага нисбатан бироз кўтарилган. Меҳнат ресурслари таҳлил этилаётган корхонада гарчанд ишчилар сони ҳисобот даврида ўтган йил ҳамда ҳисобот йилининг бизнес-режасига нисбатан қисқарган бўлса ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошган. Демак маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши меҳнат унумдорлигини ўсиши эвазига рўй берган.

Йил давомида ишчилар таркибида ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш туфайли ўзгаришлар рўй беради. Ишчи кучи ҳаракатини қуйидаги кўрсаткичлар ифодалайди:

- ишчиларни ишга қабул қилиш обороти коэффициенти

$$k_{кй} = \frac{Ишга\ \ кабул\ килинган\ ишчилар\ \ сони}{Ишчиларни\ \ рўйхат\ бўйича\ ўртача\ сони};$$

- ишдан бўшатиш обороти коэффициенти

$$\boldsymbol{k_{ик}} = \frac{\boldsymbol{Ишдан\ \ бўшаган\ \ ишчилар\ \ сони}}{\boldsymbol{Ишчиларни\ \ рўйхат\ бўйича\ ўртача\ сони}};$$

- қўнимсизлик коэффициенти

$$k_{к} = \frac{Ўзаризасига\ \ мувофик\ \ ва\ мехнат\ \ интизомини\ бузганлиги\ \ учун\ ишдан\ кетган\ ишчилар}{Ишчиларни\ \ рўйхат\ бўйича\ ўртача\ сони};$$



6-чизма. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни таҳлили

Фаолияти таҳлил этилаётган корхонада ишчи кучи ҳаракатининг динамикаси қуйидаги кўрсаткичлардан иборат:

9-жадвал

Ишчи кучи қўнимсизлигини таҳлили

Т №	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.	Рўйхат бўйича ишчилар сони	649	601
2.	Ишга қабул қилинган ишчилар	118	109
3.	Ишдан бўшаганлар сони	163	155
	Шу жумладан:		
3 “а”	ўз ҳоҳишига мувофиқ	53	45
3 “б”	меҳнат интизомини бузганлиги ва бошқа сабабларга кўра	87	80
3 “в”	ўқув юртига кирганлиги, армия сафига чақирилиши, нафақага чиқиши туфайли	23	30
4.	Ишга қабул қилиш коэффициенти	0,182	0,181
5.	Ишдан бўшатиш коэффициенти	0,251	0,258
6.	Ишчи кучини қўнимсизлик коэффициенти	0,216	0,208

Корхонада қўнимсизлик коэффициенти юқори даражада. Таҳлил этиш давомида қўнимсизликни юқори бўлиш сабаблари (меҳнат ҳарактеридан қониқмаслик, меҳнат шароитини қониқарсизлиги, иш ҳақини пастлиги ва ҳ.к.) ижтимоий сўров анкеталари орқали атрофлича ўрганиб чиқилади. Қўнимсизликка оид маълумотлар бухгалтерия, статистик ҳисоботларда акс этмайди, шу боис сўров анкеталари натижаларига асосланган ҳолда ўрганилади.

Ишлаб чиқариш ҳажми ишчиларни касби бўйича таъминланишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

10-жадвал

Корхонани касби бўйича ишчилар билан таъминланишини таҳлили

Кўрсаткичлар	Ҳисобот йили		Режани бажарилиши, %	Режадан фарқи (+,-)	
	режа	ҳақиқатда		сони	%
Қолипловчи, шакл берувчи ишчилар	144	11	77,1	-33	-22,3
Безак берувчилар	150	160	106,7	+10	+6,7
Токарлар	170	155	91,1	-15	-8,9
Чилангарлар	90	105	116,6	+15	+16,6
Пайвандчилар	70	77	100,0	-	-
Жами ишчилар	642	601	96,3	-23	-3,7

Корхона асосий касбдаги ишчилар билан 96,3 фоизга таъминланган. Қолипловчи, шакл берувчи, токар касбидаги ишчиларни етишмаслиги 46 кишини ташкил этади. Бундай ҳолатда ишлаб чиқариш бир маромда кечмайди, тугалланмаган ишлаб чиқариш ортади, омборларда бутланмаган маҳсулот ҳажми тўпланиб, маблағлар айланиши секинлашади.

Иш вақтидан фойдаланиш таҳлили календар иш вақти фондларини ўз ичига олади. Календар иш вақти фонди ўрганилаётган даврдаги кунларни ишчиларни рўйхат бўйича сонига кўпайтмасидан ҳосил бўлади. Календар иш фондидан дам олиш ва байрам кунлари ҳамда режалаштирилган таътил, қўшимча таътил, касаллик кунларини айириш орқали режа бўйича иш вақти фонди ҳосил бўлади. Иш вақтидан фойдаланишни таҳлил этишда жами ишчиларни ишлаган иш вақти фонд (киши- кун, киши-соат) лари режалаштирилган, ўтган йил кўрсаткичлари билан таққосланиб, иш вақтидан тўлиқ фойдаланмаслик сабаблари аниқланади. Уларга маъмурият рухсати билан ишчиларни бошқа ишларга жалб этилиши, касаллик туфайли, меҳнат интизомига риоя қилинмаслиги туфайли иш вақти йўқотилиши киради.

Ишчиларнинг иш вақти фонди (ИВФ) ишчилар сони (Ис), бир ишчини йил давомида ишлаган кунлари (К) ва иш куни давомийлиги (Д) ни кўпайтмаларидан ҳосил бўлади.

$$ИВФ = Ис \cdot К \cdot Д$$

1-Т “Меҳнат ҳисоботи” шакли маълумотлари асосида бир ишчини йил давомида ишлаган кунлари, иш кунининг давомийлиги қуйидагича аниқланади.

$$К = \frac{Жами\ ишчиларни\ ишлаган\ киши - кунлари}{Ишчиларни\ рўйхат\ бўйича\ ўртача\ сони}$$

$$Д = \frac{Жами\ ишчиларни\ ишлаган\ киши - соатлари}{Жами\ ишчиларни\ ишлаган\ киши - кунлари}$$

11-жадвал

Ишчиларни иш вақтидан фойдаланишини таҳлили

Т №	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили		Фарқи (+,-)	
			Режа	Ҳақи-қатда	ўтган йилдан	режадан
1.	Ишчиларни рўйхат бўйича ўртача сони (Ис)	649	624	601	-48	-23
2.	Бир ишчини йил давомида ишлаган кунлари (К)	263	260	257	-6	-3
3.	Бир ишчини йил давомида ишлаган соатлари (С)	2055,9	2027,5	2017,9	-38,0	-9,6
4.	Иш куни давомийлиги (Д), соатда	7,79	7,80	7,85	+0,06	+0,05
5.	Иш вақти фонди (ИВФ), минг киши-соатда	1334,3	1265,2	1212,8	-121,5	-52,4

Ўтган йилга нисбатан иш вақтини йўқотилиши 121,5 минг киши – соат, ҳисобот йилининг режасига нисбатан 52,4 минг киши – соатларини ташкил этган. Иш вақти фондини ўзгариши қуйидаги омиллар таъсири натижасида рўй берган:

а) ишчилар сони

$$\Delta ИВФ(ис) = (Ис^1 - Ис^0) \cdot К^o \cdot Д^o$$

$$\Delta ИВФ(ис) = (601 - 624) \cdot 260 \cdot 7{,}80 = -46{,}6 \; минг\ киши - соат$$

б) бир ишчини ишлаган кунлари

$$\Delta ИВФ(к) = Ис^1 \cdot (К^1 - К^o) \cdot Д^o$$

$$\Delta ИВФ(к) = 601 \cdot (257 - 260) \cdot 7{,}80 = -14{,}0 \; минг\ киши - соат$$

в) иш куни давомийлиги

$$\Delta ИВФ(Д) = Ис^1 \cdot К^1 \cdot (Д^1 - Д^o)$$

$$\Delta ИВФ(Д) = 601 - 257 \cdot (+0{,}05) = +7{,}7 \; минг\ киши - соат$$

12-жадвал

Иш вақтидан фойдаланиш натижаларини қуйидаги жадвалга жойлаштирамиз

Кўрсаткич	**Режа бўйича**	**Ҳақиқатда**	**Режадан фарқи**	**Шу жумладан ўзгариши**			
				Ишчилар сони	**Бир ишчини ишлаган кунлари**	**Иш куни давомий-лиги**	**Ҳисоб китобда йўл қўйилган хато**
Иш вақти фонди (ИВФ), минг киши-соатда	1265,2	1212,8	-52,4	-46,6	-14,0	+7,7	+0,5

Иш вақтини йўқотилиши 60,6(46,6+14,0) минг киши-соатни ташкил этган. Иш куни давомийлигини узайиши ҳисобига йўқотилган соат бироз қисқариб 52,4 минг соатни ташкил этган.

Иш вақтидан фойдаланишни комплекс иқтисодий таҳлилида иш вақтини унумсиз сарфланишига катта аҳамият берилади. Иш вақтини унумсиз сарфланишига бракни тузатиш учун сарфланган вақт, технологик жараёнлардаги хатоларни бартараф этиш билан боғлиқ иш вақтини сарфлари киради.

Меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан биридир, уни ошириш иқтисодий ўсишнинг асосий омилидир. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, унинг таннархи, ходимлар сони, иш ҳақи фонди кўп жиҳатдан меҳнат унумдорлигига боғлиқ. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни қуйидаги кўрсаткичлар ифодалайди:

- меҳнат унумдорлигини ўсиш суръати;
- маҳсулот ҳажмини ортишида меҳнат унумдорлиги ўсишининг ҳиссаси;
- ходимлар сонини нисбий қисқариши;
- иш ҳақи фондидан нисбий иқтисод;
- меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатини ўртача иш ҳақи ўсишига нисбати.

Меҳнат унумдорлигини ўлчов бирликлари:

- қиймат, натура ва меҳнат

а) қиймат шакли $My = \frac{Q}{x}$,

бунда *My*-меҳнат унумдорлиги (Бир ходимга тўғри келадиган ўртача маҳсулот);

Q – ишлаб чиқарилган маҳсулот солиштирма улгуржи баҳода;

X – ходимларни рўйхат бўйича ўртача сони.

б) натура $My = \frac{Q\,тонна, кг, м, ...}{x}$,

в) меҳнат $My = \frac{T}{Q}$,

Т - маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт (киши-кун, киши - соат)

Q – маҳсулот миқдори (дона, кг, ва х.к.)

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичининг қиймат шакли камчиликлардан ҳоли эмас. Масалан, сарфланган хом ашё, ёқилғи, энергия нархлари ва таърифлари, маҳсулот таркибидаги структуравий ўзгаришлар унумдорлик даражасига таъсир этади.

Натура шакли меҳнат унумдорлигини аниқ ифодалайди. Аммо, бу ўлчов бирлиги бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарда қўлланилиши мумкин (кўмир қазиш, электр энергия, нефтни қайта ишлаш корхоналари).

Меҳнат унумдорлик кўрсаткичлари:

- бир ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот:
- бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот;
- ишчини бир кунлик иш унуми;
- ишчини бир соатлик иш унуми.

Меҳнат унумдорлик кўрсаткичларини комплекс таҳлил этиш учун кўрсаткичлар ўтган йил, ҳисобот йилининг режаси, бир хил ихтисосга эга бўлган корхона маълумотлари билан таққосланиб ишга солинмаган ички имкониятлар аниқланади.



7-чизма. Меҳнат унумдорлигини омилли тизими

Меҳнат унумдорлигини умумий кўрсаткичи - бир ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулотдир (*ГВх*). Бу кўрсаткич ишчини бир кунлик, бир соатлик (*ЧВ*) иш унумларидан ташқари, ишчини жами ходимлар таркибида тутган улуши (*Ул*), бир ишчини ишлаган кунлари (*К*) ва иш куни давомийлиги (*Д*) га ҳам боғлиқ.

3-БОБ. КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ КОМПЛЕКС ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Комплекс таҳлил ва ишлаб чиқаришнинг ташкилий – техника даражасини баҳолаш

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш молия хўжалик фаолиятни самарали юритилиши, корхонани техник ва ташкилий жиҳатдан ривожланиши, ташқи иқтисодий, ижтимоий фаолиятларнинг натижаларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ишлаб чиқариш ривожланишининг асосий шарти техника прогрессидир. Корхонани техник–иқтисодий кўрсаткичлари, техника, технология ва ишлаб чиқаришни бошқариш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Техника, технология ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш билан узвий боғлиққа эга ва бири иккинчисиз юқори самара бермайди. Хўжалик фаолиятини ташкилий–техника жиҳатдан ташкиллаштириш–бу комплекс узлуксиз жараён бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг илмий техникавий даражасини ривожланиши, ишлаб чиқаришда илмий–техника прогресси ютуқларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиясини мувофиқлаштириш, хўжалик юритиш методларини жамликда ўз ичига олади. Хўжалик субъектининг ташкилий – техника даражасини комплекс таҳлилининг вазифалари:

1) ишлаб чиқаришнинг илмий техник даражасини аниқлаш ва унинг корхона фаолиятини натижаларига таъсирини баҳолаш;
2) ишлаб чиқаришни бошқариш, меҳнат ва меҳнат шароитини ташкил этиш самарадорлигини баҳолаш;
3) корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини шаклланиши, унинг ўсишини таҳлили, ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш йўлларини белгилаш;

4) ишлаб чиқаришни ташкилий – техника даражасини ошириш имкониятларини аниқлаш.

Корхонанинг ташкилий-техника даражаси деб ишлаб чиқариш воситаларининг эришган ўсиш даражалари, ташкил этиш ва бошқарув методларига айтилади.



8-чизма. Ишлаб чиқаришни ташкилий-техника даражасини комплекс иқтисодий таҳлил этиш тизими

Корхонани ташкилий даражасини комплекс таҳлил этиш услуби қуйидаги уч гурухдаги аналитик кўрсаткичлар: техника ва технология ҳолати даражаси; ишлаб чиқаришни ташкилий даражаси; ишлаб чиқаришнинг бошқа фаолият турларини ўрганишга асосланган.

Биринчи гурухдаги кўрсаткичлар махсулотнинг сифати ва прогрессивлиги, техника ва технология, илмий – тадқиқот ишлар даражаларининг ҳолати, корхонани техника жиҳатдан таъминланиши, янги техника самарадорлигини ифодалайди.

Иккинчи гурухдаги кўрсаткичлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражаси, ишлаб чиқаришни марказлашуви ва жойлашиши, ишлаб чиқариш жараёнини давомийлиги, меҳнатни ташкил этиш ва бошқарув даражалари, меҳнат коллективининг ижтимоий шароити кабилардан иборат.

Учинчи гурух маълумотлари доирасида корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти, алоқалари, иш фаолиятининг натижалари тадқиқ қилинади. Ташкилий – техника кўрсаткичларини тадқиқ этиш жараёни жамликда корхонанинг комплекс ташкилий – техник даражаси ва ишлаб чиқаришнинг шарт – шароитини тавсифлайди.

$$Kj = \sqrt[n]{ПРК}\ , \quad k_j = \sqrt[n]{k_1 k_2 k_3 k_4 k_5 k_6 k_7 k_8}\,,$$

бунда k_j - ташкилий-техника даражасини таҳлил этиш тизимида жами ўрганилаётган кўрсаткичларни комплекс баҳолаш; $\sqrt[n]{ПРК}$ - кўрсаткичларнинг ўсиш (пасайиш) коэффициентларини кўпайтмаси;

n – ташкилий – техника даража ва ишлаб чиқариш шароитини ифодаловчи кўрсаткичлар сони (улар сони 8 та)

k_1-илмий техника даражалари таҳлили кўрсаткичларининг жами; k_2-ишлаб чиқариш технологияси даражаларини таҳлили кўрсаткичларини жами; k_3-ишлаб чиқаришни ташкил этиш таҳлили кўрсаткичларини жами; k_4-корхона бошқаруви даражаси кўрсаткичларини баҳолаш; k_5-ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш кўрсаткичлари даражасини баҳолаш; k_6-меҳнат коллективи ижтимоий шароитини баҳолаш натижаларининг кўрсаткчилари; k_7 -ташқи иқтисодий фаолият таҳлили кўрсаткичлари ва уни баҳолаш; k_8-ишлаб чиқаришнинг бошқа жараён кўрсаткичларини таҳлили ва уни баҳолаш.

Моддий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида ташкилий-техника даражаларни ошириш натижалари ишлаб чиқаришнинг уч элементларидан фойдаланиш орқали юзага келади; меҳнат, меҳнат воситалари ва предметлари. Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг сифат кўрсаткичлари бўлиб меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, материал сиғими, айланма маблағлар айланиши ҳисобланади.

Корхонанинг ташкилий – техника даражаси таҳлилининг ахборот манбалари:

- корхонанинг ишлаб чиқариш ва молия – хўжалик фаолиятининг йиллик ҳисоботи;
- йиллик ва чораклик бўйича бухгалтерия ҳисоботи;
- ишлаб чиқариш қуввати баланси;
- машина ва ускуналар паспорт маълумотлари;
- лойиҳа – смета ва бошқа техник хужжатлар.

Ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш мавжуд меҳнат, моддий ва пул ресурсларидан унумли фойдаланишни ўзида акс этган комплекс тадбирий чоралар йиғиндисидан иборат. Ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, шартнома, мажбуриятларни бажарилиши, ҳаражатларни камайтириш, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ечимини ўз ичига олади. Комплекс таҳлил орқали корхонанинг ишлаб чиқаришини ташкил этиш даражаси, ҳақиқий ва базис давридаги кўрсаткичларини таққослаш туфайли кўрилган тадбирий чоралар режасининг бажарилишини баҳолайди; ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг такомиллаштиришни хўжалик фаолияти натижаларига бўлган таъсирини аниқлайди; резервлар ҳисобланади ва улардан фойдаланиш йўлларини белгилайди. Қимматли ускуна, механизм, меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланмаслик ишлаб чиқариш харажатларини ортиб кетишига олиб келади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1) ишлаб чиқаришни иқтисослашув ва кооперация даражаси;

2) ишлаб чиқариш жараёнининг давом этиш муддати ва структураси;
3) ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги;
4) ишлаб чиқаришни маромийлиги;
5) ишлаб чиқаришнинг фаоллик даражаси.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражасини комплекс баҳолаш тизимида ишлаб чиқаришни ихтисослашуви, тиғизлиги ва ихчамлик кўрсаткичлари, ҳамда ишлаб чиқаришнинг таъминланиш ва хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари муҳим ўрин эгаллайди. Бозор муносабатлари шароитида корхоналарни ихтисослашуви ва кооперациялашуви маҳсулот таннархини пасайтириш, унумдорлик даражасини оширишда асосий омил ҳисобланади. Ишнинг натижаси ишлаб чиқариш маромии, ишлаб чиқаришнинг фаоллиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

9-чизма. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш даража кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш

Ихтисослашув даражасини юқори бўлиши техника, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкиллаштиришнинг такомиллашувига ва корхонани

мавжуд ресурслардан унумли фойдаланишга олиб келади. Ишлаб чиқаришни ихтисослашув даражасини комплекс таҳлили бир неча кўрсаткичлар орқали амалга оширилади. Ихтисослашув даражаси цехда ишлаб чиқарилган маҳсулот типи, ўлчами, жами маҳсулотдаги махсус бўлинмаларнинг тутган улушлари орқали аниқланади ва баҳоланади. Эҳтиёт қисм ва деталларни етказиб бериш бўйича тутган улушлари баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари сифатида қабул қилиниши мумкин.

Ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришнинг комплекс таҳлилини асосий мақсади ишлаб чиқаришни мутаносиблиги, узлуксизлиги, маромийлиги кўрсаткичлари бажарилишини баҳолашдан иборат.

Ишлаб чиқаришда ташкиллаштиришнинг мутаносиблиги цех, бўлим, ишчи ўринларида вақт бирлиги ичида яратилган махсулотни корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятларига мос келиши тушунилади. Мутаносибликни таҳлили орқали айрим бўғинлардаги тўлиқ фойдаланилмаган қувватлар аниқланади. Таҳлил натижаларидан келиб чиққан хулосалар асосида белгиланган тадбирий чораларни мутаносибликни янада мустаҳкамлашга сафарбар этиш лозим. Ишлаб чиқариш интенсивлиги даражасини оширишда ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлиги муҳим ўрин тутади. Узлуксизлик коэффициенти (Ку) қуйидагича аниқланади:

$Ку = \frac{t_{техн}}{t_{ич}}$ бунда $t_{техн}$ - ишлаб чиқаришнинг технологик циклини давомийлиги, соатда $t_{ич}$ - ишлаб чиқариш цикллари давомийлиги, соатда.

Ишлаб чиқаришни ташкилий даражасини оширишнинг йўналишлари ишлаб чиқаришни марказлашуви ва кооперациялаш ҳисобланади.

<u>Ишлаб чиқаришни марказлашув</u> таҳлилида гурухлаштириш усулини қўллаш орқали тармоқ ичидаги корхоналарнинг ишлаб чиқарган махсулоти, асосий ишлаб чиқариш фондлари, меҳнат унумдорлиги, таннархи, фонд қайтими ва бошқа кўрсаткичлари ўрганилади. Ишлаб чиқаришни кооперациялаш корхоналар ўртасидаги ҳамда, корхона ичидаги ўзаро алоқаларни ифодалайди.

Кооперациялаш даражасини таҳлил этиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1) махсулот таннархидаги кооперациялаш асосида олинган ярим фабрикат, бутловчи буюмларни тутган улуши;

2) корхона билан кооперациялаш алоқасидаги корхоналар сони;

3) жами ишлаб чиқариш ҳажмида кооперациялаш асосидаги буюртма қиймати.

Ишлаб чиқаришнинг давомийлик муддати ва структураси (ДМС) ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Давомийлик муддати маҳсулот конструкциясини хусусияти, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг шакл ва услублари самарадорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ишлаб чиқариш циклини комплекс таҳлили махсулотнинг асосий тури бўйича олиб борилади ва ишлаб чиқариш цикли давомийлик муддати ўзгаришини асосий техник – иқтисодий омиллари бўйича баҳолайди.

13-**жадвал**

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш циклининг давомийлик муддатини таҳлили

Махсулот тури	ДМС норма-соатда		ДМС нинг базис давридан фарқланиши				
			Жами		Шу жумладан ўзгариш сабаби		
	базис давр	ҳақиқатда	норма-соат	%	конструкцияси	техника ва технологияси	ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш
А	3,36	3,24	-0,12	-3,6	0,2	-1,3	-2,5
Б	7,13	6,39	-0,74	-10,4	-2	-3,4	-5

Корхонанинг ташкилий – техник ва молиявий ресурсларидан фойдаланиш резервларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Резервлар ўз моҳиятига кўра бир – биридан қуйидагича фарқланади:

а) маҳсулот ҳажмини ошириш, унинг ассортименти ва структурасини такомиллаштириш резервлари;

б) маҳсулот таннархини ҳаражат элементлари ва моддалари бўйича пасайтириш резервлари;

в) фойдани ошириш, молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш бўйича резервлар;

г) сотишдан кўрилган рентабеллик, баланс активи. капиталининг рентабеллигини ошириш резервлари.

Корхона ўз фаолияти давомида пул маблағларини ишлатиши туфайли маълум самарага эришади. Корхона раҳбари бир қарорга келиши учун қиёсий самарадорлик натижаларига таянади. Олинган натижани ҳаражатга нисбати самарани ифодалайди. Самарадорликни баҳолаш мезонининг бир қанча турлари мавжуд.

Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгаришини меҳнат унумдорлигига таъсири қуйидагича аниқланади:

$$\Delta y = 100 \cdot \left(\frac{Ур}{Ух} - 1 \right)$$

бунда $Ур, Ух$ режа ва ҳақиқатдаги меҳнатни ташкил этиш даражалари

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини меҳнатни ташкил этишнинг ҳақиқий даражасини режа бўйича кўзда тутилган даражага қадар етказиш ҳисобига ошириш

$$\Delta N = Nx \left(\frac{Ур}{Ух} - 1 \right)$$

бунда Nx - ҳисобот давридаги маҳсулот ҳажми.

Маҳсулот ҳажмини ортиши туфайли ўзгармас ҳаражатларни махсулот бирлигидаги улушини пасайиши туфайли таннарх пасайишига эришилади. Маҳсулот ҳажмини ортиши билан ўзгарувчан ҳаражатлар ҳам ортиб боради.

Режалаштирилган маҳсулот таннархи қуйидагича аниқланади:

$$Sр = S\ ўз.чан \frac{Ур}{Ух} + S\ ўз.мас$$

S - ўз.чан, ўз.мас – маҳсулот бирлиги таннархидаги ўзгарувчан, ўзгармас ҳаражатлар

Ҳақиқатдаги меҳнатни ташкил этиш даражасини режа даражасигача етказиш орқали фойда (Р) ни ошириш.

$$p = Nx + \Delta N \quad Sp$$

Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш даражаларини ошириш бўйича режадаги ишлаб чиқариш рентабеллиги даражаси (%)

$$Pp = 100\left(\frac{Np}{F+E}\right),$$

бунда Ғ,Е – ўрганилаётган даврдаги асосий ишлаб чиқариш фондлари ва моддий қийматликлардаги айланма маблағлари.

Корхона фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини нисбий ўзгариши ҳақиқатдаги меҳнатни ташкил этиш даражасини режа даражасигача етказиш қуйидагича аниқланади (%):

-маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши:

$$\Delta N = \left(\frac{Np}{Nx} - 1\right)100,$$

-маҳсулот бирлиги таннархини пасайиши:

$$\Delta S = \frac{Sp}{Sx}\ 100,$$

-фойдани ортиши:

$$\Delta P = \left(\frac{Pp}{Px} - 1\right)100;$$

-ишлаб чиқариш рентабеллигини ортиши:

$$\Delta P = 100\left(\frac{Pp}{Px} - 1\right),$$

Sp, Sx – режа ва ҳақиқатдаги маҳсулот бирлиги таннархи

3.2. Корхонанинг тўловга лаёқатлилиги, молиявий барқарорлиги ва ишбилармонлик фаоллигини баҳолашнинг комплекс иқтисодий таҳлили

Молиявий ҳолат давлат, ташкилот ва шахслар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ пул ҳисоб – китобларини ифодалайди. Молиявий ҳолат корхонани маблағ билан таъминланганлиги, барча турдаги маблағларни мақсадга мувофиқ йўналиши ва улардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги, бюджет, банк, ҳомашё етказиб берувчилар, харидорлар ва бошқа ташкилотлар билан олиб бориладиган ҳисоб - китоб ҳолати билан характерланади. Корхонани молиявий ҳолати барқарор, нобарқарор ва кризис даражасида бўлиши мумкин. Молиявий барқарорликка эга бўлган корхоналарда ишчи ва хизматчилар билан иш хақи, бюджет, банк, мол етказиб берувчилар билан бўладиган ҳисоб – китоб ишлари ўз муддатида амалга оширилади. Молиявий интизомга риоя қилмаслик, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ортиб кетишига олиб келади ва муддати узайтирилган қарзларни сурункали давом этиши банкротлик аломатларини вужудга келтиради.

Молиявий ҳолат барқарорлигини таҳлили орқали маълум давр мобайнида молиявий ресурсларни корхона қандай бошқарганлигига баҳо берилади. Аввало, молиявий ресурслар ҳолати бозор ва корхона ривожланишининг талабларига мос келиши керак, чунки молиявий барқарорликни талаб даражасидан паст бўлиши корхонани тўловга қобиллигини заифлаштиради, ишлаб чиқаришни ривожланиши учун маблағлар етишмаслигига олиб келади. Бунинг акси бўлган ҳолатларда эса молиявий ресурсларни ортиқчалиги ишлаб чиқаришни ривожланишига тўсқинлик қилади, ишлаб чиқариш захиралари ва резервларини меъёрдан ортиб кетишига сабаб бўлади. Демак, молиявий ресурсларни самарали шаклланиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланиши молиявий барқарорлик моҳиятини ифодалайди.

Давлатнинг иқтисодий салоҳияти, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини барқарорлиги ички ва ташқи омиллар, жумладан, бугунги кунда жаҳон миқёсидаги молиявий инқирозлар ва уларнинг салбий оқибатларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Молиявий – иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек “Аввало, давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги, уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин – валюта заҳираларининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада – мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатта бардошлик даражасига боғлиқ”.

Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами, биринчи навбатда, шу давлатнинг молиявий – иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли эканига ҳам боғлиқ.

Мамлакатни ислоҳ қилиш, техник ва технологик янгилаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, банкларни капиталлашув даражасини ошириш, тижорат банкларининг активлари миқдори “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа олдиндан кўрилган ҳимоя механизмлари туфайли Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 13,3% ни, экспорт ҳажмининг 31% ни ташкил этди. Бу халқаро мезонларга кўра, ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат деб баҳоланади.

Тўловга қодирлик корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, нақд пул маблағлари орқали муддати келган тўлов мажбуриятларини бажара олишига айтилади.

Корхонанинг тўловга қодирлиги баланс активи кўрсаткичларини ликвидлиги ҳамда пул маблағлари ҳаракатини ўрганиш орқали аниқланади. Ликвидлик кўрсаткичлари орқали тўловга қодирликни аниқлаймиз. Бунинг учун айланма активлари ликвидлиги, баланс ликвидлиги, корхона ликвидлиги, тўловга қодирлик кўрсаткичларига қисқача изох бериш керак.

Айланма активларини ликвидлиги баланс ликвидлигидан фарқланади. Айланма активларини пулга айланиши учун кетадиган вақт қанча қисқа бўлса, унинг ликвидлиги шунча юқори бўлади.

Хўжалик юритувчи субектнинг активидаги моддаларни пулга айланиши орқали тўлов мажбуриятларини қоплай олиши, аниқроғи – тўлов мажбуриятларининг муддати активдаги моддаларни пулга айланиш муддатиги мос келишига баланс ликвидлиги деб тушунилади. Баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун профессор Э.Акрамов фикрига кўра, баланснинг актив томонидаги бир даврга бориб нақд пулга айланадиган маблағларни шу даврда қайтариладиган мажбуриятлар билан солиштириш керак.

Корхона ликвидлиги - баланс ликвидлигига нисбатан кенг маънони англатади.

Баланс ликвидлиги тўлов мажбуриятлари фақат корхонанинг ички имкониятлари (активларни реализацияси)дан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Аммо, корхона инвестиция фаолияти, ишбилармонлик фаоллигини ошириш учун ўз маблағларидан ташқари четдан қарз маблағларини ҳам жалб этиши мумкин. “Тўловга қодирлик” ва “ликвидлик” кўрсаткичлари бир-бирига яқин, аммо “ликвидлик” бироз кенгроқ маънони англатади. Тўловга қодирлик, баланс ликвидлиги ва корхонанинг ликвидлик даражаларига боғлиқ.

Корхонанинг жорий ва истиқболдаги молиявий ҳолатини ликвидлик кўрсаткичлари ифодалайди. Таҳлил этилаётган корхона ҳисобот даврида тўловга қодир, аммо, келгуси йилларда ноқулай иқтисодий шароитга тушиб қолиши ва бунинг акси ҳам бўлиши мумкин.

10-чизма. Ликвидлик ва корхонанинг тўловга қодирлик кўрсаткичларини бир - бирига узвий боғлиқлиги

Тўловга қодирлик, корхона ликвидлиги ва баланс ликвидлигини профессор Г.В.Савицкая кўп қаватли бинога ўхшатади. Бунда барча қаватлар бир – бирига тенг, аммо, иккинчи қаватни биринчисиз, учинчи қаватни биринчи ва иккинчи қаватларсиз бунёд этиб бўлмайди. [5]

Демак, баланс ликвидлиги тўловга қодирлик ва корхона ликвидлигининг асоси (фундаменти)ни ташкил этади. Бошқа сўз билан айтганда ликвидлик – бу тўловга қодирликни сақлаш усулидир.

Корхонани тўловга қодирлигининг динамикаси ва унинг даражаси тўғрисида аниқ хулоса қилиш учун қуйидаги омиллар таъсирини ҳам ҳисобга олмоқ зарур:

[5] Г.В.Савицкая “Анализ хозяйственной деятельности” М.: Инфра-М., 2007, 256 стр.

– корхона фаолиятининг характери. Масалан, саноат, қурилиш характеридаги корхоналарда ишлаб чиқариш заҳираларини улуши юқори, пул маблағлариники эса паст;
– дебиторлар билан ҳисоблашиш усули;
– ишлаб чиқариш заҳираларини ҳолати;
– дебиторлик қарзлар ҳолати: унинг таркибидаги муддати ўтган, даргумон қарзларни мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги.

Корхонанинг умумий тўловга қодирлиги мавжуд жами активлар билан мажбурият (қисқа муддатли ва узоқ муддатли) – ларни қоплай олишини ифодалайди.

$$К_{ум.коп} = \frac{\text{Оборот активлари} - \text{Келгуси давр ҳаражатлари}}{\text{Қисқа муддутли мажбуриятлар} - \text{Келгуси давр даромадлари} - \text{Келгуси давр ҳаражатлари ва тўловлар учун захиралар}}$$

Умумий қоплаш коэффициенти 2 дан кичик бўлмаслиги (Кум.коп. ≥ 2) керак.

Энди тўловга қодирликни пул маблағлари ҳаракатини кузатиш ва ўрганиш орқали аниқлаймиз. Жорий тўлов қобилиятини ички тезкор таҳлили орқали маҳсулот сотишдан, дебиторлик қарзларни ундириш ва бошқа пулли тушумларни назорат қилиш ҳамда корхонанинг мол етказиб берувчилар, банк ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш учун тўлов календари тузилади.

Тезкор тўлов календари 1,5,10,15 кун, 1 ой муддатларга тузилиши мумкин. Корхонанинг тўловга қодирлигини бу усулда аниқлаш учун маълум даврдаги тўлов маблағларини, тўлов мажбуриятлари билан таққослаш лозим. Таққослаш натижасининг коэффициенти 1 ва ундан ($К \geq 1$) катта бўлиши тўловга қодирликни ифодалайди.

14-**жадвал**

Тезкор тўлов календари (10.01. муддатига қадар)

Тўлов маблағлари	**Сумма, минг.сўм.**	**Тўлов мажбуриятлари**	**Сумма, минг.сўм.**
Пул маблағлари қолдиғи:		Меҳнатга ҳақ тўлаш	1050
- касса	-	Бюджетга тўловлар	320
- банкдаги ҳисоб счети	2500	Мақсадли давлат жамғар-маларига тўловлар	1130
Қиммат баҳо қоғозлар Пул маблағларини келиб тушиши 10.01. гача:	50	Мол мол етказиб берувчилар ва пудратчилар	4100
- маҳсулот сотишдан	5080	Банк кредитининг фоиз тўловлари	180
- бошқа сотувлардан	185	Банк кредити	850
-молиявий фаолиятдан	170	Бошқа кредиторлик қарзлар	170
Олинган бўнаклар	500	Бошқа тўловлар	50
Кредит, қарзлар Муддати узайтирилган дебиторлик қарзларни ундирилиши	- 120	Жами	7850
Бошқа маблағлар	30	Тўлов маблағларини тўлов мажбуриятларидан ортиқчалиги	785
Баланс	8635	Баланс	8635

Тўловга қодирликнинг паст даражада бўлиши кўпинча пул маблағларини етишсмалиги ва муддати узайтирилган қарзларни мавжудлиги билан изоҳланади. Шу боис комплекс таҳлил давомида тўловга қодир эмаслик сабаблари атрофлича чуқур ўрганилади.

Тўловга қодир эмаслик сабаблари:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини пасайиши, таннархини ортиши, фойдасини қисқариши натижасида ўз маблағларининг манбаини корхонани молиялаштириш учун етишмаслиги;
- айланма капиталидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик, яъни маблағларни дебиторлик қарзлар, меъёрдан юқори захираларни ташкил топишига сарфланиши;
- харидорларни тўлов қобилиятига эга эмаслиги;
- солиқ юки, солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўламаганлиги учун жарима санкцияларини юқорилиги.

Тўловга қодирлик кўрсаткичларини ўзгариш сабабларини аниқлаш учун пул маблағларини кирими ва чиқимлари режасининг бажарилишини

таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай таҳлил учун пул маблағларини ҳаракати билан боғлиқ кўрсаткичлар бизнес режадагиси билан таққосланади. Биринчи галда операцион, инвестиция ва молиявий фаолиятларининг бюджетини даромад қисмини бажарилиши, белгиланган режадан фарқланиш сабаблари аниқланади.

Молиявий барқарорлик кенг қамровли кўрсаткич бўлиб, корхона фаолиятининг барча томонлари натижаси унда акс этади. Молиявий барқарорликка эришган корхоналар қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

- бозор муносабатларини ҳар – хил шароитларида ҳам фаолият юрита олиши;
- корхона пул маблағларини эркин ҳаракат қилиши;
- молиявий ресурсларни бозор талабларига мос келиши;
- молиявий ресурслар ҳолати ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тўлов қобилияти, кредитга лаёқатлигини таъминлай олиши;
- ишлаб чиқариш заҳиралари ва ҳаражатларини манбалар билан қопланиши.

Иқтисодиётга оид адабиётларда молиявий барқарорликка таъалуқли кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш йўллари ва таҳлили етарлича ёритилмаган.

Молиявий барқарорлик мазмун жиҳатидан турлича тарифланади. Тўлов қобилияти, баланс ликвидлиги, корхонани бозор фаоллиги кўрсаткичлари, молиявий барқарорлик кўрсаткичлари сифатида кўрилиши мутлақо нотўғри.

Профессор Э. Акрамов (“Корхонанинг молиявий ҳолати тахлили”. Т., “Молия”, 2003) томонидан молиявий барқарорлик кўрсаткичлари хусусида билдирилган фикр ва мулоҳазалари диққатга сазовордир. Молиявий барқарорлик даражасини аниқлаш учун захира ва харажатлар ёки моддий айланма маблағларни уларни ташкил топиш манбаларига нисбат кўринишида аниқлаш тавсия этилади. Молиявий коэффициентлар эса молиявий барқарорликни ифодаловчи молиявий ҳолатнинг қўшимча кўрсаткичларидир дейилади мазкур қўлланмада. Молиявий

коэффициентларни аниқлаш услуби ва уларнинг сони хусусида ҳам маълум бир ечимга келинмаган.

М.Қ. Пардаев, Б.И. Исроилов (“Иқтисодий таҳлил”. Ўқув қўлланма. Т., 2001., 137-бет) молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий моҳияти жиҳатидан бешта гурухга бўлиб ўрганиш тавсия этилади.

1. Ўз (хусусий) маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар.

2. Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

3. Ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

4. Айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

5. Асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар.

А.В. Ваҳобов, А.Т. Иброҳимов, Н.Ф. Ишонқулов (“Молиявий ва бошқарув таҳлили”. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Т. 2005, 219-220 бетлар) дарслигида молиявий барқарорликни ифодаловчи энг муҳим кўрсаткичлар деб еттита коэффициент келтирилади. Профессор Н.М. Любишин таҳриридаги “Анализ финансово – экономической деятельности предприятия” (М. 2001., 111-113 бетлар) дарслигида олтита молиявий барқарорлик коэффициентларини аниқлаш услублари тавсия этилади.

Бизнинг фикримизча молиявий барқарорликни баҳолашда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун кўрсаткичлар уч гурухга бўлиниб ўрганилади.

I гурух. Тўловга қодирлик

II гурух. Капитал структураси

III гурух. Асосий воситалар ва айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Таҳлил давомида молиявий барқарорликка таъсир этувчи ички ва ташқи омилларга эътиборни қаратмоқ лозим.

Ички омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

- корхона фаолиятини тармоқ хусусиятига мос келиши;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, кўрсатилаётган хизмат тузилиши (структураси);
- устав капиталига тўланган миқдор ҳажми;
- харажатлар миқдори, уларни даромадларга нисбати динамикаси;
- мол-мулк ва молиявий ресурслар ҳолати, шу жумладан, заҳира ва резервлар, улар таркиби ва тузилиши.

Ташқи омилларга хўжаликни юритишнинг иқтисодий шартлари, тўловга қодирлик, харидорларнинг даромадлик даражаси, давлатнинг солиқ ва кредит бўйича сиёсати, ташқи иқтисодий алоқалар ва бошқалар киради.



11-чизма. Корхона барқарорлигининг турлари

Умумий барқарорлик чегарасини юқори ёки паст бўлиши турли хил сабабларга боғлиқ.

- “Барқарорлик захираси” - бир неча йиллар давомида шаклланган молиявий захиралар миқдори тасодифий ва кескин ташқи кутилмаган ўзгаришларни олдини олишга қаратилган.

- техник – иқтисодий барқарорлик – инвестиция лойиҳалари самарадорлиги, техника билан қуролланиш даражаси, ишлаб чиқариш, меҳнат, бошқарувни ташкиллаштириш; пул оқимларини ҳаракати туфайли фойдага эришишни ифодалайди.

- молиявий барқарорлик – даромадни ҳаражатларга нисбатан ва ресурслар ҳолатини юқори бўлиши, пул маблағларининг эркин харакатини

таъминлайди, маблағлардан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш узлуксизлиги, уни кенгайтириш ва янгиланиши учун замин яратади.

Молиявий барқарорлик ўз ва четдан жалб этилган капиталлар нисбати, жорий, инвестиция ва молиявий фаолият туфайли ўз капитали жамғармасини ўсиш даражаси, ҳаракатчан ва иммобилизация қилинган ресурслар нисбати, заҳираларни ўз маблағлари манбаи билан таъминланишини ифодалайди.

Демак, молиявий барқарорлик молиявий ресурслар ҳолати биринчидан, бозор талабига мос келиши, иккинчидан, ишлаб чиқаришни ривожланишини таъминлаши лозим.

Молиявий барқарорлик тузилишини қуйидагича ифодалаш мумкин.



12-чизма. Корхона молиявий барқарорлигини турлари

- жорий – конкрет (аниқ) давр мобайнидаги молиявий барқарорлик;
- имкон – ташқи шароит ўзгаришини ҳисобга олган ҳолдаги молиявий барқарорлик;
- юзаки – давлат томонидан қўллаб қувватланадиган, четдан бериладиган ёрдам туфайли молиявий барқарорлик;
- реал – рақобат шароитида кенгайган такрор ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолдаги молиявий барқарорлик.

Профессионал сўз бойлигида “молиявий барқарорлик” терминини ишлатилиши бир хил маънони англатмайди.

Чет эл иқтисодий адабиётлари ва жаҳон амалиётида “молиявий барқарорлик” сўзини ифодаланишидаги фарқланиш корхона баланси таҳлилига икки хилдаги ёндошиш, яъни, баланс ликвидлигини анъанавий ва замонавий функционал усулларини қўллаш орқали юзага келади.

Молиявий барқарорликни баланс ликвидлиги таҳлилининг анъанавий усули орқали аниқлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- минимал молиявий тенглик қоидаси – ижобий ликвидликка асосланган бўлиб, бунда жорий активлар ликвидлигининг ўсиши мажбуриятларга нисбатан юқори бўлиши шарт;
- максимал қарздорлик қоидаси – анъанавий меъёрларга мувофиқ корхона қарзини ўз маблағлари билан қопланиш чегараси: узоқ ва ўрта муддатли қарзлар доимий капиталнинг ярмидан юқори бўлмаслиги лозим.
- максимал молиялаштириш қоидаси – олдинги қоидага риоя қилинган ҳолда қарз капитали барча қўйилмалар учун тўланадиган фоиз суммаларидан ортиб кетмаслиги лозим.
- Функционал баланс ликвидлигини тахлили орқали молиявий барқарорлик қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда аниқланади:
- молиявий мувозанатни сақланиши учун стабил ресурслар – доимий капитал ва унга тенглаштирилган маблағлар стабил жойлаштирилган активларни 100 % қоплаши лозим. Нисбатни 100 % дан паст бўлиши стабил жойлашган маблағлар стабилга эга бўлмаган ресурслар билан, яъни қисқа муддатли мажбуриятлар шаклида молиялаштирилганлигини ифодалайди. Айланма активларига бўлган талаб қисқа муддатли молиялаштириш туфайли ҳисобот даври мобайнида ўзгариб туради ва бу ўзгаришлар қуйидагиларга олиб келади:
- айланма активларини ортиқча таъминланишига, бунинг натижасида вақтинчалик эркин ҳаракатдаги айланма маблағлари вужудга келади;

- айланма активлари билан етарли даражада таъмин этилмаслигига, бунинг натижасида четдан қарз маблағларини жалб этилишига;
- умумий қарздорликни баҳолаш – четдан жалб этилган қарз маблағлари ўз маблағларига нисбат кўринишидаги ифодасидир.

Корхона фаолияти мураккаб тизим ва тизилмалардан иборат бўлиб, шу туфайли унинг барқарорлигини баҳолаш коплекс тарзда ёндошган ҳолда молиявий барқарорлик кўрсаткичлари тизимидан фойдаланиш керак. Кўрсаткичлар икки гуруҳга бўлинади: мутлоқ, нисбий.

Молиявий барқарорликни мутлоқ кўрсаткичлар иштирокида аниқлаш учун ишлаб чиқариш захираларини уни ташкил этувчи манбалари, яъни ўз айланма маблағлари, банкдан олинган узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар суммалари билан таққосланади. Нисбий кўрсаткичлар фоиз, коэффициент, индекслар кўринишида ифодаланади.



13-чизма. Корхона молиявий барқарорлигини таҳлил этиш усуллари

Молиявий барқарорликни мутлоқ кўрсаткичлар иштирокида тахлил этиш учун захира ва ҳаражатларни уни қоплаш манбалари билан таққослаш лозим. Заҳира ва ҳаражатларни қоплаш манбаларини ҳолати учун манбалар бухгалтерия балансининг актив ва пассив қисмларидан олинади. Қоплаш манбалари таркибига ўз айланма маблағлари (ЎАМ), узоқ муддатли кредит ва қарзлар (УК), қисқа муддатли кредит ва қарзлар (ҚК) киради.

1. ЎЗ айланма маблағлари (ЎАМ) – Ўз капитали билан Узоқ муддатли активлар (УМА)ни таққослаш орқали хосил бўлади.

ЎАМ =ЎММ-УМА

бунда ЎММ- ўз маблағларини манбаи (ўз капитали)

2. Заҳира ва харажатларни қоплашга Ўз айланма маблағлари ва Узоқ муддатли кредит ва қарзлар (ЎУ)

ЎУ=ЎАМ+УК

бунда УК – узоқ муддатли кредит ва қарзлар

3. Заҳира ва ҳаражатларни қоплашга жами асосий манбалар (ЖМ)

ЖМ=ЎУ+ҚК

бунда ҚК – қисқа муддатли кредит ва қарзлар

15-жадвал

Молиявий барқарорликнинг типлари

Мумкин бўлган вариантлари (N)	**∆ЎАМ**	**∆ЎУ**	**∆ЖМ**	**Молиявий барқарорлик тоифалари**
1	+	+	+	Мутлоқ барқарор
2	-	+	+	Нормал барқарор
3	-	-	+	Нобарқарор
4	-	-	-	Кризис ҳолат

Молиявий барқарорликнинг тўрт тоифалари қуйидагича аниқланади:

1. Мутлоқ молиявий барқарорлик

ΔЎАМ ≥ 0

ΔЎУ ≥ 0

ΔЖМ ≥ 0

S = (1,1,1)

2. Молиявий ҳолат нормал даражада

ΔЎАМ ≤ 0

ΔЎУ ≥ 0

ΔЖМ ≥ 0

S = (0,1,1)

3. Молиявий ҳолат нобарқарор

ΔЎАМ ≤ 0

ΔЎУ ≤ 0

ΔЖМ ≥ 0

S = (0,0,1)

4. Кризис ҳолати

ΔЎАМ ≤ 0

ΔЎУ ≤ 0

ΔЖМ ≤ 0

S = (0,0,0)

Молиявий ҳолат танглигини пасайтириш ундан чиқиш учун қуйидаги манбаларни жалб этиш мумкин.

- ортиқча пул маблағлари;
- четдан жалб этилган манбалар;
- банкдан олинган кредит;
- бошқа манбалар

16-жадвал

«FAROVON» масъулияти чекланган жамиятининг молиявий барқарорлигини таҳлили

Т	**Кўрсаткичлар**	**Шартли белги**	**Йил боши**	**Йил охири**
№	**А**	**1**	**2**	**3**
1.	Ўз маблағларининг манбаи	ЎММ	3700,6	4705,3
2.	Узоқ муддатли активлар	УМА	3342,8	3889,1
3.	Ўз айланма маблағларининг мавжуд суммаси (1 сатр-2 сатр)	ЎМА	357,8	816,2
4.	Узоқ муддатли кредит ва қарзлар	УК	1092,7	1428,1

5.	Захира ва ҳаражатларни қоплашга тегишли ўз айланма маблағлари ва узоқ муддатли қарз маблағлари (3 сатр + 4 сатр)	ЎУ	1450,5	2244,3
6.	Қисқа муддатли кредит ва қарзлар	ҚК	751,6	957,6
7.	Захира ва ҳаражатларни қоплашнинг жами манбалари (5 сатр+6 сатр)	ЖМ	2202,1	3201,9
8	Заҳира ва ҳаражатлар	З	3150,0	4100,6
9.	Захира ва ҳаражатларни қоплашга ўз айланма маблағларини ортиқча (+) ёки етишмаслиги (-), (3 сатр – 8 сатр)	Δ ЎАМ	- 2792,2	- 3284,4
10.	Захира ва харажатларни қоплашга ўз айланма ва узоқ муддатли кредит ва қарз маблағларини ортиқча (+) ёки етишмаслиги (-) (5 сатр – 8 сатр)	Δ ЎУ	- 1699,5	- 1856,3
11.	Захира ва ҳаражатларни қоплашга жами манбаларнинг ортиқча (+) ёки етишмаслиги (-) (7 сатр -8 сатр)	Δ ЖМ	- 947,9	- 898,7

Ҳисобот даврида корхонанинг молиявий ҳолати барқарорликка эга эмас. Захира ва харажатларни қоплаш учун жами манбаларнинг етишмаслиги йил бошида 947,9 млн.сўмни, йил охирига келиб 898,7 млн. сўмни ташкил этган. Демак, корхона кризис ҳолатида.

Ҳозирги шароитда молиявий барқарорликни таҳлилида нисбий кўрсаткичлар энг муҳим рол ўйнайди. Бозор муносабатлари шароитида инфляция даражасининг корхона ҳисобот маълумотларига бўлган таъсири нисбий кўрсаткичлар (коэффициент, индекс, фоиз) ларда бироз қисқаради. Молиявий барқарорликни баҳолашда кўрсаткичлар йиғиндисидан эмас, балки тизимидан фойдаланиш тавсия этилади.

Кўрсаткичлар тизимининг шартлари:

- бир-бирига қарши бўлмаслик;
- бир-бирини такрорламаслик;
- корхона фаолиятида доғ қолдирмаслик;

- корхона фаолиятининг энг муҳим томонларини акс эттирилиши.

17-жадвал

Корхона молиявий барқарорлигини баҳолаш кўрсаткичларининг тизими

Т №	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш формуласи	Изоҳлаш
	А	**1**	**2**
	1. Гурух. Тўловга қодирлик кўрсаткичлари		
1.	Мутлоқ ликвидлик коэффициенти	Пул маблағлари + қиммат баҳо қоғозлар. Қисқа муддатли мажбуриятлар	Жорий мажбуриятларни ликвидлиги юқори активлар билан қопланиши
2.	Тез ликвидлик коэффициенти	Пул маб- лағлари + қисқа муд. инвес-я + Деб. қарз Қисқа муддатли мажбуриятлар	Дебиторлик қарзларни ундирган холда прогноздаги тўловга қодирлик
3.	Жорий ликвидлик коэффициенти	Жорий активлар Қисқа муддатли мажбуриятлар	Жорий мажбуриятларни айланма маблағлари билан қопланиши
4.	Соф айланма активлар	Айланма активлари – қисқа муддатли мажбуриятлар	Ўз капитали билан шаклланган айланма маблағлар миқдорини ифодалайди
	2. Гурух. Капитал структураси кўрсаткичлари		
5.	Автономия коэффициенти	Ўз капитали Баланс активи	Жами активдаги ўз маблағларининг улушини ифодалайди
6.	Доимий активлар коэффициенти	Ўз капитали + узоқ муддатли мажбуриятлар Баланс активи	Барқарор пассивлар ҳисобидан молиялаштириладиган активлар улушини ифодалайди
7.	Қарз ва ўз капитали нисбат коэффициенти	Қарз капитали Ўз капитали	Четдан жалб этилган маблағлар билан ўз ресурсларининг нисбатини ифодалайди
8.	Молиялаштириш коэффициенти	Ўз капитали Қарз капитали	Қарз капиталини қанча қисми ўз капитали билан қопланади?
9.	Соф активлар	Ҳисоблашда иштирок этадиган активлар – ҳисоблашда иштирок этадиган пассивлар	Ўз капиталининг мавжуд миқдори ва улар билан таъминланиши
10.	Захираларни қоплашдаги маблағлар манбаини ортиқча (етишмаслиги)	Маблағлар манбаини миқдори – захира миқдори	Захираларни айрим турдаги манбалар билан қопланиши
	3. Гурух. Асосий воситалар ва айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар		

11.	Айланма активларини ўз маблағлари билан қопланиш коэффициенти	Ўз айланма маблағлари Айланма активлари	Айланма активларини ўз айланма маблағлари билан қопланишдаги улуши
12.	Захираларни ўз маблағлари билан қопланиш коэффициенти	Ўз айланма маблағлари Заҳиралар	Захирани қопланишидаги ўз капиталининг улушини ифодалайди
13.	Ўз капиталининг харакатчанлик коэффициенти	Ўз айланма маблағлари Ўз капитали	Ўз капиталидаги ўз айланма маблағларининг улушини ифодалайди
14.	Айланма активларини узоқ муддатли активларга нисбат коэффициенти	Айланма активлар Узоқ муддатли активлар	Узоқ муддатли активларнинг ҳар сўмига тўғри келадиган айланма активларини ифодалайди

Корхоналарни ислоҳ қилиш ва бозор муносабатлари шароитида иқтисодий ўсишнинг зарурати туфайли хўжалик субъектларини ликвидлиги, тўловга қодирлик ва бозор фаоллигини таҳлил этиш муҳим ахамиятга эга.

Корхона баланси активидаги моддаларни пулга айланиши актив ликвидлиги, тўловга қодирлик (тўлов қобилияти) эса муддатида ва тўлиқ ҳажмда қарзлардан узулишни ифодалайди.

Тўловга қодирликнинг зарур ва муҳим шарти ликвидликдир.

“Тўловга қодирлик” сўзи кенг маънони англатади, чунки у активдаги моддаларни тез пулга айланишидан ташқари, савдо, кредит ва бошқа пул муомалалари билан боғлиқ мажбуриятларни муддатида ва тўлиқ ҳажмда бажара олиш қобилиятини ҳам ифодалайди.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг эркин фаолият юритишида банкротлик ҳолатига тушиш ва синиш хавфидан сақланиш мақсадида баланс ликвидлиги таҳлили натижаларидан фойдаланилади. Таҳлил этиш учун баланс активидаги моддаларни пулга айланиш муддати пассивидаги моддаларнинг қарзни узиш муддатлари билан таққосланади. Бундай таққослик натижасига кўра баланс активидаги моддаларни сотишидан келган тушуми корхона қарзлари (мажбуриятлари)ни узиши учун етарли бўлса баланс ликвидликка эга деб ҳисобланади.

Баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун унинг активидаги моддаларни пулга айланиш муддатлари, пассивидаги моддаларни қарзларни узиш муддатлари бўйича қуйидаги гурухларга ажратилади.

18-жадвал

Шартли белги	**Баланснинг актив ва пассив қисмлари**	**Мутлоқ миқдор, млн. сўм**		**Ўзгариши (+,-)**
		Йил боши	**Йил охири**	
A_1	Актив Доимий характдаги активлар - пул маблағлари - қисқа муддатли инвестициялар	546,7	709,3	+162,6
A_2	Тез сотилувчан активлар - дебиторлик қарзлар (муддати ўтгандан ташқари) - бошқа жорий активлар	705,0	1844,7	+1139,7
A_3	Секин сотилувчан активлар - заҳира ва ҳаражатлар - узоқ муддатли инвестициялар - шўъба хўжалик жамиятларидаги акциялар ва уларга берилган қарзлар - қарам хўжалик жамиятларидаги акциялар ва берилган қарзлар, бошқа қарзлар	3150,0	4100,6	+950,6
A_4	Қийин сотиладиган активлар - асосий воситалар - муддати ўтган дебиторлик қарзлар	3342,8	3889,1	+546,3
$П_1$	Пассив Ўта тез муддатли мажбуриятлар - кредиторлик қарзлар	2199,6	3452,7	+1253,1
$П_2$	Қисқа муддатли мажбуриятлар - қисқа муддатли кредит ва қарзлар	751,6	957,6	+206,0
$П_3$	Узоқ муддатли мажбуриятлар - узоқ муддатли кредит ва қарзлар	1092,7	1428,1	+335,4
$П_4$	Ўз капитали -ўз маблағларини манбаи	3700,6	4705,3	+1004,7

Баланс мутлоқ ликвидликка эга бўлиши учун кўрсаткичлар куйидаги кўринишга эга бўлиши керак. $A_1 \geq П_1$, $A_2 \geq П_2$, $A_3 \geq П_3$, $A_4 \leq П_4$. Юқорида келтирилган шартлардан учтаси бажарилса $A_1 \geq П_1$, $A_2 \geq П_2$, $A_3 \geq П_3$ корхонанинг жорий активлари унинг ташқи мажбуриятларидан юқорилигини ифодалайди. Бунда албатта $A_4 \leq П_4$, яъни ўз маблағларининг манбаи узоқ муддатли активлардан катта бўлади.

Айланма маблағларни молиялаштиришда ҳамон кредиторлик қарзлари салмоқли ўринни эгаллайди. Шу билан бирга қисқа муддатли кредит ва қарзлар ҳам йил охирига келиб бироз ортган. Мутлоқ кўрсаткичларга нисбатан корхона ликвидлигини баҳолашда қуйидаги нисбий кўрсаткичлар аниқ ифодалайди:

- мутлоқ ликвидлик коэффициенти;
- оралиқни қоплаш ликвидлик коэффициенти;
- жорий ликвидлик коэффициенти.

19-жадвал

Корхона ликвидлиги ва тўлов қобилиятини баҳолашдаги молиявий коэффициентлар

Кўрсаткичлар	**Иқтисодий мазмуни**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Тавсия этиладиган меъёр ва унинг аҳамияти**
Жорий ликвидлик коэффициенти	Жами қисқа муддатли мажбуриятларни қанча қисми айланма активлари билан қопланишини ифодалайди	Айланма активлари / Қисқа муддатли мажбуриятлар	1дан 2 гача, қуйи чегараси қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашга айланма маблағлари етарли бўлиши керак. Чегарани 2 дан юқори бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки мабалағлар норационал жойлашган, улардан самарасиз фойдаланилганликни ифодалайди
Оралиқни қоплаш ликвидлик коэффициенти	Дебиторлик қарзларини ундириш ҳисобига корхонани қодирлик истиқболини ифодалайди	Пул маблағлари+ Қисқа муддатли+ инвеститция Деб.қарзлар / Қисқа муддатли мажбуриятлар	0,5 дан 1гача, қуйи чегараси доимий равишда дебиторларни назорат қилиб туришни, айланма маблағларни бир қисмини мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишга етарли бўлишини таъминлаши зарур
Мутлоқ ликвидлик коэффициенти	Қисқа муддатли мажбуриятларни қанча қисми мавжуд пул маблағлари ва қисқа муддатли инвеститциялар билан қопланишини ифодалайди	Пул маблағлари + Қисқа муддатли инвеститция-лар / Қисқа муддатли мажбуриятлар	0,2 дан 0,5 гача, қуйи чегараси корхона тўлов қобилияти пасайганлигини ифодалайди

Мутлоқ ликвидлик коэффициенти тўлов қобилиятининг қатъий меъёри қисқа муддатли мажбуриятларни дарҳол мавжуд пул маблағлари билан қопланишидир. Бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, қарзни узиш кафолати шунча юқори бўлади. Оз миқдордаги маблағга эга бўлиб, пул маблағларини кирими ва чиқимини муддати ва миқдорини назорат қилиш орқали баланс ликвидлигини таъминлаган ҳолда корхона доимий равишда тўловга қодир бўлиши мумкин. Мутлоқ ликвидлик коэффициентининг, яъни пул маблағлари ва қисқа муддатли инвестицияларни қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашнинг йил боши ва йил охиридаги натижалари бироз тавсия этилган меъёрларга яқин.

Оралиқни қоплаш ликвидлилик коэффициенти жорий қарзларни қанча қисми (заҳираларсиз) дебиторлик қарзларни тўлиқ ундирилган ҳолда қоплай олишини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич даражаси 0,5 дан 1,0 гача ва ундан юқори бўлиши корхонанинг фаолият тури, жорий активларининг структураси ва дебиторлик қарзларни сифати ва бошқа молиявий кўрсаткичларнинг нисбатига: сотиш ҳажми билан айланма маблағлар, сотиш ҳажми ва дебиторлик қарзлар, айланма активлари ва қисқа муддатли мажбуриятларга боғлиқ. Дебиторлик қарзларини юқори ҳажмда ва жами маблағларда салмоқли улушга эга бўлиши корхонанинг тўловга қодирлигини амалда пасайишига олиб келади. Ликвидликни таҳлил этишда дебиторлик қарзларни миқдори ва сифатига катта эътибор қаратилади, чунки уларни тўлов манбаларига айланиши учун кетадиган вақт узоқ муддатни ташкил этади, инфляция туфайли яна қўшимча йўқотишларга дуч келади. Бизнинг мисолимизда оралиқни қоплаш ликвидлик коэффициенти йил боши ва йил охирида тавсия этилган меъёрдан кичик.

Аммо, корхона раҳбарияти дебиторлик қарзлар билан ишлашни фаоллаштириб бу шаклдаги айланма маблағларни пул шаклида муомалага киритилишини тезлаштириш орқали мол етказиб берувчилар билан бўладиган ҳисоблашишни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Жорий ликвидлик (қоплаш) коэффициенти ёки умумий қоплаш коэффициенти:

- жорий қарзларнинг қанча қисми жорий активлар билан қопланишини;
- жорий мажбуриятларнинг ҳар сўмига неча сўмлик жорий активлар (айланма маблағлар) қиймати тўғри келишини;
- жорий мажбуриятларни жами айланма маблағлари билан қопланиш даражасини ифодалайди.

Жорий ликвидлик коэффициенти корхонани чиқарган акциялари ва облигацияларини харид этган субъект ва жисмоний шахслар учун муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Акциядан олинадиган дивидендлар миқдори, облигациялардан фоизлар жорий ликвидлик коэффициенти даражасига боғлиқдир. Жорий активларни қисқа муддатли мажбуриятларга нисбатан юқори бўлиши резерв заҳирасини ҳосил қилади. Резерв заҳираси корхона зарар кўрганда қоплашга сарфланади. Бу кўрсаткични қанчалик юқори бўлиши кредиторларда қарзни узишга бўлган ишончини таъминлайди.

Жорий ликвидлик коэффициентининг меъёр кўрсаткичи 1 дан 2 гача ҳисобланади. Аммо, барча тармоқлар учун ягона меъёр белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, бу кўрсаткич даражаси корхонанинг фаолият тури, унинг тузилиши ва баланс активининг сифати, операцион жараён давомийлиги, кредиторлик қарзларни қопланиш муддатлари ва ҳ.к. ларга боғлиқ. Жорий ликвидлик коэффициенти даражасининг ҳисоб – китобига кўра ликвидлик йил боши ва йил охирида меъёр даражасида, унинг ўсиш суърати 1,08 коэффициентни ташкил этган.

Аммо, жорий ликвидлик коэффициентининг даражаси кўп жиҳатдан заҳираларни ташкил этиш манбалари узоқ муддатли мажбурият ва корхонанинг ўз капиталига боғлиқ. Унинг даражасини ошириш учун ўз капиталини манбалар билан тўлдириш, активлар ва дебиторлик қарзлар ўсишини турғун ҳолда сақлашдан иборат. Мазкур кўрсаткичдан корхона активи ликвидлигини баҳолаш ва узоқ муддатли истиқболда тўловга қодирлигини аниқлашда фойдаланилади. Айланма активларини қисқа

муддатли мажбуриятлардан икки маротаба ортиқ бўлиши корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий ҳолатини барқарор ўсиши учун замин яратади. Бунинг натижасида ишчи капитали ёки “соф айланма активи” шаклланади.

Ишчи капитали ликвид резервлари ҳисобланиб, кутилмаган ҳолларда вужудга келадиган пул тушумлари ва қарз мажбуриятлари ўртасидаги узилишлар туфайли вужудга келадиган ҳаражатларни қоплашга сарфланади. Соф ишчи капитали соф активнинг бир қисми, банк-кредиторлар учун банк кредитини корхона қайтара олмаган ҳолларда ундан гаров сифатида фойдаланадилар.

20-жадвал

Соф айланма активларини аниқлаш тартиби

Т №	**Кўрсаткичлар**	**Йил боши**	**Йил охири**	**Ўзгариши (+,-)**
1	Айланма активлари	3411,3	5550,0	+2138,7
2	Қисқа муддатли мажбуриятлар	2951,2	4410,3	+1459,1
3	Соф айланма активлари (1сатр-2сатр)	460,1	1139,7	+679,6

Жадвалда айланма активларни қисқа муддатли мажбуриятлар билан қопланишининг ҳисоб – китоби келтирилган, унинг натижасига кўра айланма активларини қисқа муддатли мажбуриятлардан ортиқчалиги йил бошида 460,1 млн. сўмни, йил охирига келиб 1139,7 млн. сўмни ташкил этган. Соф айланма активининг мутлоқ суммада динамик тарзида ўзгариши ликвидлик даражани ҳам ўзгаришига олиб келади. Бу кўрсаткич қисқа муддатли мажбуриятларни қопланишидан сўнг ҳосил бўлган ортиқча миқдорни ифодалайди. Демак, бу кўрсаткични ўсиши корхона ликвидлигини барқарорланишини ифодалайди.

Корхона молиявий барқарорлигини ифодалашдаги энг муҳим кўрсаткичлардан бири жорий активларни ўз айланма маблағлари билан қопланиш коэффициентидир. Мазкур коэффициент кўп ҳолатларга боғлиқ. Унинг миқдори ва динамикаси хусусида халқаро ҳисоб – таҳлил амалиётида

умумий тавсиялар белгиланмаган. Бизнинг мамлакатимизда бу кўрсаткичнинг нормативи 0,1.

Демак, корхона баланси тузилиши қониқарли, молиявий барқарорликка эришиш учун жорий активларни 10 фоизини ўз айланма маблағлари ташкил этиши зарур.

3.3. Корхона фаолиятининг даромадлари, ҳаражатлари ва молиявий натижаларини комплекс таҳлили

Корхонанинг даромад ва ҳаражатларини комплекс таҳлил этишдан асосий мақсад, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати, унинг даромад, харажат, фойда ва зарарлари таркибидаги структуравий ўзгаришлари тўғрисида аниқ ва ишончли маълумотларга эга бўлишдан иборат.

Таҳлил этувчини асосан корхонанинг жорий йилдаги молиявий ҳолати, яқин йилларга мўлжалланган режаси, ҳамда узоқ муддатларга мўлжалланган корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи параметрлари кўпроқ қизиқтиради.

Даромад ва харажатлар таҳлили учун маълумотлар шакл-2 “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”да акс этади. Ўтган йил ва ҳисобот йилларига тегишли барча даромад ва ҳаражатлар бу молиявий ҳисобот шаклида ифодаланган.

Шакл-2 маълумотлари асосида динамика тарзида даромад ва ҳаражатлар таркиби, структураси, уларнинг ўтган йилларга нисбатан ўзгариши, ҳамда даромадлардан самарали фойдаланиш, ҳаражатларни мақсадга мувофиқ йўналиши таҳлил этилади.

21-жадвал

«FAROVON» масъулияти чекланган жамиятининг даромадини таркиби, тузилиши ва динамикасини таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йил		Ҳисобот йили		Ўзгариши (+,-)	
	сумма, млн. сўм	жамига нисбатан, %	сумма, млн. сўм	жамига нисбатан, %	млн. сўм (гр3-гр1)	улуши (гр4-гр2)
А	**1**	**2**	**3**	**4**	**5**	**6**
Махсулот (иш, хизмат)лар сотишдан келган тушум	4547,8	89,53	6548,9	94,10	+2001,1	+4,57
Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар	279,5	5,50	221,2	3,18	-58,3	-2,32
Олинган дивидендлар	0,2	-	3,8	0,05	+3,6	+0,05
Олинган фоизлар	5,7	0,11	7,2	0,10	+1,5	-0,01
Валюта курси фарқидан кўрилган даромад	139,6	2,75	90,3	1,30	-49,3	-1,45
Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар	105,5	2,08	88,5	1,27	-17,0	-0,81
Фавқулодда даромад	1,6	0,03	-	-	-1,6	-0,03
Жами даромадлар	5079,9	100	6959,9	100	+1880,0	-

Жадвал маълумотлари асосидаги хулоса шуни кўрсатадики, корхонада жами даромад манбалари ўтган йилга нисбатан 1880,0 млн. сўм ёки 37,0% (1880,0 * 100 : 5079.9) га ортган. Жами даромад таркибидаги маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан келган тушум салмоғи ўтган йилдаги 89,53% дан ҳисобот йилига келиб 94,10%га қадар кўтарилган, ўсиш мутлоқ суммаларда 2001,1 млн. сўмни ташкил этган. Даромадлар таркибидаги олинган дивидендлар, фоизлар миқдори ҳам ўтган йилга нисбатан 5,1 млн. сўм (3,6+1,5)га ортган. Даромадни ташкил этувчи бошқа манбалардан тушум мутлоқ суммаларда, ҳамда нисбий кўрсаткичларда ўтган йилга нисбатан пасайиши рўй берган.

22-жадвал

«FAROVON» масъулияти чекланган жамиятининг ҳаражатларини таркиби, тузилиши ва динамикасини таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йил		Ҳисобот йили		Ўзгариши (+,-)	
	сумма, млн. сўм	жамига нисбатан, %	сумма, млн. сўм	жамига нисбатан, %	млн. сўм (гр3-гр1)	улуши (гр4-гр2)
А	1	2	3	4	5	6
Сотилган махсулот (иш ва хизмат)ларнинг таннархи	2865,5	56,77	4449,0	64,99	+1583,5	+8,22
Давр ҳаражатлари	435,9	8,64	572,5	8,36	+136,6	-0,28
Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларини ҳаражатлари	535,4	10,61	440,9	6,44	-94,5	-4,17
Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги ҳаражатлар	120,3	2,38	164,0	2,39	-43,7	+0,01
Валюта курси фарқидан зарарлар	857,4	16,99	874,3	12,77	+16,9	-42,2
Молиявий фаолият бўйича бошқа ҳаражатлар	25,3	0,50	18,3	0,26	-7,0	-0,24
Фавқулодда зарарлар	-	-	-	-	-	-
Даромад (фойда) солиғи	193,4	3,83	279,8	4,08	+86,4	+0,25
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	14,5	0,28	48,5	0,71	+34,0	0,43
Жами ҳаражатлар	5047,7	100	6847,3	100	+1779,6	-

Корхона ҳаражатлари ўтган йилга нисбатан 1779,6 млн. сўм ёки 35,6%га ошган. Сотилган маҳсулот, бажарилган иш ва ҳизматлар таннархини жами ҳаражатларда тутган салмоғи 56,77%дан 64,99%га қадар кўтарилган. Валюта курсини ўгзаришидан кўрилган зарарларни улуши эса йил бошидаги 16,99% дан ҳисобот даврига келиб 12,77%гача қисқарган бўлсада, аммо мутлоқ суммада 16,9 млн. сўмга ўсиш кузатилган. Худди шундай ҳолат давр ҳаражатларида ҳам рўй берган.

Сотилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳар сўмига тўғри келадиган харажат ўтган йил 63,1 тийин (2865,5:4547,8) ни ҳисобот даврига келиб 67,9 тийинни ташкил этган. Демак, маҳсулот таннархи ҳисобот даврида ошган. Давр ҳаражатларини ўсиши (131,3%) га нисбатан сотиш ҳажмини юқори суръатда ўсиши (144,0 %) давр ҳаражатларидан нисбий иқтисодга эришишга олиб келган. Сотилган маҳсулот тушумининг ҳар

сўмига тўғри келадиган давр ҳаражатлари ўтган йил 9,6 тийин, ҳисобот йилида 8,7 тийинни ташкил этган.

23-**жадвал**

Корхона даромади кўрсаткичларидан фойдаланиш динамикасини таҳлили

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+,-)	Ўсиш суръати, %
	А	1	2	3	4
1	Даромад (Д)	5079,9	6959,9	+1880,0	137,0
2	Ҳаражат (Х)	5047,7	6847,3	+1799,6	135,6
3	Фойда (зарар)(сатр.1-сатр.2)Р	32,2	112,6	+80,4	349,7
4	Баланс активининг ўртача йиллик қиймати (А)	7744,5	10543,7	+2799,2	136,1
5	Сотишдан келган тушум (N)	4547,8	6548,9	+2001,1	144,0
6	Баланс активининг рентабеллик даражаси, %(сатр.3:сатр.4) (f)	0,414	1,067	+0,653	257,7
7	Сотишдан кўрилган рентабеллик даражаси, % (сатр.3:сатр.5) (Х)	0,708	1,719	+1,011	242,8
8	Даромадни айланиш коэффициенти ёки даромадни ҳар сўмига тўғри келадиган тушум (сатр.5:сатр.1) (у)	0,8952	0,9409	+0,0457	105,1
9	Баланс активининг ҳар сўмига тўғри келадиган даромад-даромадлилик коэффициенти (сатр.1:сатр.4) (Z)	0,656	0,660	+0,004	100,6
10	Ҳаражатларнинг ҳар сўмига тўғри келадиган даромад (сатр.1:сатр.2) (Р)	1,0064	1,0164	+0,0100	101,1

Корхонанинг даромад ва ҳаражатларини таркиби, структурасини таҳлил этиш услуби амалиётда кенг қўлланилади, унинг натижалари эса аҳамиятга моликдир. Таҳлилни янада чуқурлаштириш мақсадида молиявий таҳлилда кенг қўлланиладиган коэффициентлар орқали жадвал 9.1.3 маълумотлари асосида маблағлар (ҳаражатлар)дан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини баҳолаш лозим. Жадвалдаги даромад ва ҳаражатларнинг ўсиш суръатлари бир – бирига яқин. Маҳсулот ҳажмининг ўсиши 144,0 фоизни ташкил этиб, даромад ҳаражатларникига нисбатан юқори бўлган.

Номлари юқорида келтирилган кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларини юқори даражада бўлиши баланс активининг рентабеллигини 0,414 дан 1,067% гача, сотишдан кўрилган рентабелликни 0,708% дан 1,719% гача, баланс активининг ҳар сўмига тўғри келадиган даромад миқдорини 65,6 тийиндан 66 тийинга қадар кўтарилишини таъминлаган. Жами даромаддаги маҳсулот сотишдан келган ту-шум улуши 89,52% дан 94,09% гача кўтарилган. Бунга сабаб даромадни шаклланишида асосан маҳсулотни сотишдан келган тушумни юқори суръатда ўсишидир.

Баланс активининг рентабеллик даражасига таъсир этувчи омилларни чуқурроқ таҳлил этамиз. Баланс активининг рентабеллик даражасига қуйидаги омиллар таъсир этади:

1. Сотишдан кўрилган рентабеллик (P/N)
2. Даромаднинг ҳар сўмига келадиган тушум (N/Д)
3. Баланс активининг ҳар сўмига тўғри келадиган даромад (Д/А)

Омиллар формула шаклида қуйидагича ифодаланади:

$$P_A = \frac{P}{N} \bullet \frac{N}{D} \bullet \frac{D}{A}; \text{ ёки } f=xyz$$

Рентабеллик даражасига ҳар бир омилнинг таъсири юқорида келтирилган формула асосида қуйидагича аниқланади:

$$\Delta f(x) = \Delta x \bullet y^0 \bullet z^0$$

$$\Delta f(y) = x^1 \bullet \Delta y \bullet z^0$$

$$\Delta f(z) = x^1 \bullet y^1 \bullet \Delta z$$

$$\Delta f = \Delta f(x) + \Delta f(y) + \Delta f(z)$$

Жадвал 9.1.3 да келтирилган маълумотлар асосида (x,y,z) омилларининг баланс активини рентабеллик даражасининг ўзгариши +0.653 га бўлган таъсирини аниқлаймиз.

$$\Delta f(x) = +1{,}011 \bullet 0{,}8952 \bullet 0{,}656 = +0{,}594\%$$

$$\Delta f(y) = 1{,}719 \bullet (+0{,}0457) \bullet 0{,}656 = +0{,}052\%$$

$$\Delta f(z) = 1{,}719 \bullet 0{,}9409 \bullet (+0{,}004) = +0{,}007\%$$

Омиллар йиғиндиси: +0,594 + 0,052 + 0,007= + 0,653

Демак, баланс активининг рентабеллик даражасини ортиши сотишдан кўрилган рентабеллик, даромадни ҳар сўмига тўғри келадиган тушумнинг ҳамда даромадлилик коэффициентини ортиши билан изоҳланади.

Корхонанинг ҳаражат кўрсаткичларини таҳлил этиш ва уни баҳолаш учун жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланамиз.

24-ж**адвал**

Корхона ҳаражатлари кўрсаткичлари динамикасини таҳлили

Т №	**Кўрсаткичлар**	**Ўтган йил**	**Ҳисобот йили**	**Ўзгариши (+,-)**	**Ўсиш суръати, %**
	А	**1**	**2**	**3**	**4**
1	Даромад (Д)	5079,9	6959,9	+1880,0	137,0
2	Ҳаражат (Х)	5047,7	6847,3	+1799,6	135,6
3	Солиқ тўлагунга қадар фойда (Р)	208,0	328,4	+120,4	157,8
4	Сотишдан келган тушум (N)	4547,8	6548,9	+2001,1	144,0
5	Ҳаражатлар рентабеллик даражаси, %(сатр.3:сатр.2) (f)	4, 12	4, 79	+0,67	116,2
6	Сотишдан кўрилган рентабеллик даражаси, % (сатр.3:сатр.4) (х)	4,57	5,01	+0,44	109,6
7	Даромадни ҳар сўмига тўғри келадиган тушум (сатр.4:сатр.1) (у)	0,8952	0,9409	+0,0457	105,1
8	Ҳаражатларнинг ҳар сўмига тўғри келадиган даромад (сатр.1:сатр.2) (z)	1,0064	1,0164	+0,0100	101,0

Корхонада ҳаражат рентабеллиги 0,64% дан ҳисобот даврига келиб 1,64% га қадар кўтарилган. Даромадларни ўсиш суръати 137,0% ҳаражатларникига нисбатан (135,6%)юқори бўлишини ижобий баҳолаш мумкин . Даромад ва ҳаражат ўртасидаги бундай нисбатни сақланиши ҳаражатларни ҳар сўмига тўғри келадиган даромад миқдорини ўтган йилдаги 1,0064 дан ҳисобот даврига келиб 1,0164 гача кўтарилишини, ўсиш суръати 101,0% ташкил этишини таъминлади.

Умуман рентабеллик даражасини ифодаловчи кўрсаткич – сарфланган ҳаражат рентабеллиги (+0,67%)га таъсир этувчи омилларни қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$\frac{P}{X} = \frac{P}{N} \bullet \frac{N}{D} \bullet \frac{D}{X};$$ ёки f=xyz

Омиллар таъсирини занжирли боғланиш методини қўллаган ҳолда мутлоқ фарқ усули орқали қуйидагича аниқлаш мумкин.

$$\Delta f(x) = \Delta x \bullet y^0 \bullet z^0 = +0{,}44 \bullet 0{,}8952 \bullet 1{,}064 = +0{,}39\%$$

$$\Delta f(y) = x^1 \bullet \Delta y \bullet z^0 = 5{,}01 \bullet (+0{,}0457) \bullet 1{,}0064 = +0{,}23\%$$

$$\Delta f(z) = x^1 \bullet y^1 \bullet \Delta z = 5{,}01 \bullet 0{,}9409 \bullet (+0{,}0100) = +0{,}05\%$$

$$\Delta f = \Delta f(x) + \Delta f(y) + \Delta f(z) = +0{,}39 + 0{,}23 + 0{,}05 = +0{,}67\%$$

Хўжалик юритувчи субъектнинг даромади, ҳаражатлари ва молиявий натижалари мавжуд ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни реализация қилишда иштирок этувчи ресурслар таркибига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш ходимлари (R);
- асосий ишлаб чиқариш фондлари (F);
- моддий ресурслар (M);
- молиявий натижалар (фойда) (P).

Ресурслардан фойдаланишни комплекс баҳолаш учун кўрсаткичларни ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари зарурдир.

Хўжалик субъектлари фаолиятини комплекс баҳолаш тизимида фойда муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқариш, инвестиция, молиявий ва ташқи иқтисодий фаолият натижалари ўз аксини фойдада топади. Фойда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бюджетнинг даромад қисмини тўлдириш, корхонада ишловчиларнинг моддий жиҳатдан рағбатлантиришнинг асосий манбаи ҳисобланади.

“Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда пухта ўйланган, биринчи навбатда солиқ

юкини камайтиришга қаратилган солиқ сиёсатининг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади”[6].

2000-2007 йиллар мобайнида даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, яъни фермерлар учун ягона солиқ 10 фоизга (2008 йилдан 8 фоизга) туширилди.

Биргина 2007 йилда республикамиздаги хўжалик субъектлари солиқ имтиёзлари берилиши ҳисобидан ўз молиявий ресурсларини қўшимча равишда 830 млрд. сўмга тўлдиришга эришдилар.

Фойда иқтисодий категория, унинг умумий моҳияти қуйидагича ифодаланади:

- фирма, компания, корхоналарнинг қисқа ва узоқ муддатли ривожланишининг асосий манбаи;
- кредитга лаёқатлигини ифодаловчи кўрсаткич ;
- мулк эгасининг асосий мақсади;
- рақобатга бардошликнинг мезони;
- ижтимоий - эҳтиёжларни қондиришнинг манбаи;

Молиявий натижалар (фойда ёки зарар) га оид маълумотлар 2-сонли шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” да акс этган.

Бу ҳисобот шаклининг асосий кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум.
2. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан кўрилган ялпи фойда.
3. Асосий фаолиятнинг фойдаси.
4. Молиявий фаолиятдан кўрилган даромад (зарар).
5. Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари).
6. Фавқулодда фойда (зарар).

[6]Президент Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишларга бағишланган Вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси 13 феврал 2007 й.

7. Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар).
8. Соф фойда

Даромад ва ҳаражатларни бу тарзда таркибланиши орқали:

- ишлаб чиқариш ҳаражатларини бошқа ҳаражатлардан фарқлаш ва корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигига баҳо бериш;
- молиявий, бошқарув юзасидан операцион ҳаражатларни бошқа ҳаражатлардан фарқлаш;
- корхона даромадларини юзага келиши ёки шаклланиши бўйича алоҳида таркиблаш (асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ҳамда фавқулодда ҳолатлардан) имкони туғилади.

“Маҳсулот (иш, хизмат) лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ фойданинг қуйидаги шакллари мавжуддир.

1. “Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси.
2. Асосий фаолиятнинг фойдаси.
3. Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси.
4. Даромад (фойда) солиқни тўлагунга қадар фойда.
5. Ҳисобот даврининг соф фойдаси.

Фойда мулк шаклидан қатъий назар барча корхоналар фаолиятини баҳолаш кўрсаткичи ва рағбатлантириш манбаидир.

Шу туфайли фаолиятни обьектив баҳолаш учун фойда таркиби, тузилиши, уни ташкил этувчи элементларини динамик тарзда чуқур ўрганмоқ лозим.

Фойда нафақат маҳсулот бирлиги учун қилинган ҳаражатларни қисқартириш, балки маҳсулот сотиш ҳажмини белгиланган ассортиментда ортиши, талаб ва эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда юқори рентабелликка эга маҳсулот турларини кўпроқ ишлаб чиқаришга эришишга ҳам боғлиқдир.

14-чизма. Фойдани шаклланиши

Шу боис корхона фаолиятининг барча томонларини ифодаловчи кўрсаткичлар билан узвий боғланган ҳолда фойда комплекс тарзда таҳлил этилиши мақсадга мувофиқдир. Фойда миқдорини таҳлил этишда горизонтал ва вертикал таҳлил методлари муҳим ўрин тутади.

25-жадвал

Фойдани горизонтал таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Ҳисобот йили – ўтган йилга нисбатан, %
Махсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	4547 ,8	6548,9	144,0
Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат) таннархи	2865,5	4449	155,2
Ялпи фойда (1 сатр-2 сатр)	1682,3	2099,9	124,8
Баланс активи	7744,5	10543,7	136,1
Давр харажатлари	435,9	572,5	131,3
Соф фойда	32,1	112,6	350,8

Горизонтал таҳлил натижалари асосидаги хулосалар:

- тушумнинг ўсиш суръати (1,44) ни баланс активининг ўсиш суръати (1,36) га нисбатан юқори бўлиши баланс активи айланишининг тезлашишига, самарадорлигини ортишига олиб келган;
- соф фойда (3,508)ни, ялпи фойда (1,248) га нисбатан ўсиш суръатини юқори бўлиши корхонада солиқ сиёсати рационал тарзда ташкил этилганлигини ифодалайди;
- сотишдан келган тушумнинг (1,44) ўсиш суръатини ялпи фойда (1,248) га нисбатан юқори даражада бўлиши ишлаб чиқариш ҳаражатларини ортиб кетишига олиб келган;
- сотишдан келган тушумнинг давр харажатларига нисбатан юқори суръатларда ўсиши давр харажатларидан нисбий иқтисодга 55,1 млн.сўм (572,5-435,9. 1,440) олиб келган.

Вертикал таҳлил орқали фойда турлари таркибидаги структуравий ўзгаришларга баҳо берилади. Фойда солиғи тўлагунга қадар фойдага нисбатан ялпи фойда, давр харажатлари, асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан кўрилган даромад, асосий фаолиятнинг фойдаси, молиявий фаолият бўйича даромад ва харажатлар, умумхўжалик фаолиятининг фойдаси, фавқулодда фойда ва зарарларнинг тутган улушлари ўтган йилдаги маълумотлар билан таққосланади ва тегишли хулоса қилинади.

26-жадвал

Умумий молиявий натижаларнинг таркиби, тузилиши ва динамикасини таҳлили

Т №	Кўрсаткичлар	Ўтган йил		Ҳисобот йили		Ўзгариши	
		млн. сўм	солиқ тўлагунга қадар фойдага нисбатан, %	млн. сўм	солиқ тўлагунга қадар фойдага нисбатан, %	млн. сўм	Ўтган йил-ги солиқ тўлагунга қадар фойдага нис-батан, %
	А	1	2	3	4	5	6
1	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан кўрилган ялпи фойда	1682,3	700,7	2099,9	476,1	+417,6	+173,9
2	Давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар	-691,8	-288,1	792,2	-179,6	-100,4	-41,8
3	Асосий фаолиятнинг фойдаси (1сатр ± 2 сатр)	990,5	412,6	1307,7	296,5	+317,2	+132,1
4	Молиявий фаолият бўйича даромад (+) ва ҳаражатлар (-)	-752	-313,3	-866,7	196,5	-114,7	-47,7
5	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (3 сатр+4 сатр)	238,5	99,3	441	100	+202,5	+84,4
6	Фавқулодда фойда (+) ёки зарар (-)	+1,6	+0,7	-	-	-1,6	-0,7
7	Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (5 сатр ± 6 сатр)	240,1	100	441	100	+200,9	+83,7
8	Фойдадан солиқ ва бошқа ажратмалар	208	86,6	328,4	74,5	+120,4	+50,1
9	Соф фойда (7 сатр – 8 сатр)	32,1	13,4	112,6	25,5	+80,5	+33,6

Корхона ҳисобот даврида фойданинг барча шакллари бўйича ўтган йилга нисбатан ўсишга эришган. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан кўрилган ялпи фойда ўтган йилга нисбатан 417,6 млн. сўмга ортган. Ўсиш суръати 124,8 (2099.100: 1682,3) фоизни ташкил этган. Шу давр мобайнида асосий

фаолиятдан кўрилган фойда миқдори 1307,7 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 132,0 фоизга қадар кўтарилган. Корхонада фойдани янада ошириш имкониятлари мавжуд. Масалан, Давр харажатлари, асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан кўрилган даромад (сальдоси) ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада 100,4 млн. сўмга ёки 45,1 фоизга ортган. Молиявий фаолиятдан кўрилган зарар ўтган йили 752,0 млн. сўмни ташкил этиб ҳисобот йилига келиб 866,7 млн. сўмга қадар кўтарилган, ўсиш суръати 151,2 фоизни ташкил этган. Солиқ тўлагунга қадар фойда миқдори ўтган йилга нисбатан 200,9 млн. сўм 83,6 фоиз)га ўсган ҳолда, фойдадан солиқ ва ажратмалар 120,4 млн. сўм ёки 57,8 фоизни ташкил этиб, соф фойдани 80,5 млн.сўмга ортишини таъминлади.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асосга ва “Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар” номли 2-сон БҲМС да белгиланишига, даромадлар, ҳисобот даври мобайнида, активларнинг кўпайиши ёки мажбуриятларини қисқариши кўринишида иқтисодий фойдаларнинг кўпайишидир, улар ўз капиталининг кўпайишига олиб келади, бундан ўз капитали эгалари томонидан қўйилмалар билан боғлиқ кўпайишлар мустасно.

Даромадлар турли активларнинг кўпайиши кўринишида юзага келади; булар нафақат пул маблағлари, балки, реализация қилинаётган товарлар ва хизматларнинг ўрнига олинган товарлар ва хизматлар ҳам бўлиши мумкин; агар товарлар ва хизматлар ҳақи харидор томонидан тўлиқ тўланмаган бўлса, бундай холларда, дебиторлик қарзлари ҳам бўлиши мумкин. Даромадлар, шунингдек, мажбуриятларни камайтириш кўринишида олиниши мумкин, бу эса корхонанинг капиталига активларнинг кўпайиши каби таъсир кўрсатади. Корхонанинг даромадлари ва ҳаражатлари ҳисоби, молиявий натижаларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳисобварақлар режасининг сўнгги, тўққизинчи бўлимида, 9000-9900- сон ҳисобварақларда амалга оширилади.

Мазкур ҳисобварақлар транзит (вақтинчалик) ҳисоб варақлардир, ҳисобот ойининг охирига бориб уларнинг барчаси (бундан 92 – ҳисобварақ

мустасно) якуний молиявий натижани аниқлаш 9910-ҳисобварақ билан ёпилади, унинг сальдоси кейин 8710- “Ҳисобот даврининг тақсимланган фойдаси (қопланмаган зарари)” ҳисобварағига ўтказилади. Бухгалтерия ҳисоботида акс этган қуйидаги ҳаражат маълумотларига эътибор қаратилмоғи лозим.

Ҳисоботларда одатдаги хўжалик фаолиятининг бориши чоғида юзага келувчи ҳаражатлардан ташқари, келгусида бирор бир иқтисодий манфаатларни ҳосил қилмайдиган ҳаражатлардан ташкил топган зарарлар ҳам бўлиши мумкин. Уларга қуйидаги уччала мезонлардан бирига жавоб берувчи ҳаражатлар киритилади:

- келгусида маълум бир даромадларни келтириб чиқармайдиган;
- активлар сифатида тан олиб бўлмайдиган (келгуси даврлар даромадлари ёки олдиндан тўланган бошқа ҳаражатларга ўхшаш);
- ташкилот балансида мол-мулкнинг ўсишига киритиш мумкин бўлмаган.

Даромадлик, фойдалилик бир хил маънога эга эмас. Айрим иқтисодга оид манбаларда даромадлик, фойдалилик мазмун жиҳатдан бир деб қаралади. Масалан, корхонанинг маълум даврдаги жами даромади, соф фойдасини баланс активига нисбати бир хилда номланмайди.

$$Актив\ даромадлиги = \frac{\sum даромад}{A}$$

$$Баланс\ активи\ рентабеллиги\ (P_A) = \frac{СФ \cdot 100\%}{A}$$

27-жадвал

Корхона активи, капитали, мажбуриятлари даромадлиги ва рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш усули

Т №	Кўрсаткич номи	Бухгалтерия ҳисоботи шакли маълумотлари асосида ҳисоблаш тартиби
1	Баланс активи даромадлик коэффициенти, (dak)	$d_{ak} = \frac{\sum Даромад\,(шакл\,№2)}{Активнинг\ ўртача\ йиллик\ киймати} = \frac{\sum Дар}{A}$
2	Хусусий капитал даромадлик	$d_{хк} = \frac{\sum Даромад\,(шакли\,№2)}{Хусусий\ капиталнинг\ ўртача\ йиллик\ киймати} = \frac{\sum Дар}{ХК}$

	коэффициенти, (dxk)	
3	Қарз капитали даромадлик коэффициенти, (dқк)	$d_{кк} = \frac{\sum Даромад\,(шакл №2)}{Карз\,капиталининг\,ўртача\,йиллик\,киймати} = \frac{\sum Дар}{КК}$
4	Соф актив даромадлик коэффициенти, (dca)	$d_{са} = \frac{\sum Даромад\,(шакл №2)}{Соф\,активнинг\,ўртача\,йиллик\,колдиги} = \frac{\sum Дар}{СА}$
5	Баланс активининг рентабеллик коэффициенти, (Рак)	$P_{ак} = \frac{Солик\,тўлагунга\,кадар\,фойда}{Активнинг\,ўртача\,йиллик\,киймати} = \frac{Ф\,солик\,ТК}{А}$
6	Хусусий капитал рентабеллик коэффициенти, (Рхк)	$P_{хк} = \frac{Соф\,фойда}{Хусусий\,капиталнинг\,ўртача\,йиллик\,киймати} = \frac{СФ}{ХК}$
7	Қарз капиталининг рентабеллик коэффициенти, (Рқк)	$P_{кк} = \frac{Соф\,фойда}{Карз\,капиталининг\,ўртача\,йиллик\,киймати} = \frac{СФ}{КК}$
8	Соф актив рентабеллик коэффициенти, (Рса)	$P_{са} = \frac{Соф\,фойда}{Соф\,активнинг\,ўртача\,йиллик\,киймати} = \frac{СФ}{СА}$

Жадвал келтирилган рентабеллик турларидан ташқари қуйидаги рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш, уларни ўзгаришига таъсир этувчи омилларини ҳисоблаш комплекс иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сотишдан кўрилган рентабеллик, % =

$$= \frac{Сотишдан\,кўрилган\,ялпи\,фойда}{Махсулот\,сотишдан\,соф\,тушум} x100\% = \frac{ФN}{N} \cdot 100\%$$

Қилинган ҳаражат қайтими, % =

$$= \frac{Сотишдан\,кўрилган\,ялпи\,фойда}{Сотилган\,махсулот\,таннархи} x100\% = \frac{ФN}{СМТ} \cdot 100\%$$

Жами даромадга нисбатан рентабеллик, % =

$$= \frac{Соф\,фойда}{Жами\,даромад} x100\% = \frac{СФ}{\sum Даромад} \cdot 100\%$$

Жами ҳаражатга нисбатан рентабеллик, % =

$$= \frac{Со\,фойда}{Жами\,харажат} x100,\% = \frac{СФ}{\sum Харажат} \cdot 100\%$$

Маҳсулот бирлигини рентабеллиги,% =

$$= \frac{\begin{pmatrix} Махсулот - Махсулот \\ бахоси \qquad таннархи \end{pmatrix}}{Махсулот\,бирлигини\;бахоси} x100\% = \frac{Ф}{Б} 100\%$$

Жадвалда акс этган корхона баланси активи, капитали ва мажбуриятларини даромадлик, рентабеллик кўрсаткичларини комплекс бахолаш тизимини динамик шаклда бир – бири билан таққослаш орқали натижавий кўрсаткичларни экстенсив ва интенсив омиллар эвазига ўзгариш натижаларини қуйидаги жадвалда акс эттирамиз.

28-жадвал

Т №	**Кўрсаткичлар**	**Коэффициентларни ўсиш (пасайиш) суръатлари, %**
1	Баланс активи даромадлик динамикаси коэффициенти	1,031
2	Ўз капитали даромадлик динамикаси коэффициенти	1,026
3	Қарз капитали даромадлик динамикаси коэффициенти	1,022
4 5	Соф актив даромадлик коэффициенти $K_j даромад = \sqrt[4]{\Pi\omega} = \sqrt[4]{1{,}031 \cdot 1{,}026 \cdot 1{,}022 \cdot 1{,}018} =$ $= \sqrt[4]{1{,}101} = 1{,}024 \cdot 100 = 102{,}4\%$	1,018 102,4%
6	Баланс активи рентабеллик динамикаси коэффициенти	1,021
7	Ўз капитали рентабеллик динамикаси коэффициенти	1,018
8	Қарз капитали рентабеллик динамикаси коэффициенти	1,016
9	Соф актив рентабеллик коэффициенти $K_j рент = \sqrt[4]{\Pi\omega} = \sqrt[4]{1{,}021 \cdot 1{,}018 \cdot 1{,}016 \cdot 1{,}014} =$ $= \sqrt[4]{1{,}107} = 1{,}026 \cdot 100 = 102{,}6\%$	1,014 102,6%
9.1	$K_{экст} = \frac{\Delta K_j дар - д;\%}{\Delta K_j рент,\%} = \frac{+2{,}4}{+2{,}6} = 0{,}92 \cdot 100 = 92\%$	+92%
9.2	$K_{инт} = 1 - 0{,}92 = 0{,}08 \cdot 100 = 8\%$	8%

Жадвал маълумотлари асосида баланс активи капитали ва мажбуриятларини даромадлиги ва рентабеллигини комплекс баҳолаш натижалари шуни кўрсатадики даромадлик динамикасини комплекс кўрсаткичи $(K_j даромад = 102{,}4\%)$, рентабеллик динамикасини комплекс кўрсаткичи $(K_j рент = 102{,}6\%)$ даражасидан бироз пастроқ. Ресурслардан экстенсив фойдаланиш коэффициенти 92%, интенсив фойдаланиш (рентабеллик) коэффициенти 8% ни ташкил этган.

Демак, ресурслардан фойдаланиш рентабеллигини 92% га қадар кўтарилиши асосан корхона даромадини ортиши билан, фақат 8% эса соф фойдани ўсиши билан изоҳланади.

Х У Л О С А

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида мулкчиликнинг хилма-хил шаклларининг вужудга келиши ҳамда хўжалик юритишнинг замонавий усулларининг жорий этилиши барча корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилни ташкил этиш борасида талайгина муаммоларни вужудга келтирди. Бугунги куннинг талаби нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектларда комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил этиш борасидаги муаммоларни бартараф этиш ҳамда бу борадаги ишларни такомиллаштиришга қаратилмоқда.

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш ўзининг тамойиллари ва функцияларига таянади. Бошқариш фаолиятини амалга ошириш қўйидаги функцияларига таянган ҳолда амалга оширилади:

- бошқаришни ахборот билан таъминлаш (тўплаш, қайта ишлаш, иқтисодий воқеа ва ҳодисалар туғрисидаги ахборотларни тартибга солиш);
- иқтисодий таҳлил қилиш;
- режалаштириш ва прогнозлаш (иқтисодий ҳодисаларни жорий ва истиқболли режалаштириш);
- мувофиқлаштириш;
- ташкил қилиш;
- Хисобга олиш;
- назорат қилиш (режаларни ва бошқаришга оид қарорларни амалга оширилишини назорат қилиш).

Магистрлик диссертациясида корхоналарда комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ва унда фойдаланиладиган ахборот манбаларини ўрганишни ривожлантириш масалалари атрофлича изоҳланган.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида корхоналар фаолиятини самарали бошқаришда иқтисодий таҳлил муҳим рол ўйнамоқда. Шу сабабли ҳам иқтисодий таҳлилни тўғри ташкил этиш ва

ундаги маълумортлардан самарали фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади. Айниқса бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхоналар ўз фаолиятларини тўғри бошқаришлари учун комплекс таҳлил ишларини юқори савияда ташкил этишга ва таҳлилда фойдаланиладиган маълумотлар сифатини оширишга ҳаракат қилишмоқда.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил этиш борасидаги муаммолар ва уларни баратараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Магистрлик диссертацияси иши натижалари юзасидан қуйидаги хулосаларимизни баён қилиб ўтамиз:

Биринчидан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхоналарда комплекс иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этишнинг аҳамияти ва зарурияти ўрганилди. Унга мувофиқ, ҳар бир корхона ўз фаолиятини доимий ва мунтазам равишда комплекс таҳлил этишни ташкил қилиши мақсадга мувофиқлиги асосланди;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида комплекс иқтисодий таҳлилнинг ўтказилиши ва ривожланиш тарихи ўрганилди. Республикамизда таҳлилнинг ривожланиш босқичлари ва даврларига баҳо берилди ҳамда иқтисодий таҳлил асосан мустақиллик йилларида жуда тез ривожланди;

Учинчидан, корхоналарда копмлекс иқтисодий таҳлилни ташкил этиш босқичлари назарий ва услубий жиҳатдан ўрганилди. Таҳлилнинг ҳар бир босқичида амалга ошириладиган ишлар ҳажмига баҳо берилди;

Тўртинчидан, корхоналарда комплекс иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этишга оид маълум меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш зарурияти юзага келган деб ҳисоблаймиз. Чунки, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этишга оид қонунчилик нормалари мавжуд бўлгани ҳолда иқтисодий таҳлилни ташкил этишга оид қонунчилик нормалари шаклланмаган;

Бешинчидан, корхоналарнинг маълумотларини комплекс ўрганишни ташкил этиш орқали уларнинг махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш хажмларини, мехнат ресурслари билан таъминланганлигини, моддий ресурслари таркиби ва тузилишини, махсулотлар ишлаб чиқариш таннархини, активлари ва пассивлари тўғрисидаги маълумотларни, таркибий тузилиши ва динамик ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотларни, молиявий натижаларнинг шаклланиши тўғрисидаги маълумотларни, асосий воситалар ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни, хусусий капитал ҳаракатини баҳолаш мумкин бўлади.

Магистрлик диссертациясида юқоридаги хулосалар билан бир қаторда таклифлар ҳам ишлаб чиқилган бўлиб булар қуйидагилардан иборат:

1. Хўжалик субъектининг бухгалтерия баланси комплекс иқтисодий таҳлилнинг энг асосий ахборот манбаи эканлигини хисобга олиб уни миллий стандартлар асосида юритилишини ташкил этиш ва халқаро сифат нормаларига етказиш, баланс маълумотлари асосида хўжалик субъектининг молиявий ҳолатини баҳолаш лозим. Бунда таҳлил услубларидан кенг фойдаланиш, баъзи услубларни эса такомиллаштириш талаб этилади.

2. Корхоналарда комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида махсус “Иқтисодий таҳлил” бўлимлари ташкил этиш ва ушбу бўлимларда фақат мутахассислиги “иқтисодий таҳлилчи” бўлганлар ишлашини таъминлаш орқали комплекс таҳлилнинг натижавийлигини ошириш мумкин бўлади.

3. Корхоналарда комплекс иқтисодий таҳлилни ривожлантириш юзасидан илмий-назарий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди.

4. Корхоналар фаолиятида комплекс иқтисодий таҳлил жараёнида фойдаланиладиган ахборот манбаларининг сифатли тўлдирилишини таъминлаш, маълумотларнинг тўғрилигини кафолатловчи ҳуқуқий

нормаларни кучайтириш лозим бўлади. Чунки, маълумотларнинг ишончли, тўғри ва таҳлил учун қулай бўлиши комплекс иқтисодий таҳлилнинг самарадорлигини оширади.

5. Таҳлилда фойдаланиладиган ахборот манбаларини янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилди. Хусусан, бугунги кунда Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузишда ва унинг амалиётида айрим хатоликларга йўл қўйилмоқда. Бу эса ҳисобот шаклини мукаммал даражада шаклланмаганлигидан далолат беради. Шу сабабли «Пул оқими тўғрисида»ги ҳисобот шаклига айрим ўзгартиришлар киритилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яъни, биринчидан, ҳозирги амалда қўлланилаётган ҳисобот шаклида корхонанинг пул маблағларини кирими ва чиқими бир ҳисобот даври кўринишида акс этган. Ваҳоланки, эркин иқтисодиёт даврида корхоналарнинг турли фаолиятларини бир неча йиллик даврлар бўйича ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда баҳо бериш мақсадга мувофиқдир. «Пул оқими тўғрисида»ги ҳисобот шаклида ҳам «Бухгалтерия баланси» (1-шакл) ҳамда «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот (2-шакл) шакллари сингари икки ҳисобот даврини акс эттириш яхши самара берган бўларди. Иккинчидан, ҳозирги кунда амалда бўлган ушбу ҳисобот шаклида пул маблағларини ҳаракати ҳар бир фаолият турлари бўйича алоҳида бўлинмаларда таснифланган.

Пул оқимини фаолият турлари бўйича қайта таркиблаш масаласи ҳал этилди. Ушбу таркиблаш халқаро ҳисоб стандартлари ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларининг талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланди. Унга кўра пул оқимини қуйидагича таркибланиши белгиланган:

-асосий фаолиятдан пул маблағлари оқими;

-молиявий фаолиятдан пул маблағлари оқими;

-инвестицион фаолиятдан пул маблағлари оқими.

Амалдаги тартиб бўйича инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат кўрсатишдан пул маблағлари оқими ҳамда солиқланишдан пул

маблағларининг оқимини алоҳида таркибланиши ноўрин деб топилди ва уларга тегишли қаторлар мазмун бўйича қайта таркибланди.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботни такомиллаштириш бўйича:

- энг аввало хусусий капитал таҳлили бўйича зарур маълумотларни иқтисодий адабиётлардан олиш имкониятининг чекланганлигини инобатга олган ҳолда, ушбу мавзу бўйича назарий маълумотларни тўлиқ ва кенгайтирилган шаклда системалаштириш (жамлаш) лозим.

- хусусий капитал кўрсаткичлари таҳлили билан боғлиқ бўлган коэффициентларни халқаро ҳисоб ҳамда таҳлил ютуқларини чуқур ўрганган ҳолда мамлакатимиз ҳисоб ва таҳлил тизимига жорий этиш лозим;

- масъулияти чекланган жамияти хусусий капитали таҳлилини такомиллаштиришда мулкчилик шакли ва тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мавзуларни фарқлаш, яъни соҳаларга йўналтирилган ҳолда мукаммаллаштириш лозим.

Магистрлик диссертация иши натижаси сифатида келтирилган таклифларни амалиётга тадбиқ этиш корхоналарда комплекс иқтисодий таҳлил ишларини ташкил эжтишни такомиллаштиради ва унда фойдаланилаётган ахборот маълумотларининг тўлиқ, ишончли ва мукаммал бўлишига эришилади. Бу эса миллий ҳисоб тизимининг халқаро андозалар талаби даражасига бирмунча яқинлашишига ҳамда бунинг натижасида сармоядорлар (инвесторлар)га қулай ва тушунарли тарзда маълумотлар етказиб беришга, республикамизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кириб келиш оқимини янада кучайишига, мамлакатимиз корхоналарининг ривожланишига ва иқтисодиётимизнинг янада тараққий этишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади деб ўйлаймиз.

Юқоридаги таклиф ва тавсияларни тадбиқ этилиши иқтисодий таҳлилнинг долзарб муаммоларидан бири бўлган комплекс таҳлил ишларини ташкил этиш ва унда фойдаланиладиган ахборот манбаларининг сифатини оширишнинг айрим масалаларини ҳал қилишда асосий омил бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1.1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 46 б.

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: NORMA, 2010. – 511 б.

1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. / Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари. – Т.: Адолат, 2000. - 687 б.

1.1.4. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 йил 30 август.

1.1.5. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири). 2000 йил 26 май.

1.1.6. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2003 й. 11 декабрь.

1.1.7. “Банкротлик тўғрисида” (янги таҳрирда) (ЎзР 24.04.2003 й. 474-II-сон Қонуни билан тасдиқланган) (Мазкур Қонунга ЎзР 20.12.2005 й. ЎРҚ-15-сон Қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

1.1.8. Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида”ги (1995 йил 21 декабр) қонуни.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари:

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4-апрел ПҚ-615-сон қарори «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»

1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2003 йил 30 августда "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада

рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони (1998 йил 9 апрелдаги Фармонга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида)

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги "Корхоналар банкротлиги ҳақидаги қонунларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-1658-сон Фармони

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар:

1.3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори (кейинги ўзгаришлар билан бирга) «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом.

1.3.2. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» 1998-2010 йиллар

1.3.3. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» 1998-2010 йиллар.

1.3.4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи: «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида».

1.3.5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 6 майдаги 45-сонли буйруғи: «Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғининг 7-иловасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

1.3.6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон қарори билан тасдиқланган “Кичик корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг

соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида” ги Низом, 1998 йил 9 апрел

1.3.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишлар бўйича қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 465-сон қарори

1.3.8. Санацияга тортилган қишлоқ хўжалик корхоналарини мониторинг қилиш Тартиби (ЎзР АВ 14.08.1998 й. 473-сон билан рўйхатга олинган, ЎзР ИНКИК 08.07.1998 й. 19-сон билан тасдиқланган Тартиби)

1.3.9. “Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида” Низом (ЎзР АВ 14.04.2005 й. 1469-сон билан рўйхатга олинган ЎзР ИНКИК 16.03.2005 й. ГС-05/0271/1-сон Қарори)

1.3.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 июндаги 296-сон ва 1999 йил 26 июлдаги 362-сон қарорларига мувофиқ “Кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқлаш тартиби”

1.3.11. Ўзбекистон Республикаси Банкротлик ва санация масалари бўйича ҳукумат раисининг ўринбосарининг 1997 йил 17 апрелда 4-сон билан тасдиқлаган ва 1997 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган "Корхоналарнинг молиявий таҳлили бўйича услубий тавсиялар"

1.3.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги “2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози тўғрисида”ги №ПП-1245 қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг №16/2-15207 (31.12.2009) хабарномаси

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари:

1.4.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.:

«Ўзбекистон», 1992. - 78 б.

1.4.2. Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи. - Т.: «Ўзбекистон», 1994. - 72 б.

1.4.3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. - 269 б.

1.4.4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 202 б.

1.4.5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. - 686 б.

1.4.6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 50 б.

1.4.7. Каримов И.А. «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз». // Халқ сўзи 2002 йил 15 февраль.

1.4.8. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида / Тузувчи Ф.М. Муллажонов. – Т.: «O‘zbekiston» НМИУ, 2005. - 528 б.

1.4.9. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: “ Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 б.

1.4.10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.

1.4.11. Каримов И.А. Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 73 б.

2. Китоб ва туркум нашрлари

2.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами:

2.1.1. Абдуллаев Ё. ва бошқ. Иқтисодий таҳлил.-Т.: Меҳнат. 2001.-452 б.

2.1.2. Абдуллаев А. ва бошқ. Кичик бизнесни бошқариш.-Т.: Молия. 2003.-192 б.

2.1.3. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили.-Т.: Молия. 2003.-224 б.

2.1.4. Ахмаджонов Х.И., Рахимов М.Ю. Молиявий таҳлил. Т.; ТМИ босмахонаси. 2004 й.

2.1.5. Абдуллаев А.М., Ирматов М.М., Хайдаров М.Т.,Ашурова Д.С. Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни прогнозлаштириш. Ўқув қўлланма Т.: «Фан ва технология» 2006. -248 б.

2.1.6.Баканов М. И., Шеремет А. Д. Теория экономического анализа. М.: Финансы и статистика. 1993. - 326 с.

2.1.7. Бужинский А., Шеремет А. Д. Методика анализа хозяйственной деятельности производственного предприятия (обединения).- М.: Финансы и статистика. 1995. - 324 с.

2.1.8. Бирман Г., Шмидт С. Экономический анализ инвестиционных проектов. - М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997. - с.208

2.1.9. Вакуленко Л.Ф. Анализ бухгалтерской (финансовой) отчетности для принятия управленческих решений-СПб:изд.торг.дом. «Герда», 1999.-160 с.

2.1.10. Ваҳобов. А.В., Иброҳимов А.Т.,Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик.-Т.: Шарқ. 2005.- 480 б.

2.1.11. Друри К. Введение в управленческий и производственный учет.-М.: Аудит, ЮНИТИ. 2003.-556 с.

2.1.12. Жигалов Н. В. Использование финансовых коэффициентов для оценки деятельности компании. - М.: МГИМО. 1993.

2.1.13. Жўраев А.С. ва бошқ. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма.- Т.: Шарқ. 2003.-256 б.

2.1.14. Ибрагимов А. Молиявий таҳлил. - Т.: Меҳнат. 1995.-59 б.

2.1.15. Ибрагимов А.Т., Рахимов М.Ю. Бошқарув таҳлили. Т.; ТМИ босмахонаси. 2004 й.

2.1.16. Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлаштириш» Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.

2.1.17. Козлова Е. П., Парашутин Н. В. Анализ финансого состояния и прогнозирирования банкротства. М.: СП. Аудит - Ажур. 1994. - 162 с.

2.1.18. Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби.-Т.: Шарқ. 2004.-592 б.

2.1.19. Ковалёв О.В., Константинов Ю. П. Аудит. Учебное пособие. - М. Изд -Приор, 2000. - 272 с

2.1.20. Маркин В. П. Анализ внутрихозяйственных резервов. - М.: Финансы и статистика, 1991 г.

2.1.21. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби.-Т.: «Академия». 2002.-176 б.

2.1.22. Пардаев М.Қ. Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 1-2 қисм.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2001.-256 б.

2.1.23.Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик.-Сам.: Зарафшон 2001.-272 б.

2.1.24. Пардаев М. Қ., Исроилов Б. И. Молиявий таҳлил (Услубий кўргазмалар ва тавсиялар альбоми) - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 й.

2.1.25. Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х., Пардаев И.Р., Исроилов Ж.И. Бошкарув тахлили. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005. - 69 б.

2.1.26. Панков Д. А. Бухгалтерский учет и анализ в зарубежных странах. Минкс. ИП Экоперспектива. 1998 г.

2.1.27. Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.- Т.: Ўзбекистон БАМА нашр. 1-П-том. 2002.-122 б.

2.1.28. Селезнева И.Н., Ионова А.Ф.Финансовый анализ:Учебное пособие.- М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2001.-479 с.

2.1.29. Савицкая Г.В. “Анализ хозяйственной деятельности предприятий”. И.П. “Финанс”, 2003.

2.1.30. Савицкая Г.В. “Анализ производственно- финансовой деятельности сельскохозяйственных предприятий”. М.: “Инфра-М”, 2003.

2.1.31. Савицкая Г.В. “ Теория анализа хозяйственной деятельности”. М.: “Инфра-М”, 2006.

2.1.32. Флейшер К. “Стратегический и конкурентный анализ. Методы и средства конкурентного анализа в бизнесе”. М.: “Бином”, 2005.

2.1.33. Маркарьян Э.А., Герасименко Г.П., Маркарьянс С.Э. “Финансовый анализ”. Издания четвертое М.: “ИД ФБК-Пресс”, 2003.

2.1.34. Ионова А.Ф., Селезнева Н.Н. “Финансовый анализ”. М.: “Проспект”, 2006,

2.1.35. Солиқа оид қонун ҳужжатларидаги янгиликлар. . – Т.: “Норма”, 2010. – 512 б.

2.1.36. Ғуломов С.С Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили.-Т.: 1998.

2.1.37. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш.-Т.:«Молия». 2003 й.

2.1.38. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.(Монография)-Т.: Молия. 2003.-247 б.

2.1.39. Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш.-Т.: Ўқитувчи. 2004.-100 б.

2.1.40. Шагиясов Т.Ш. и другие. Финансовый и управленческий анализ. /Учебник. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. -352 с.

2.1.41. Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009. -220 б.

2.1.42. Чуев Й.Н., Чуева Л.Н. “Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности”. М.: “Дашков и Ко”, 2006.

2.2. Кўп томлик китоблар:

2.2.1. Иткин Ю.М., Сотиволдиев А.С. Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Узбекистана. В 2-х т. – Т.: Ассоциация бухгалтеров и аудиторов, 1997. – 417 с.

2.2.2. Маконелл К.Р., Брю Л.С. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-х т. /Пер. с англ. 2-го изд. - М.: “Республика”, 1992.

2.2.3. Ризақулов А.А., Ибрагимов А.К., Хасанов Б.А., Усанов А.У., Маматов

З.Т. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. 3 том. – Тошкент, 1994. - 320 б.

3. Диссертациялар ва диссертация авторефератлари

3.1. Абдувахидов Ф.Т. Кичик тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш: Иқтисод фанлари номзоди ... диссертация автореферати. – Т.: ЎзР БМА, 2005. – 22 б.

3.2. Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва аудит: Иқтисод фанлари доктори ... диссертация автореферати. – Т.: ЎзР БМА, 2002. – 32 б.

3.3. Курбанбаев Ж.Э. Корхоналарда ҳисоб сиёсатини шакллантириш, юритиш ва ривожлантириш истиқболлари: Иқтисод фанлари номзоди ... диссертация автореферати. – Т.: ЎзР БМА, 2005. – 22 б.

3.4. Пардаев М. Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари.: Иқт. фан. докт. дис....автореф.-Т.: ЎзР БМА. 2002.

3.5. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари.- иқт.фан.докт. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферата - Т.: ЎзР БМА, 2004.

3.6. Ишонкулов Н.Ф. Пул оқимларининг ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. - Иқтисод фанлари номзоди ...диссертация автореферати. – Т.: ЎзР БМА, 2007. – 21 б.

3.7. Мисиров К.М. Билвосита солиқларнинг молиявий ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди ... диссертация автореферати. – Т.: ЎзР БМА, 2010. – 21 б.

4. Журнал ва газеталардаги мақолалар

4.1. Хакимов Б. Фирма пул оқимлари ҳисобини юритиш. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2008. 1-сон 70 б.

4.2. Хакимов Б. Халқаро тажриба: Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2008. 2-сон 80 б.

4.3. Остонақулов О. Функционал қиймат таҳлилининг мақсади ва босқичлари. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2008. 1-сон 88-94 б.

2.

4.4. Остонақулов О. Функционал қиймат таҳлили шакллари. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2009. 4-сон, 87 б.

4.5. Маматов Б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш амалиётидаги ўзига хос муаммолар. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2009. 4-сон, 19 б.

8. Хорижий илмий нашрлар

5.1. Charles T. Horngren, George Foster. Cost Accounting (A Managerial Emphasis). A Division of Simon & Schuster, New Jersey. 1990. 964 p.

5.2. Donald E. Kieso, Jtrry J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCONTING. John Wiley & Sons, USA. 2004. 1332 p.

5.3. Jack C. Robertson. Auditing. R.R. Donnelley & Sons Company, USA. 1996. 982 p.

5.4. Lowrence Revsine, Danial W. Collins, W. Bruce Johnson. Financial Reporting & Analysis. Pearson Education, New Jersey. 1999. 1006 p.

5.5. Mc. Lead, Raymond Jr. Management information systems. A Division of Simon & Schuster, New Jersey. 1995. 754 p.

5.6. Paul E. Dascher, Jeffrey W. Strawser, Robert H. Strawser. Working Papers to accompany Managerial Accounting. Thomson, Mason. 2003. Inc. 14-22.

5.7. Ronald M. Copeland, Paul E. Dascher, Jerrey W. Strawser, Robert H. Strawser. Managerial Accounting. Thomson Learning, Ohio. 2001. Inc.13-34.

5.9. Stive Jackson, Roly Sowyers. Managerial Accounting (A Focus on Decision

Making). Harcourt College Publishers, Orlandu. 2001. Inc. 16-17.

5.10. Shim K., Joel G. Siegel «Modern Cost Management & Analysis». Barron's Educational Series, USA. 2000. 346 p.

6. Симпозиум ва конференция ишларига ҳаволалар

6.1. «Аудитор фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари: муаммо ва ечимлари» //Иккинчи Республика анъанавий илмий-амалий конференция тўплами. -Т.: ТМИ, 2006. -244 б.

6.2. «Аудитор фаолиятини такомиллаштириш истикболлари: муаммо ва ечимлари» //Учинчи Республика анъанавий илмий-амалий конференция тўплами. -Т.: ТМИ, 2007. -258 б.

6.3. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги Респ.илм.-амал.конф.матер. 2009 йил 12 декабрь. -Т.: ТМИ. 2009. -500 б.

6.4. «Баркамол авлодни иш билан таъминлаш – давр талаби» мавзусидаги Институт.илм.-амал. семинар.матер. 2009 йил 15 декабрь. -Т.: ТМИ. 2009. -400 б.

7. Статистика ва ҳисобот материаллари

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 1996-2009 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

8 Интернет сайтлари

8.1. http://www.Gov.uz./

8.2. http://www.Pravo.uz./

8.3. http://www.Zionet.uz./

8.4. http://www.Stat.uz./

8.5. http://www.analitic.ru/